

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

21-сон
(81)
2003 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

202. «Қимматбаҳо металллар харида қилиш, сақлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 октябрдаги ПФ-3346-сон Фармони [Кўчирма]

Учинчи бўлим

203. «Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори

204. «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори

205. «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 484-сон қарори

206. «Адвокатлик бюrolари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 485-сон қарори

207. «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарори
208. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 487-сон қарори
209. «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 6 ноябрдаги 469-сон қарори
210. «Тиббийёт техникаси ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 6 ноябрдаги 490-сон қарори
211. «Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 496-сон қарори
212. «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори
213. «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори
214. «Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 503-сон қарори
215. «Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 504-сон қарори
216. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарори
217. «Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарори
218. «Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори
219. «Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 512-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

202 Қимматбаҳо металллар харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

[Кўчирма]

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ ҳамда қимматбаҳо металллар харид қилиш, сақлаш ва экспорт қилиш жараёнини бошқариш тизими самарадорлигини ошириш ва ортиқча бўғинларни қисқартириш мақсадида:

1. 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги этиб қайта ташкил қилиш, Давлат аслик даражасини белгилаш палатасини унинг ихтиёрида сақлаб қолиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Қимматбаҳо металллар агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сотиб олинadиган ва сотиладиган қимматбаҳо металлларни харид қилиш, сақлаш, ҳисобини юритиш ва ортиб жўнатиш борасидаги ишларни бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захиралари таркибидаги қимматбаҳо металллар, шунингдек сақланаётган бошқа бойликлар ҳисоби юритилиши ҳамда сақлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

республика ҳудудида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш, ҳисобини юритиш ва сақлашни ташкил этиш устидан назоратни уюштиришда иштирок этиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, таркибида шундай металл ва тошлар бўлган буюмлар, уларнинг парчалари ва чиқитларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ҳисобини юритиш, сақлаш ҳамда сотишни ташкил қилиш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни келишиб олиш;

Ўзбекистон Республикасида аслик даражаси назоратини ташкил этиш ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Қимматбаҳо металллар агентлиги ҳамда Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат аслик даражасини белгилаш палатаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасалари мақомига эгадирлар;

Агентлик ва Давлат аслик даражасини белгилаш палатасининг фаолиятини

молиялаш Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

Қимматбаҳо металллар агентлиги бош директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари ҳисобланади ва белгиланган тартибда тайинланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасида сақланаётган бойликларни 2004 йилнинг 1 январи ҳолати бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб, қабул қилиш ва топшириш ишларини амалга оширсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ҳисоб палатаси олтин-валюта захираларининг энг мақбул таркибига эришиш ҳамда таваккалчиликларини бошқариш вазибаларидан келиб чиққан ҳолда республиканинг қимматбаҳо металлларидан самарали фойдаланишни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 31 октябрь,
ПФ-3346-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

203 Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда лицензия бериш тўғрисида хулосалар тайёрлаш бўйича эксперт комиссия таркибини ва комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқласин

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 3 ноябрь,
479-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарорига
ИЛОВА

Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ветеринария фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Ветеринария фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссия тузилади. Эксперт комиссия таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Эксперт комиссия мажлислари камида ойига бир марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

3. Лицензияланадиган ветеринария фаолияти қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари;
ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар, зоогиена воситалари ва ветеринария атрибутларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш.

Ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари рўйхати лицензияловчи орган томонидан белгиланади.

4. Ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

5. Ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

6. Юридик ёки жисмоний шахс томонидан ветеринария фаолияти фақат лицензияда кўрсатилган ишлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Лицензиатда лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) мавжуд бўлган тақдирда лицензия бериш вақтида кўрсатиб ўтилган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) сонига қараб улардан ҳар бирининг жойлашга жойи кўрсатилган ҳолда лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган лицензия нусхалари берилади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар ветеринария фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

ветеринария соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этиш;

юридик шахс штатида олий маълумотга ва ветеринария соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган ветеринария врачларининг мавжуд бўлиши;

якка тартибдаги тадбиркорнинг олий ветеринария маълумотига ва ветеринария соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлиши;

юридик шахс ходимларининг, ветеринария фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг камида 5 йилда бир марта малака ошириши;

лицензия талабгори лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли ветеринария ва санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларга эга бўлиши;

тегишли ташкилий-техник шартлар ва моддий-техника жиҳозларининг, шу жумладан асбоб-ускуналар, асбоблар, транспорт ҳамда рухсат берилган ветеринария технологияларини қўллаш учун фойдаланиладиган ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

ветеринария ва санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиш;

Ўзбекистон Республикасида рухсат берилган диагностика, профилактика ва даволаш усулларини, шунингдек ветеринария препаратларини қўллаш.

8. Ветеринария фаолиятининг тегишли йўналишларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага ва бошқа техника воситаларига қўйиладиган энг кам талаблар белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан белгиланади.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаётган ветеринария фаолияти ишлари турлари ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга оширилдиган муддат;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — юридик шахслар учун; яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — жисмоний шахслар учун;

в) лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) ҳудудий давлат ветеринария органининг мавжуд бинолар ва асбоб-ускуналарнинг ветеринария талабларига мувофиқлиги ҳамда лицензияланадиган ветеринария фаолияти турини амалга ошириш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси;

д) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати органининг ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

е) лицензия талабгоридан ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва аппаратуралар рўйхати;

ж) ветеринария муассасаси раҳбари меҳнат дафтарчаси ва олий маълумот тўғрисидаги дипломининг нотариал тасдиқланган нусхалари, шунингдек унинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси — юридик шахслар учун;

з) юридик шахс ходимлари — ветеринария мутахассислари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорнинг (диплом, малака ошириш, ихтисослашувдан ўтиш тўғрисидаги ҳужжатлар, меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхалари) малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар.

10. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилди.

Ҳужжатлар лицензияловчи орган эксперт комиссиянинг масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топирилади). Эксперт комиссия масъул котиби жойида бўлмаганлиги туфайли ҳужжатларнинг қабул қилинишини рад этишга йўл қўйилмайди. Эксперт комиссия масъул котиби вақтинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функцияларини белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

12. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

14. Ветеринария фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

15. Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризаси улар олинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия йиғирма беш кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссия хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун лицензияловчи орган эксперт комиссия илтимосига кўра ўз маблағлари ҳисобига:

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шароитларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

16. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда ҳабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

Лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган ветеринария фаолияти тури (ишлари)нинг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган манзил (манзиллар);

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

ветеринария фаолиятининг муайян йўналишини амалга ошириш хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензия қайта расмийлаштирилган ёки филиал очилган тақдирда лицензия битимига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади ёхуд янги лицензия битими тузилади.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун лицензияловчи орган раҳбари жавоб беради.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссия хулосаси асосида тўрт кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Юридик шахс — лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва амалдаги лицензиянинг асл нусхаси илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

23. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

24. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиат аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

25. Муддати ўтмаган йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган лицензия ўрнига лицензиат аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия берганлик учун ундириладиган тўлов суммасининг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

26. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаб-

лари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этишга мажбур бўлган муддатларни белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор чиқариш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ветеринария фаолиятини лицензиясиз амалга ошириш ҳоллари аниқланган тақдирда материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарори асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

30. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади. Ветеринария фаолиятини амалга оширишга лицензиялар реестри юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида юритилади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар:

юридик шахслар учун — ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, мулкчилик шакли, филиаллар тўғрисида маълумотлар, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахслар учун — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорти маълумотлари, яшаш манзили, телефони;

б) лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

в) лицензия бланкасининг серияси ва тартиб рақами;

г) лицензиянинг амал қилиш муддати;

д) ветеринария фаолияти тури;

е) лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган манзил, иш телефони, факс;
ж) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини тўхта-
тиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

з) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилишнинг
асослари ва санаси.

31. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний
шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида лицензиялов-
чи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифа-
тида маълумот олишлари мумкин.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг
ярми миқдоридаги тўлов лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълу-
мотлар текин берилади.


IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи

32. Лицензия берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдо-
рида давлат божи ундирилади.

33. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Ветеринария фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ветеринария фаолиятини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

204 Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида

«Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорга 2-илова 15-бандининг назорат приборлари (тахографлар) билан жиҳозлашга доир талаблари 2004 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 31 июлдаги 378-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 ноябрь,
482-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорига
1-ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш ҚОИДАЛАРИ

I боб. Умумий қоидалар

1. Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташишнинг ушбу Қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) «Автомобиль транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташишга татбиқ этилади.

2. Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажларни ташиш тегишли лицен-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

зия, тендер натижалари бўйича белгиланган тартибда тузилган мунтазам йўналишларда йўловчилар транспортида хизматлар кўрсатиш юзасидан тузилган шартномалар (контракт) мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

3. Йўловчилар ва бағажни ташишга тарифлар миқдорлари мазкур Қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

4. Автомобилда йўловчилар ва бағажни халқаро ташишлар шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

5. Йўл чипталари, йўл ва чиптани ҳисобга олиш варақалари реквизитлари, йўналишлар, автовокзаллар (автостанциялар) паспортлари, автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташишга тааллуқли шакллар ва йўриқнома-методик ҳужжатлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланади.

II боб. Йўловчилар ва бағажни ташиш

1-§. Асосий тушунчалар

6. Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автобус — йўловчиларни, бағажни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда 8 тадан ортиқ ўриндикка эга бўлган автотранспорт воситаси;

автовокзал (автостанция) — транспорт-экспедиция, ташиш фаолиятини амалга оширувчи ва йўловчиларга бошқа хизматлар кўрсатувчи ташкилот;

автопавильон — йўловчиларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган автомобиль йўлидаги иншоот;

бағаж автомобили — бағаж ташишга мўлжалланган автомобиль;

бағаж — жўнатиш учун идишга жойланган ва йўловчи томонидан ушбу автобусда олиб кетиладиган буюмлар;

бағаж квитанцияси — бағажнинг ташиш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

чипта — йўловчининг ҳақ тўлаган ҳолда автобусдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини ҳамда йўловчи ва ташувчи ўртасида ташувлар юзасидан ошкора шартномалар тузилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжат;

ҳайдовчи — автотранспорт воситасини бошқарувчи шахс;

йўл — қурилган ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси;

қўл юки — йўловчи томонидан бепул ташиладиган ташиш учун идишга жойланган буюмлар;

енгил автомобиль — йўловчилар ва бағажни ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда 8 тадан кўп бўлмаган ўриндикка эга бўлган автотранспорт воситаси;

йўналишсиз таксилар — йўловчиларнинг буюртманомаларига кўра таксометр (ҳисоблагич) кўрсаткичи бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига ташиш хизматлари кўрсатувчи автотранспорт воситаси;

йўналишли автобус — белгиланган йўналиш бўйича йўловчилар ва бағажни ташишга мўлжалланган автобус;

йўналишли таксилар — йўловчиларнинг талабига кўра тўхтаб ўтадиган мунтазам йўналишларда йўловчиларни ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль);

йўналиш — автотранспорт воситаларининг муайян манзиллар оралиғида белгиланган қатнов йўли;

йўналиш паспорти (йўналиш ҳужжатлари) — йўналиш тўғрисидаги асосий маълумотларни тавсифловчи ҳужжатлар;

йўловчи — тузилган ташиш шартномасига мувофиқ ташиш хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахс;

супача — йўл қопламаси сатҳидан баландроқ бўлган, автовокзалларда (автостанцияларда)ги йўловчиларни транспортга чиқариш ва ундан туширишга мўлжалланган майдонча;

ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизмати-ни кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

қатнов жадвали — рейсни бажариш вақти, жойи ва изчиллиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган график (жадвал);

рейс — автотранспорт воситасининг йўналишнинг бошланишидан охиригизилигача бўлган йўли;

махсус йўналишлар — ташкилотларнинг ходимларини иш жойига ва иш жойидан ташиш;

йўналиш схемаси — йўналишнинг шартли белгилар қўйилган график тасвири;

тариф — йўловчилар ва багажни ташиш учун белгиланган тўлов миқдори;

трафарет — йўловчиларни йўналиш тўғрисида хабардор қилишга мўлжалланган кўрсаткич.

2-§. Ташишларнинг турлари ва уларни ташкил этиш

7. Йўловчиларни ташиш қуйидаги турларга бўлинади:

- а) шаҳарда ташиш;
- б) шаҳар атрофида ташиш;
- в) шаҳарлараро ташиш;
- г) халқаро ташиш.

Йўловчилар:

а) йўналишли автобусларда;

б) юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг буюртманомалари (буюртмалари)га ёки ташишнинг бошқа шартномалари бўйича бериладиган автобус ва енгил автомобилларда;

в) йўналишсиз таксиларда;

г) йўналишли таксиларда ташилади.

8. Йўналишли автобуслар ва йўналиш таксилари ҳаракати:

а) шаҳардаги йўналишларда — шаҳарларнинг ҳокимликлари ёки шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан;

б) шаҳарлар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда — вилоятлар ҳокимликлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан;

в) вилоятлараро-шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланадиган жадваллар бўйича ташкил этилади;

9. Янги йўналишларни ташкил этиш (очиш) белгиланган тартибда:

а) шаҳарларда — шаҳарлар ҳокимликлари ёки шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан;

б) шаҳар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ёки йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан;

в) вилоятлараро, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилади.

10. Ҳар бир янгидан очиладиган ва фойдаланиладиган йўналишлар учун йўналиш паспорти тасдиқланади, унда қуйидагилар бўлади:

а) йўналишнинг асосий кўрсаткичлари билан бирга титул варакаси;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати органлари билан келишилган йўналиш схемаси (схемада тўхтаб ўтиш манзиллари, ҳаракатланиш учун хавфли бўлган йўл участкалари, темир йўлни кесиб ўтиш жойлари, кесишган йўл устидан ўтказилган қўндаланг йўллар ва шу кабилар кўрсатилади). Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишлар схемаларида, бундан ташқари, дам олиш жойлари, овқатланиш шохобчалари кўрсатилади;

в) масофани ўлчаш протоколи ва автотранспорт воситасининг ҳаракатланиш вақти хронометражи;

г) автотранспорт воситасининг йўналиш бўйича ҳаракатланиш жадвали;

д) йўл ҳақи тарифлари.

11. Йўловчиларнинг айрим тоифаларига транспортда имтиёзли (шу жумладан бепул) юриш ҳуқуқи берилади.

Автомобиль транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар тоифалари ва ушбу имтиёزلарни бериш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

12. Мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларидаги автотранспорт воситаларида юришда йўловчи йўл чиптаси сотиб олиши, уни бутун йўлда юриш вақти давомида сақлаши ва уни назоратчининг биринчи талабига қўра кўрсатиши шарт.

13. Йўловчилар йўл чипталарини кассалардан ёки кондуктордан (ҳайдовчидан) сотиб олади.

14. Йўналишдаги автотранспорт воситаси носоз бўлган тақдирда йўловчиларга берилган йўлда юриш ҳужжатлари айнан шу йўналишдаги бошқа автотранспорт воситасида юриш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўловчиларни бошқа автотранспорт воситасига ўтказиш носоз автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси томонидан амалга оширилади.

Йўловчилар йўқотиб қўйган чипталар тикланмайди, улар учун тўланган пул қайтариб берилмайди.

15. Автобуста:

а) йўловчиларнинг маст ҳолда юриши;

б) йўловчилар ёки ҳайдовчининг чекиши;

в) ҳайдовчи (кондуктор)нинг рухсатсиз ойналарни очиш;

г) ойнадан ташқарига осилиш;

д) тез ёнувчан, портловчи, заҳарловчи, заҳарли, қўланса, радиоактив моддалар ва ашёларни, ғилофсиз ўқ отар қурол, тигли ва кескир ашёларни олиб юриш;

е) ўлчами 100 см х 50 см х 30 сантиметрдан катта ёки битта ўрин учун оғирлиги 60 килограммдан ортиқ буюмларни, шунингдек узунлиги 200 сантиметрдан ортиқ бўлган буюмларни олиб юриш;

- ж) салонни ёки йўловчиларнинг кийимларини ифлос қилувчи буюмлар ва ашёларни олиб юриш;
- з) тумшукбоғсиз итлар ва бошқа ҳайвонларни олиб юриш тақиқланади.

3-§. Йўловчилар ташувчи транспорт воситаларига қўйиладиган талаблар

16. Автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва анжомлари тегишли стандартлар ҳамда техник фойдаланиш қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

17. Автотранспорт воситалари Dst 974/2000 Ўзбекистон давлат стандартига мувофиқ анжомларга эга бўлиши керак.

4-§. Йўловчиларни ташувчи ҳайдовчиларга қўйиладиган талаблар

18. Автомобиль транспортида йўловчи ташувчи ҳайдовчилар Ўзбекистон давлат стандартларида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга жавоб беришлари керак.

19. Мунтазам қатновларни амалга оширувчи автобуслар ва йўналишли таксилар ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда:

тендер контрактига мувофиқ ушбу йўналишда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномага;

тегишли лицензияга (лицензия карточкасига);

йўналиш ҳужжатларига;

йўл варақаси ва чипталарни ҳисобга олиш варақасига;

йўл варақаларида йўлга чиқишдан олдин белгиланган тартибда ўтказиладиган автотранспорт воситасининг техник кўриқдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтганлиги ҳақидаги қайдларга;

қатнов жадвалига ва йўналиш схемасига (шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда — унда аҳоли яшаш жойларидан ўтиш вақти, овқатланиш, дам олиш, тунги ухлаш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда) эга бўлиши керак.

5-§. Йўловчилар ташувчи автотранспорт воситалари ишини ҳисобга олиш

20. Қуйидагилар йўловчилар ташувчи автотранспорт воситалари ишини ҳисобга олувчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади:

а) автотранспорт воситасининг йўл варақаси;

б) шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро қатновчи (йўналишсиз таксилардан ташқари) автотранспорт воситаларининг чипталарни ҳисобга олиш варақаси;

в) автобус ва енгил автомобилларнинг буюртманомалар (буюртмалар) ва бошқа шартномалар бўйича ишлаши юзасидан топшириқнома;

г) чипталарни сотиш ведомости (йўналишсиз таксилардан ташқари).

21. Автотранспорт воситаларининг йўл варақалари ва чипталарни ҳисобга олиш варақалари ҳамда буюртманомалар (буюртмалар) ва бошқа шартномалар бўйича ишлаши юзасидан топшириқнома бланкалари қатъий ҳисобда турадиган бланкаларни ҳисобга олиш ва сақлаш қоидалари бўйича ҳисобга олинади ва ташувчида сақланади.

22. Йўл ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди. Ҳайдовчи гаражда, йўлда, оралиқ манзилларга кириб ўтишда ва охириги манзилларда йўл ҳужжатларидаги барча қайдларнинг тўғрилигини кузатиб бориши шарт.

III боб. Шаҳардаги йўналишларда йўловчилар ва багаж ташиш**1-§. Умумий қоидалар**

23. Шаҳар йўловчилар ташиш транспорти йўналишлари қўйидаги турларга бўлинади:

- а) шаҳардаги оддий, тезкор, экспресс ва тифиз пайтлардаги қўшимча йўналишлар;
- б) шаҳар четидан кўпи билан 2 км четга чиқувчи шаҳарда қатновчи йўналишлар;
- в) йўналишли таксилар.

Шаҳардаги йўналишлар шаҳар (шаҳарча)даги турар жой ва саноат ҳудудларини маданий-маиший ва спорт-соғломлаштириш ташкилотлари, вокзаллар, аэропортлар, автостанциялар, метро станциялари, темир йўл платформалари, пристанлар ва шу кабилар билан транспорт алоқасини таъминлаши керак.

24. Аҳолига хизмат кўрсатиш хусусиятига мувофиқ шаҳардаги йўналишлар бир нечта иш режимига эга бўлиши мумкин:

- а) сутка, ҳафта кунлари, ойнинг белгиланган даври мобайнида амал қиладиган доимий йўналишлар;
- б) дам олиш ҳудудлари, спорт-соғломлаштириш комплекслари, ярмаркалар ва шу кабилар фаолият кўрсатадиган даврда ташкил этиладиган мавсумий йўналишлар;
- в) махсус йўналишлар;
- г) кўча-йўл шохобчаларида фавқулодда вазиятлар пайдо бўлганда, айрим участкалар, транспорт йўллари ва майдонлар ёпилганда жорий этиладиган вақтинчалик йўналишлар.

2-§. Йўл ҳақини йўлқира карточкалари билан тўлаш

25. Йўлқира карточкаларини олдиндан сотиш махсус ташкил этилган сотиш шохобчаларида, шунингдек савдо ташкилотлари ва бевосита ташувчи орқали амалга оширилади.

Йўлқира карточкаси багажни бепул ташиш ҳуқуқини бермайди.

Йўлқира карточкалари сериялари, транспорт турлари бўйича бўлинади ва йўловчиларнинг барча тоифалари учун, имтиёзли карточкалар эса — пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчилар учун ҳақиқий ҳисобланади.

Шаҳар транспортда фойдаланиладиган барча серия ва турдаги йўл карточкалари таксилар, шаҳар атрофидаги ва шаҳарлараро (вилоятлараро ва халқаро) йўналишлар учун ҳақиқий ҳисобланмайди.

3-§. Транспортда юриш шартлари

26. Йўловчиларни транспортга чиқариш ва ундан тушириш фақат тўхтаб ўтиш манзилларида амалга оширилиши мумкин. Йўналишда «талабга кўра» тўхташ жойлари мавжуд бўлганда йўловчи ҳайдовчига автотранспорт воситасини тўхтатиш зарурлиги тўғрисида олдиндан маълум қилиши керак.

27. Йўналишли ёки йўналишсиз таксилар йўловчиларини чиқариш ва тушириш йўловчилар талабига кўра, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

28. Йўл карточкаси ёхуд автобусда юриш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлган йўловчи уни автобусга чиқиш вақтида кўрсатиши шарт.

29. Шаҳардаги автобус йўналишларида йўловчи етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга.

30. Мактабгача ёшдаги болали йўловчилар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва кекса фуқаролар учун автобус салонидан, унинг йўловчи сифимига қараб, 6 та олдинги жойлар ажратилади. Ушбу жойларни эгаллаган бошқа йўловчилар уларни мазкур шахслар учун бўшатишлари керак.

31. Ҳайдовчи автобусни тўхташ жойидан фақат эшикларни ёпган ҳолда, йўловчилар тўлиқ тушириб ва чиқариб бўлингандан сўнг юргизиши, бекатларни аниқ ва тўғри эълон қилиши, қатнов йўналиши ўзгарган тақдирда эса бу тўғрида ҳар қайси бекатда эълон қилиши шарт. Автобус салонини автобуснинг муайян тури учун белгиланган умумий сифимидан ортикча тўлдиришга йўл қўйилмайди.

4-§. Қўл юки ва багажни ташиш

32. Йўловчи ҳажми 60 см х 40 см х 20 см ва оғирлиги 20 килограммдан ортик бўлмаган қўл юки ҳамда мусиқа асбобини, 150 сантиметргача узунликдаги буюмларни, шунингдек қафасга солинган майда ҳайвонлар ва паррандаларни, аравагани (болалар, ногиронлар ва бошқаларнинг аравачаларини), майда боғдорчилик инвентари, болалар чаналарини ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга.

33. Ҳажми 60 см х 40 см х 20 сантиметрдан 100 см х 50 см х 30 сантиметргача бўлган ва узунлиги 150 сантиметрдан 200 сантиметргача бўлган буюмларни, шунингдек, ўлчамидан қатъи назар, оғирлиги 20 килограммдан ортик бўлган багажни олиб юриш тарифга мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда амалга оширилади.

34. Ўлчами 33-бандда кўрсатилган энг катта ҳажмларнинг хатто биттасидан ортик бўлган багаж белгиланган параметрларга номувофиқ ҳисобланади.

35. Багажнинг жойланиши ва ташилиши йўловчиларга ва автотранспорт воситасига бирон-бир зарар етказиш имкониятини тўлиқ истисно қилиши керак.

36. Багажни олиб юриш қиймати йўловчининг йўл ҳақи қиймати каби тартибда белгиланади.

IV. Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчилар ҳамда багажни ташиш

1-§. Умумий қоидалар

37. Аҳолига хизмат кўрсатиш хусусиятига мувофиқ шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар куйидаги бир нечта иш режимига эга бўлиши мумкин:

а) сутка, ҳафта кунлари, ойларнинг белгиланган даври мобайнида амал қиладиган донимий йўналишлар;

б) дам олиш зоналари, спорт-соғломлаштириш комплекслари, ярмаркалар ва шу кабилар фаолият кўрсатадиган даврда ташкил этиладиган мавсумий йўналишлар;

в) ишчилар, мутахассислар ва хизматчиларни иш жойига ва уйга ташиш учун ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган махсус йўналишлар.

38. Шаҳар атрофи йўналишларидаги бекатлар йўловчиларнинг у ерга хавфсиз ва қулай келишини таъминлашни ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши ва улар қуйидагиларга эга бўлиши керак:

а) павильонни жойлаштириш учун асфальтланган майдончалар ва йўловчиларнинг бекатга келиши учун асфальтланган йўлкалар;
б) йўловчиларнинг ёмғир, қор, шамолдан бекиниши учун павильон;
в) бекатнинг номи ёзилган кўрсаткич;
г) йўналишлар кўрсаткичи, унда қуйидагилар кўрсатилади: йўналишларнинг тартиб рақами, уларнинг охириги манзили номи (қатнов йўналишлари бўйича), ҳаракатланиш оралиғи 30 минутдан ортиқ бўлганда ушбу манзилдан автобусларнинг жўнаш жадвали. Йўналишда автобуслар қатнови оралиғи 30 минутдан кам бўлганда жадвал ўрнига қатновлар оралиғи жадвали кўрсатилиши мумкин. Унда автобусларнинг биринчи ва охириги жўнаш вақти ҳамда сутка даврлари бўйича қатнов оралиқлари вақти кўрсатилган бўлади.

39. Шаҳар атрофи йўналишларида тўхтаб ўтиш манзиллари йўловчилар учун энг қулай жойларда бўлиши керак:

а) шаҳар атрофи йўналишларининг шаҳардаги сўнгги бекатлари йўловчилар гавжум бўладиган йирик манзиллар (темир йўл вокзаллари ва станциялари, дарё портлари, бозорлар, метрополитеннинг охириги бекатлари ва шу кабилар) ёнида бўлиши керак;

б) шаҳарда шаҳар атрофи йўналишларининг тўхтаб ўтиш манзиллари шаҳар йўловчи ташиш транспорти йўналишлари тўхтаб ўтиш манзиллари билан бир жойда бўлиши ва шаҳарнинг транспортни бошқариш бўйича ваколатли органлари билан келишилган бўлиши керак;

в) аҳоли яшаш жойлари чегараларида жойлашган шаҳар атрофи йўналишлари тўхтаб ўтиш манзиллари оралиғидаги масофа 1,0 км атрофида, қолган ҳолларда — ўртача 1,5 км бўлиши керак;

г) шаҳар атрофидаги бекатлар йўналиш трассасида жойлашган ҳар бир аҳоли яшаш жойида бўлиши керак.

40. Чипталари кассалар орқали сотиладиган шаҳарлараро (ҳалқаро) йўналишлар тўхтаб ўтиш манзилларида (45-банднинг «а», «б» кичик бандларидаги шартлардан ташқари) қуйидагилар бўлиши керак:

а) иш тартиби кўрсатилган ҳолда чипта сотиш кассалари;

б) тўхтаб ўтиш манзили зонасида йўловчиларнинг транспортга чиқиши-тушиши учун супача;

в) автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун майдончалар;

г) йўл ҳақи, багаж ташиш ҳақи баҳоси жадваллари;

д) йўналишлар схемаси;

е) шаҳарлараро (ҳалқаро) автотранспорт воситаларининг қатнов жадвали;

ж) санитария узели.

41. Чипта сотиш кассаси бўлмаган павильонларда ва шаҳарлараро (ҳалқаро) йўналишлар тўхтаб ўтиш манзилларида ушбу тўхтаб ўтиш манзили орқали ўтадиган автотранспорт воситаларининг қатнов жадваллари осиб қўйилади.

2-§. Йўл ҳақи тўлаш

Шаҳар атрофи йўналишларида:

42. Шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда юриш чипталари ҳайдовчилар (мавжуд бўлганда — кондукторлар) томонидан, чипта сотиш кассалари ташкил этилган йўналиш тўхтаб ўтиш манзилларида эса кассирлар томонидан сотилади.

43. Автобустаги йўловчи етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга.

44. Йўловчи томонидан шаҳар атрофи йўналишларига жорий сотиш кассаларидан сотиб олинган чипталар, агар чиптани сотиш чоғида ва чиптада ўзгача ҳол айтилмаган ва кўрсатилмаган бўлса, автобус жўнашидан 5 минут олдин қайтариб берилиши мумкин.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда:

45. Йўловчи автотранспорт воситасида юриш учун чипталарни:

а) жорий кунги рейсларга — шаҳарлараро (халқаро) йўналишларнинг бошланғич манзилларидаги кассалардан автобус жўнайдиған кунда;

б) оралиқ манзиллардаги кассалардан — автобусда бўш ўринлар мавжудлиги тўғрисида маълумот олинган вақтдан бошлаб;

в) кассадан чипталар сотиш ташкил этилмаган тўхтаб ўтиш манзилида автобус жўнагунгача унга чиқиш вақтида — ҳайдовчидан;

г) олдиндан чипта сотиш кассаларидан (бошланғич ва охириги манзилларда, шунингдек транспорт-экспедиторлик ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан ташкил этилган манзилларда) — олдиндан чипта сотиш жўнаш кунини арафасида тўхтатилган ҳолда, автотранспорт воситаси жўнашидан 10 сутка олдин сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

Бошланғич ва оралиқ манзиллардаги кассаларда жорий кунги қатновларга чипталар сотиш автобус жўнашидан 5 минут олдин тўхтатилади.

46. Йўловчидан, шу жумладан имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчидан чипталарни олдиндан банд қилиб қўйганлик учун чипта баҳосига қўшиладиган тўлов ундирилиши мумкин.

Автовокзал (автостанция) ёки ташувчи ўз хоҳишига кўра сотиш жойида ёки автотранспорт воситаси салонида чегирма шартлари ва миқдори тўғрисидаги эълон мажбурий кўрсатилиши шарт билан олдиндан сотиб олиш муддатига қараб чипталар олдиндан сотиш кассаларидан сотиб олинганлиги учун чегирма қилиши мумкин.

47. Чипталарга почта оқриткаси, телеграмма, телефон, электрон почта ёки Интернет орқали олдиндан буюртма берилиши мумкин.

Буюртмада буюртмачининг фамилияси, жўнаш санаси ва вақти, бориладиган жой, чипталар сони, олиш усули (уйга элтиб бериш ёки элтиб бермасдан) кўрсатилади. Чиптага уйга элтиб берган ҳолда буюртма берилганда буюртмачининг манзили, хизмат ёки уй телефони мавжуд бўлганда эса — унинг рақами кўрсатилади.

Чипта сотиб олиш ва олиш шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон усулда ҳам ташкил этилиши мумкин.

48. Буюртма берилган чипталарни уйга элтиб берганлик учун йўловчидан тўлов ундирилади, тўловнинг тасдиғи сифатида йўловчига қвитанция берилади, қвитанцияда транспорт ташкилотининг номи ва қвитанция берилган сана кўрсатилади. Ёзувлар аниқ ҳолда қайд этилади, берилган сана эса компьютер ёки штамп билан қўйилади.

49. Йўловчи буюртма берган ва ҳақи тўланган чипталар олдиндан чипта сотиш кассасида уни йўловчи талаб қилиб олгунгача сақланади.

Йўловчи томонидан буюртма берилган, лекин ҳақи тўланмаган чипталар олдиндан чипта сотиш кассасида сақланади ва йўловчи томонидан автобус жўнашидан камида бир соат олдин талаб қилиб олинishi керак. Талаб қилиб олинмаган чипталар сотиш учун жорий сотиш кассасига берилади.

50. Йўловчи ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани бепул — алоҳида ўринсиз, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болани чиптанинг тўлиқ баҳоси 50 фоиз чегирилган ҳолда — алоҳида ўрин берилган ҳолда олиб юриш ҳуқуқига эгадир, ўн ёшгача бўлган икки нафар ва ундан кўпроқ болалар олиб юрилганда улардан биттаси бепул, қолганлари — чипта тўлиқ баҳосининг 50 фоизи чегирилиб, алоҳида ўрин берилган ҳолда олиб юрилади.

3-§. Автотранспортда юриш шартлари

51. Йўловчиларнинг шаҳар атрофи йўналишларида автотранспорт воситаларида юриши ушбу Қоидаларнинг 26—28 ва 30-31-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

52. Шаҳарлараро йўналишларда ташишда автотранспорт воситасидаги йўловчилар сони ўриндиқлар сонидан ошмаслиги керак.

53. Ҳайдовчининг иш вақти давомийлиги 9 соатдан ортиқ ёки йўналиш масофаси 400 км ва ундан кўп бўлганда йўловчилар ташилаётган автобусда ҳайдовчининг дам олиши учун жой жиҳозланган бўлиши ва қатновга икки нафар ҳайдовчи чиқарилиши керак.

54. Автотранспорт воситаси ҳайдовчиси қатнов жадвалида назарда тутилган автовокзаллар (автостанциялар)даги назорат шохобчаларида ва автокассаларда ёхуд охириги манзилларда чипталарни ҳисобга олиш варақасида келиш ва кетиш вақти, шунингдек сотилган чипталар сони тўғрисида белги қўйдириши шарт.

55. Шаҳарлараро йўналишларда ташиш йўловчиларни мажбурий равишда чипталар билан таъминлаган ҳолда автовокзаллар (автостанциялар) ёки ташувчилар томонидан махсус ташкил этилган жўнаш ва келиш манзиллари орқали амалга оширилади.

Шаҳарлараро ва халқаро автобус йўналишларида йўловчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий равишда суғурта қилинади.

56. Ташиш автовокзаллар (автостанциялар) орқали амалга оширилганда ташувчи қуйидагиларга мажбур:

автобусларни уларнинг жўнашидан кечи билан 20 дақиқа олдин автовокзал (автостанция)га чиқариш;

навбатчи диспетчерга ҳайдовчиларнинг автобусни бошқариш ҳуқуқига гувоҳномани, йўл ва чипталарни ҳисобга олиш варақаларини, қатнов жадвалини ва йўналиш схемасини кўрсатиш;

ишда фойдаланиладиган автотранспорт воситасига лицензия (лицензия қарточкаси) мавжуд бўлишини таъминлаш.

57. Автовокзал (автостанция)нинг навбатчи диспетчери ҳайдовчи ҳужжатларини тегишлича текширгандан кейин:

а) қуйидагиларга:

кассирларга — транспорт воситасига чипталар сотиш тўғрисида;

дикторга — йўловчиларга зарур ахборотларни хабар қилиш тўғрисида;

супача бўйича навбатчиларга — йўловчиларни чиқариш учун жойларни тайёрлаш тўғрисида кўрсатма бериши;

б) махсус қатнов йўналиши, жўнатилаётган йўловчилар сони ва қатновга чипталар сотишдан жами тушум суммасини кўрсатган ҳолда дафтарда ҳайдовчи(лар) ва автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиши шарт.

58. Ташувчи автовокзал (автостанция)дан чиққандан сўнг йўналиш схемасига амал қилиши ва тезлик режимига риоя этиши, қатнов жадвалларида назарда тутилган ораликдаги автовокзал (автостанция)ларга ҳамда автокассаларга мажбурий равишда кириб ўтиши шарт.

59. Қатнов тугаллангандан сўнг ҳайдовчи тунаш учун ташувчи жойлашган жойга ёки қатнов жадвалларида назарда тутилган автовокзал (автостанция)га келади.

60. Чипта сотиш кассаси мавжуд бўлган автовокзал (автостанция)ларда ва тўхтаб ўтиш манзилларида йўловчилар автотранспорт воситасига фақат кассадан сотиб олинган чипталарни кўрсатган тақдирда чиқарилади. Чипталар, агар ўзгача ҳол

томонларнинг келишувида қайд этилмаган ва чипталарни сотишда эълон қилинмаган бўлса, фақат уларда кўрсатилган кун ва автобус қатнови учун ҳақиқий ҳисобланади.

63. Автобусга чиқариш бўйича навбатчи чиқариш вақтида йўловчиларда йўл чипталари мавжудлигини текширади. Чиқариш бўйича навбатчи бўлмаган пунктларда чипталарни ҳайдовчи текширади.

62. Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда, агар ўзгача ҳол томонларнинг келишувида қайд этилмаган ва чипталарни сотишда эълон қилинмаган бўлса:

а) чипта сотиб олинган автотранспорт воситасига унинг жўнаш вақтидан бошлаб уч соат атрофида, касаллик ёки бахтсиз ҳодиса оқибатида эса — уч сутка мобайнида кечикилганда йўловчининг хоҳишига кўра автобусда юриш ҳужжати чипта баҳосининг 25 фоизини қўшимча равишда тўлатган ҳолда тикланади ёки унга чиптанинг тўланган баҳоси 25 фоиз чегирилган ҳолда қайтариб берилади.

Йўловчининг автобусга касаллик ёки бахтсиз ҳодиса оқибатида кечикканлиги даволаш муассасасининг маълумотномаси ёки бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома билан тасдиқланиши керак;

б) чипта автовокзал (автостанция) кассасига автотранспорт воситаси жўнашидан кечи билан 2 соат олдин қайтарилган тақдирда, йўловчига чипта баҳоси унинг олдиндан сотиш тўлови чегирилган ҳолда қайтарилади. Чипта ушбу муддатдан кеч, бироқ автотранспорт воситаси жўнашидан олдин қайтариб берилганда, чипта баҳоси унинг қийматининг 15 фоизи ва олдиндан сотилганлиги учун тўлов чегириб ташланган ҳолда қайтарилади;

в) автотранспорт воситасининг жўнаши жадвалга нисбатан 1 соатдан ортиққа кечикканда, йўловчига чипта сотилганидан пастроқ юқори классли автотранспорт воситасидан жой берилганда, шунингдек унга чиптада кўрсатилган жой берилганда у чиптани автотранспорт воситаси жўнагунгача кассага қайтариб бериш ва чиптанинг тўлиқ баҳосини, шу жумладан унинг олдиндан сотилганлиги учун тўловни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Йўловчи пастроқ классли автотранспорт воситасида кетишга рози бўлганда унга тўланган сумма билан тўланадиган йўл ҳақи ўртасидаги фарқ суммаси қайтариб берилади.

Пуллар автовокзал (автостанция), автотранспорт воситаларини жўнатиш пункти бошлиғи (ёки навбатчиси) кўрсатмасига биноан қайтариб берилади. Чипта унинг тескари томонига «қайтариш» штампни қўйилган ҳолда қайтарилади ҳамда йўловчи уни топширган вақт ва қайтарилган чиптанинг қиймати кўрсатилади.

Пуллар кассир томонидан, чипталарни қабул қилиб олиш ва пулларни қайтариб бериш ведомостидаги йўловчи имзоси билан берилади, ведомостда қатновнинг санаси, тартиб рақами, йўналиш номи, чиптанинг рақами ва баҳоси кўрсатилади.

Қайтариб берилган чипта ва пулларни қайтариб беришга асос бўлган бошқа ҳужжатлар (олдиндан сотилганлиги учун тўлов квитанцияси, багаж чиптаси ва ҳоказолар) ведомость билан бирга кассир ҳисоботига илова қилинади.

63. Агар жадвалда белгиланган автотранспорт воситаси ўрнига чиптанинг баҳоси юқори бўлган автотранспорт воситаси берилса, у ҳолда чиптани ушбу ҳақдаги эълонгача сотиб олган йўловчи мазкур чипта билан, қўшимча тўловсиз кетишга ҳақлидир. Автобус алмашгани тўғрисида эълон қилинган вақтдан бошлаб чипталар, йўловчиларни тегишли равишда огоҳлантирган ҳолда, белгиланган юқорироқ тариф бўйича сотилади.

64. Агар йўловчи қатнов йўлида бораётган автотранспорт воситасидан ўз айби билан қолиб кетса чипта кейинги қатновга қайта расмийлаштирилмайди ва юрилмаган масофа учун пуллар қайтариб берилмайди.

65. Ташкилотлар томонидан уларнинг олдиндан сотиб олган транспортда юриш ҳужжатлари автовокзаллар (автостанциялар) кассаларига автотранспорт воситаси жўнашидан 3 сутка олдин қайтариб берилган тақдирда, агар ўзгача ҳол томонларнинг келишувида ва чипталарни сотишда эълон қилинмаган бўлса, уларга юриш ҳужжатлари қиймати, уларнинг олдиндан сотилгани учун тўловни чегирган ҳолда қайтарилади. Юриш ҳужжатлари ушбу муддатдан кечикиб қайтарилганда йўл ҳақи қийматининг 15 фоизи ушлаб қолинади.

Автотранспорт воситасининг жўнаши бекор қилинганда ёки юриш ҳужжатларини қайтарилишда уларни қайтариш муддатидан қатъи назар, йўл ҳақи қиймати суммаси ушлаб қолинмайди.

66. Қайтариб берилган фойдаланилмаган чипталар ва бошқа юриш ҳужжатлари қийматини тўлаш юриш ҳужжатлари сотиб олинган жойда амалга оширилади.

3-§. Қўл юки ва багажни ташиш

67. Ташишга топшириладиган багаж пухта ўраб-жойланган бўлиши керак. Ташишга қабул қилиб олинган багаж учун багаж чиптаси берилади.

Автомобилнинг багаж бўлими параметрларига кўра ташувчи, автомобилнинг умумий сифими ва юк кўтарувчанлигини оширмасдан, ташишга қабул қилиб олинган багаж ўринлари сони ва оғирлигини кўпайтиришга ҳақлидир.

Шаҳар атрофи йўналишларида:

68. Йўловчи ҳажми 60 см х 40 см х 20 сантиметргача ва оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлмаган, 150 сантиметргача узунликдаги қўл юкини, шунингдек қафасга солинган ҳолдаги майда ҳайвонлар ва паррандаларни, аравачани (болалар, ногиронлар аравачалари ва бошқаларнинг аравачаларини), кичик боғ жиҳозларини, болалар каналарини ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга.

69. Шаҳар атрофида ташишларни ҳамда авиайўловчиларни аэропортларга ва аэропортлар ўртасида ташишларни амалга оширувчи, багаж бўлими (отсеки) мавжуд бўлган автобусларда йўловчи иккита багаж ўрни учун ҳақ тўлаган ҳолда ҳар бирининг ҳажми 100 см х 50 см х 30 сантиметрдан ортиқ бўлмаган ва 150 дан 200 сантиметргача узунликдаги буюмларни ўзи билан бирга олиб юриш ҳуқуқига эга.

70. Ўлчами 69-бандда кўрсатилган энг катта ҳажмларнинг хатто биттасидан ортиқ бўлган багаж белгиланган параметрларга номувофиқ ҳисобланади.

71. Шаҳар атрофи йўналишларидаги автотранспорт воситаларида багажни олиб юришга чипталар ҳайдовчилар (мавжуд бўлганда — кондукторлар) томонидан, чипта сотиш кассалари ташкил этилган йўналишларнинг охириги манзилларида эса касирлар (перрон назоратчилари) томонидан сотилади.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда:

72. Йўловчи шаҳарлараро (халқаро) йўналишлардаги автотранспорт воситаларида ўзи билан бирга:

а) ҳажми 60 см х 40 см х 20 сантиметр бўлган ва оғирлиги 30 килограммдан ортиқ бўлмаган қўл юкини, шу жумладан қафасга солинган ҳолдаги майда ҳайвон ва паррандаларни ёки бир жуфт чангини (болалар каналарини), 150 сантиметргача узунликдаги буюмни — бепул;

б) багаж бўлими (отсеки) мавжуд бўлмаган автобусларда — ҳажми 100 см х 50 см х 30 см. дан ортиқ бўлмаган ва оғирлиги 60 килограммдан кўп бўлмаган багажни битта жой учун тариф бўйича ҳақ тўлаган ҳолда;

в) багаж бўлими (отсеки) мавжуд бўлган автобусларда ҳажми 100 см х 50 см х 20 сантиметрдан ортиқ бўлмаган, ҳар бирининг оғирлиги 60 килограммдан кўп

бўлмаган багажни ва 150 сантиметрдан 200 сантиметргача узунликдаги буюмларни — иккита жой учун ҳақ тўлаган ҳолда олиб юриш ҳуқуқига эга.

73. Багажнинг ўлчамлари 72-бандда қўрсатилган энг катта ўлчамларидан биттасининг ўлчамидан ошса, белгиланган параметрларга номувофиқ ҳисобланади.

4-§. Багаж машиналарида багажни ташиш

74. Йўловчи, багаж (юк) автомобиллари ҳаракати ташкил этилган шаҳарлараро (халқаро) йўналишларда, багаж автомобилларида багажини ташишга топшириш ҳуқуқига эга.

75. Йўловчиларнинг багажлари йўл чипталари тақдим этилганда, багаж автомобилларига ташиш учун қабул қилинади. Ҳар бир йўл чиптасига (тўлиқ ёки болалар чиптасига) умумий оғирлиги 150 килограммдан юқори бўлмаган багаж қабул қилиниши мумкин. Ташувчи багаж автомобилнинг параметрига боғлиқ ҳолда, ташишга қабул қилинган багажнинг жойини ва оғирлигини кўпайтириш ҳуқуқига эга.

76. Ташиш учун топшириладиган багаж ўзининг ўлчамлари, ўрами ҳамда хусусиятлари бўйича багаж автомобилига юклаш ва жойлаштиришда қийинчиликлар туғдирмаслиги, шунингдек бошқа йўловчиларнинг багажига зарар етказмаслиги керак. Бутун ташиш вақтида багажнинг идиш ва ўрами бутунлигини ва сақланганлигини таъминлаши лозим.

Багаж ўралганда багажни йўқотиш хавфи ёки бузулиши мумкин бўлган камчиликлар бўлганда, бу камчиликлар тўғрисида ташиш ҳужжатларида белги қўйилиб, багаж қабул қилиниши мумкин.

77. Багаж автомобилида багажни жўнатишни хоҳлаган йўловчи, юкни олдиндан топшириши, лекин багаж автомобилнинг жўнашидан 20 минутга кечикмасдан тақдим этиши лозим.

78. Багажни ташиш учун қабул қилишнинг тасдиғи сифатида йўловчига белгиланган намунадаги багаж квитанцияси берилади.

79. Йўловчи багажни ташиш учун топширганда, белгиланган тариф тўлови билан топшириладиган багажнинг қийматига қараб, унинг баҳосини эълон қилиш ҳуқуқига эга.

80. Багаж белгиланган жойга етиб келганда багаж квитанциясини тақдим этувчига берилади.

81. Йўловчидан алоҳида ташиш учун қабул қилинган багаж йўловчи белгиланган жойга жадвал бўйича етиб келиш кунидан кечикмасдан ушбу манзилга етказилиши керак.

82. Йўловчи томонидан талаб қилиб олинмаган багаж автовокзалда ёки белгиланган етказиб бериш манзилида ташувчи томонидан етказиб беришнинг назарда тутилган муддатидан кейин 30 кун мобайнида сақланади. Багаж сақланганлиги учун тариф бўйича тўлов ундирилади.

Белгиланган етказиб бериш муддатидан 30 кун ўтгандан кейин талаб қилиб олинмаган багаж сотилиши, сотишдан тушган сумма эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланиши мумкин.

5-§. Йўловчилар томонидан унутилган буюмларни сақлашга топширишни расмийлаштириш

83. Йўловчиларнинг унутиб қолдирган буюмлари қатнов тугаши билан ҳайдовчи томонидан автовокзал (автостанция) смена навбатчисига ёки ташувчининг

навбатчи диспетчерига, улар бўлмаганда эса — топилмалар идорасига топширилиши шарт.

84. Автовокзал (автостанция) навбатчиси, ташувчининг навбатчи диспетчери ёки топилмалар идораси ходими топилган буюмларни олиб келган шахс иштирокида унутилган буюмларнинг рўйхати билан икки нусхада далолатнома тузиши шарт.

85. Далолатнома тузилгандан кейин омборчидан икки нусхага ҳам тилхат олиниб, биттаси ташувчида қолдирилади, бошқаси эса омборхонага топшириш учун омборчига барча буюмлар билан биргаликда берилади.

86. Автовокзал (автостанция) навбатчиси ёки ташувчининг навбатчи диспетчери йўловчининг автотранспорт воситасида унутиб қолдирган буюмларни қидиришга тегишли бўлган саволларига тушунтириш бериши шарт.

V бўлим. Йўловчилар автовокзаллари (автостанциялари)

87. Автовокзаллар (автостанциялар) аҳоли яшаш жойларида ҳамда автомобиль йўллари трассаларида йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва халқаро, шаҳарлараро ҳамда шаҳар атрофида қатновчи автобус йўналишларида автобуслар ҳаракатига тезкор раҳбарлик қилиш, фойдаланиш хизмат хоналарини ва ҳайдовчиларнинг дам олиш хоналарини жойлаштириш учун ташкил этилади.

Ҳар бир автовокзал белгиланган намунадаги ўз паспортига эга бўлиши керак. Паспорт Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги томонидан берилади.

88. Автовокзаллар (автостанциялар) муайян тоифа ва классларга бўлинади. Йўловчилар автовокзаллари (автостанциялари)ни тоифаларга ва классларга киритиш тартибини, уларнинг функциясини, ишларнинг технологик жараёнини белгиловчи Низом Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланади.

VI бўлим. Жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртманомалари (буюртмалари) ёки бошқа ташиш шартномалари бўйича уларга бериладиган автобуслар ва енгил автомобилларда йўловчилар ташиш

1-§. Умумий қоидалар

89. Ташувчи жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг буюртманомалари (буюртмалари) ёки бошқа ташиш шартномалари бўйича автобуслар ва енгил автомобиллар беради.

90. Автобуслар ва енгил автомобиллар шаҳар ташқарисига буюртманомалар (буюртмалар) ёки бошқа ташиш шартномалари бўйича ташувчининг амалдаги йўналишлар тармоғи йўналиши бўйича берилади, амалдаги йўналишларга мос келмайдиган бошқа йўналишлар бўйича ҳайдовчиларга олдиндан ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатилгандан кейин берилади.

91. Белгиланган йўналиш бўйича қатнашдан оғишиш, ҳаракат тезлигини ошириш, автотранспорт воситасида белгиланган сиғиш нормасидан ортиқ йўловчи ташиш, ҳайдовчиларнинг меҳнат тартибини ва дам олишини бузиш қатъиян ман қилинади.

92. Буюртманомада (буюртмада), ташиш шартномасида буюртмачи бориш жойини, қатнаш йўналишини, тўхтаб ўтиш жойини, ташилаётган йўловчилар сонини, ташиш учун масъул шахснинг (гуруҳ раҳбари, экскурсовод) фамилияси, исми, отасининг исмини, автотранспорт воситасининг буюртмачида бўлиш муддатини кўрсатиши лозим.

93. Болаларни ташишни ташкил этишга буюртманомалар ташувчилар томони-

дан гуруҳларни ўқитувчиларнинг ёки махсус белгиланган катта ёшдаги кишиларнинг (битта катта ёшдаги кишига 15 боладан кўп бўлмаган) кузатиб бориши шартлари бажарилганда қабул қилинади. Мактаб ёшидаги болалар гуруҳларини ташишда уларга ҳамроҳлик қилиш учун тиббиёт ходимлари ажратилади.

94. Болаларни оммавий равишда ташишда Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган болалар хавфсизлиги бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилади.

2-§. Йўл ҳақини тўлаш

95. Буюртманомалар (буюртмалар) ёки бошқа ташиш шартномалари бўйича бериладиган автобуслар ва енгил автомобилларда йўловчилар ва бағажни ташишга тарифлар миқдорлари ташувчи билан мижоз ўртасидаги шартнома асосида белгиланади. Ажратиладиган автобуслар ва енгил автомобиллар ишларига тўлов вақтбай ёки ишбай тарифлари бўйича белгиланиши мумкин.

96. Автобус ва енгил автомобилдан фойдаланиш вақти, унинг гараждан чиқиш вақтидан гаражга қайтиш вақтигача ҳайдовчининг дам олиш вақти чиқариб ташланган ҳолда, буюртманомалар (буюртмалар)ни ёки бошқа ташиш шартномаларини расмийлаштиришда ҳисоблаб чиқилади.

VII бўлим. Йўналишсиз таксиларда йўловчилар ва бағажни ташиш

1-§. Умумий қоидалар

97. Йўналишсиз таксилар якка тартибда фойдаланиш тартибида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ташиш бўйича хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

98. Йўловчиларни:

- а) йўналишсиз таксиларнинг махсус жиҳозланган тўхташ жойларида;
- б) тегишли ҳаракатланиш таркибининг тўхташи рухсат этилган кўча-йўл тармоғи участкаларида;
- в) йўловчиларнинг буюртмаси бўйича йўналишсиз таксиларни йўлга чиқариш жойларида йўловчиларни йўналишсиз таксиларга чиқариш ва ундан тушириш мумкин.

2-§. Йўл ҳақини тўлаш

99. Йўналишсиз таксиларнинг йўловчиларни ташиш ва бағажни ташиш тарифлари миқдори ташувчи томонидан белгиланади.

100. Йўл ҳақи йўловчи томонидан сафар тугагандан кейин ва бағаж туширилгандан кейин у билан келган йўловчилар ҳамда ташиб келтирилган бағаж сонидан қатъи назар, таксометр кўрсаткичи бўйича тўланади. Ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб нақд пул билан амалга оширилади.

Йўналишсиз такси бир неча йўловчилар (навбатда турган биринчи йўловчининг розилиги билан) томонидан тўхташ жойида ёллаган ёки таксини ёллаган йўловчи розилиги билан йўли бир бўлган йўловчи чиқарилган тақдирда, йўл ҳақига тўловнинг умумий суммаси йўловчилар ўртасида ҳар бир йўловчининг босиб ўтган масофасига мутаносиб равишда тақсимланади.

101. йўналишсиз таксига йўловчиларни чиқаришда ҳайдовчи бағажни жойлаштиришда ёрдам кўрсатиши, сафар тугаганда эса йўловчига унинг буюмларини ва бағажини тушириши тўғрисида эслатиши шарт.

Йўналишсиз таксига олдиндан буюртма берилганда ҳайдовчи автомобиль билан нарядда кўрсатилган вақтда келиши шарт.

3-§. Транспортда юриш шартлари

102. Йўналишсиз таксилар белгиланган тўхташ жойларида умумий навбат тартибида ёлланилади.

103. Шаҳар четига йўналишсиз таксиларни йўлга чиқаришга буюртмалар диспетчер томонидан телефон орқали ва шахсан йўловчидан қабул қилинади.

Йўналишсиз таксини йўлга чиқариш қиймати буюртмачи томонидан буюртма бўйича белгиланган тарифга мувофиқ таксометр кўрсаткичи бўйича тўланади.

104. Йўналишсиз такси йўловчининг илтимосига кўра томонларнинг ўзаро келишувига кўра алоҳида тўлов эвазига йўловчини унинг илтимосига биноан кутиб туради.

4-§. Қўл юкини ва багажни ташиш

105. Йўналишсиз таксиларнинг багаж бўлинмаларида багажни ташиш фақат ёпиқ багажхона бўлганда рухсат берилади.

Йўналишсиз таксиларнинг салоида автомобиль эшиги орқали бемалол сиғадиган, салон қопламасини ва унинг ускуналарини бузмайдиган ва ифлос қилмайдиган, ҳайдовчининг автомобилни бошқаришига ҳамда орқани кўриш кўзгусидан фойдаланишига халақит бермайдиган ҳар хил буюмлар ва ашёларни ташишига рухсат берилади.

Мушуклар, итларни тизгин ва тўшаги мавжуд бўлганда тумшукбоғларда, кичик жониворларни саватларда, сумкаларда ҳамда қушларни қафасларда ташишга рухсат берилади.

VIII бўлим. Автомобиль транспортда ҳарбий йўловчиларни ташиш

106. Ҳарбий йўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ҳарбийларни ташиш ҳужжатлари бўйича транспортда юриши расмийлаштирилган шахслар ҳамда ушбу ҳужжатларда ёзилган уларнинг оила аъзолари кирадилар.

107. Ҳарбий йўловчиларни ташиш бунинг учун кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки орқали марказлаштирилган тартибда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита томонидан ҳарбийларни ташиш ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоб қилинган ҳолда бажарилади.

Ҳарбийларни ташиш умумий белгиланган тартибда Марказий банкнинг лимитланган дафтарчаларидан чеклар, банклар томонидан акцептланган тўлов топшириқномалари орқали ёки нақд пул билан тўлов тўланиши мумкин.

108. Ҳарбийларни ташиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча автовокзалларда (автостанцияларда) қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ҳарбий қисмлари ва муассасалари томонидан ташишга расмийлаштирилган ҳарбийлар-

ни ташиш ҳужжатларида, уларнинг тегишли вазирлик ва идорага алоқадорлигини аниқловчи ажратиб турадиган белгилари бўлиши керак.

109. Ҳарбийларни ташиш ҳужжатлари автомобиль транспортида шаҳар атрофида, вилоят ичида, вилоятлараро ва халқаро қатновларда йўловчиларнинг манзилга бориши ва бағажни ташишига чипталар олиш учун мўлжалланган.

Ҳарбийларни ташиш ҳужжатларига қуйидагилар тааллуқлидир:

а) автомобиль транспортида ҳарбий юкларни ва уй буюмларини ташиш учун — талабнома;

б) автомобиль транспортида вилоят ичи ва вилоятлараро қатновларда манзилга бориш учун битта одамга ёки сони икки кишидан зиёд бўлган ҳарбий командага чипталар олиш учун — талабнома;

в) бағажни ташиш учун — бағаж талони. Бағаж талонлари жўнаш автовокзаллари (автостанциялари) кассаларида бағаж чипталарига ёки квитанцияларига алмаштирилади. Барча турдаги ҳарбийларни ташиш ҳужжатлари жўнаш шохобчаси чипта кассаларида умумий шаклдаги чипталарга, бағаж чипталарига ёки квитанцияларга алмаштирилади.

IX бўлим. Автотранспортда имтиёзли ёки бепул йўл юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи йўловчилар учун умумий қоидалар

110. Автотранспортда бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, мансублиги ёки мулкчилик шаклидан қатъи назар, йўналишли автобусларида бепул ва имтиёзли юришга рухсат берилади.

111. Автомобиль транспортида бепул юривчи, шунингдек имтиёзли юришдан фойдаланувчи йўловчилар учун автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг амал қиладиган қоида ва шартлари мажбурийдир.

112. Автобусларда бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар томонидан бағажни ташиш ва хизматлар кўрсатиш учун тўловлар умумий асосларда амалга оширилади.

X бўлим. Ташувчиларнинг, йўловчиларнинг ва буюртманом (буюртма) берган ёки бошқа ташиш шартномасини тузган шахсларнинг жавобгарлиги, эътирозлар ва даъволар

1-§. Ташувчининг жавобгарлиги

113. Йўловчиларни ва бағажни ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилмаган ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда, ташувчилар мазкур Қоидаларда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда моддий жавоб берадилар.

114. Ташиш учун қабул қилинган бағажнинг йўқолиши, камомади, бузилганлиги ёки шикастланганлиги учун, агар ташувчилар йўқолиш, камомад, бузилиш ёки шикастланиш уларнинг айби билан бўлмаганлигини исботлай олмасалар моддий жавоб берадилар ва зарарларни тўлайдилар.

Бағажни ташишда етказилган зарар ташувчи томонидан қуйидаги миқдорда:

бағаж йўқолган ёки камомадга йўл қўйилган тақдирда — юк ёки бағажнинг йўқолган ёки етмаган қиймати миқдорида;

бағажга зарар етган (бузилган) тақдирда — унинг қиймати камайган сумма

миқдорида, шикастланган (бузилган) багажни тиклаш имконияти бўлмаганда эса, унинг қиймати миқдорида;

қиймати эълон қилинган ҳолда ташиш учун топширилган багаж йўқолганда — багажнинг эълон қилинган миқдорида тўланади.

115. Ишига вақтбай тариф бўйича ҳақ тўланадиган автобуслар ва енгил автомобиллар ташувчи томонидан буюртманома (буюртма) ёки бошқа ташиш шартномалари бўйича бажариш учун қабул қилинган миқдорда етказиб берилмаганда ёки ушбу автобуслар ва енгил автомобилларни чиқариш кечиктирилганда, ташувчи, агар томонларнинг келишувида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, буюртмачига буюртманомада (буюртмада) ёки шартномада кўрсатилган фойдаланиш вақтидан келиб чиққан ҳолда автобуслар ва енгил автомобиллардан фойдаланиш қийматининг 10 фоизини тўлайди.

116. шаҳар йўналишларида йўловчилар ташишдан ташқари йўловчиларни ташиш учун автотранспорт воситасини жўнатиш кечикканлиги ёки белгиланган манзилга кечикиб келганлиги учун ташувчи, агар кечикишлар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки ташувчига боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар оқибатида юз берганлигини исботлаб беролмаса, йўловчига жарима шаклида неустойка тўлайди.

Йўловчилар ташиш учун автотранспорт воситасини жўнатиш кечикканлиги ёки белгиланган манзилга кечикиб келганлиги ҳолати юзасидан автовокзал (автостанция)нинг навбатчи диспетчери томонидан далолатнома тузилади. Далолатномада автотранспорт воситасининг тасдиқланган жадвал бўйича жўнаш (етиб келиш) вақти ва ҳақиқатда жўнаган (етиб келган) вақти кўрсатилади. Далолатнома навбатчи диспетчер ва икки йўловчи томонидан имзоланади. Автовокзалда (автостанцияда) навбатчи диспетчер бўлмаган тақдирда, далолатнома камида учта йўловчи томонидан имзоланади.

Автотранспорт воситасининг жўнаши (етиб келиши) кечиктирилганлиги учун йўловчига тўланадиган жарима миқдори — жўнаши (етиб келиши) кечикканлигининг биринчи тўлиқ соати учун (60 минут) чипта баҳосининг 10 фоизи ҳисобидан унинг давомийлигига боғлиқ ҳолда, жўнаш (келиш) кечикишининг ҳар бир кейинги 15 минути учун эса чипта баҳосининг 3 фоизи ҳисобидан аниқланади. Жарима умумий суммаси чипта баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Йўловчига жарима ташувчи томонидан ёки автовокзал (автостанция) бошлигининг ёзма кўрсатмаси бўйича тўланади.

Йўловчига тўланган жарима, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ автотранспорт воситасининг жўнашга кечикканлиги ёки унинг белгиланган манзилга етиб келиши кечикканлиги оқибатида йўловчига етказилган зарарни унга тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Автотранспорт воситасининг жўнаши кечикканлиги сабаби бўйича йўловчи ташишни рад этган тақдирда, ташувчи йўловчига йўл ҳақи тўловини ҳамда у томонидан кўрилган бошқа харажатларни қайтариши шарт.

117. Ташувчи йўловчининг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

2-§. Йўловчиларнинг ва буюртманома (буюртма) берган ёки бошқа ташиш шартномасини тузган шахсларнинг жавобгарлиги

118. Йўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ автотранспорт воситалари ускуна ва инвентарларининг бузилиши ёки шикастланиши учун жавоб берадилар.

119. Ушбу автотранспорт воситасида юриш ёки багаж ташиш ҳуқуқини бермайдиган чиптани ёки гувоҳномани назорат вақтида кўрсатган шахслар чиптасиз

йўловчилар тоифасига киради. Қалбаки, нотўғри расмийлаштирилган ёки бошқа шахсга расмийлаштирилган йўл чипталари ва гувоҳномалар назорат қилувчи шахс томонидан олиб қўйилиши керак.

120. Жарималар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган тартибда автомобиль транспорти ёки ички ишлар органлари ходимлари томонидан солинади.

121. Йўловчи томонидан жарима тўланганда, унга ундирилган сумма кўрсатилган ҳолда белгиланган шаклдаги квитанция берилади. Йўловчи томонидан жарима тўланиши, йўловчини йўл чиптаси сотиб олиш ёки багаж ташиш тўловидан озод қилмайди.

Автотранспортда юришга ва багажини ташишга чиптаси бўлмаган йўловчининг автотранспортга чиққан манзилини аниқлаш имкони бўлмаганда, унинг юриш ва багажини ташиш қиймати жўнаш манзилидан етиб келиш манзилигача бўлган масофа бўйича ҳисобланади.

122. Буюртманома (буюртма) берган ёки бошқа ташиш шартномаси тузган шахслар автобуслар ва енгил автомобиллардан фойдаланишни тўлиқ ёки қисман рад этганда уларнинг ишига буюртманомада (буюртма) ёки шартномада кўрсатилган микдорда вақтбай тариф бўйича ҳақ тўланади, кўрсатилган шахслар ташувчига буюртманомада (буюртмада) ёки шартномада кўрсатилган фойдаланиш вақтидан келиб чиққан ҳолда, автобуслар ва енгил автомобиллардан фойдаланиш қийматининг 10 фоизини тўлайди.

3-§. Эътирозлар, даъволар

123. Йўловчилар ва багажни ташиш жараёнида пайдо бўладиган эътирозлар ташувчига жўнаш ёки етиб келиш манзилида эътироз билдирувчининг хоҳиши бўйича берилиши мумкин.

Эътироз аризаларига эътирозни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

124. Ташувчига эътирозлар 6 ой мобайнида, жарималар тўлаш тўғрисидаги эътирозлар эса 45 кун мобайнида берилиши мумкин.

Кўрсатилган муддатлар:

а) багажнинг бузилганлиги, шикастланганлиги ёки камомади учун тўловлар тўғрисидаги эътирозлар бўйича — багаж берилган кундан;

б) багаж йўқолганлиги учун зарарни қоплаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича — багаж етказиб берилган муддатлар тугагандан 10 кундан кейин;

в) қолган барча ҳолатларда — эътироз билдириш учун асос бўладиган воқеалар бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

125. Ташувчи эътироз олинган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда:

а) автомобиль катновидаги ташишлардан пайдо бўладиган эътирозлар бўйича — 3 ой мобайнида;

б) тўғри, аралаш катновларда пайдо бўладиган эътирозлар бўйича — 6 ой мобайнида;

в) жарима тўлаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича — 45 кун мобайнида билдирилган эътирозни кўриб чиқиши ва унинг қаноатлантириши тўғрисида аризага хабар бериши шарт.

Эътирозлар қисман қаноатлантирилганда ёки рад этилганда, ташувчи бу ҳақдаги билдиришномада қабул қилинган қарорнинг сабабини кўрсатиши ҳамда эътирозларга илова қилинган ҳужжатларни ариза берувчига қайтариши керак.

Эътирозлар тўлиқ суммада қаноатлантирилганда аризага илова қилинган ҳужжатлар қайтарилмайди.

126. Йўловчилар ва багажни ташишдан келиб чиқадиган даъволар судга берилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир ТАЛАБЛАР

I. Умумий қоидалар

1. Талаблар автобусларда йўловчилар ташишда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш тартибини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

янги автобус йўналишлари очиш ва ишлаб турганларидан фойдаланишни давом эттириш тўғрисида қарорлар қабул қилувчи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари;

вазирликлар ва идоралар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ўз транспорти билан автобусда ташишларни амалга оширувчи ёки ўз тизимига кирмайдиган корхоналар (ташкilotлар) билан ташиш шартномалари тузган ташувчилар;

Ўзбекистон Республикасининг саёҳат-экскурсия ташкilotлари;

автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўлдан ўтиш жойлари, паромларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашни таъминловчи вазирликлар, идоралар;

йўл ҳаракатини бошқаришнинг техник воситаларини ўрнатувчи ва улардан фойдаланувчи йўл, коммунал ташкilotлар, бошқа ташкilotлар;

ташувчилар ва йўл ташкilotларини, йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматларини об-ҳаво шароитларининг ноқулай ўзгаришлари тўғрисида хабардор қилувчи гидрометеорология тизими ташкilotлари;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида нормативлар ва қоидаларга риоя қилиниши устидан назорат қилувчи, йўл ҳаракатини бошқариш ва ташкilot этиш тадбирларини амалга оширувчи Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати;

ҳайдовчиларни қатновдан олдин ва қатновдан кейин тиббий кўрикдан ўтказишни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкilotлари;

бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан автомобилда ташиш хавфсизлигини ташкilot этиш ва таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини назорат қилувчи Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (унинг ҳудудий бўлинмалари) учун татбиқ этилади ва мажбурий кучга эгадир.

2. Ушбу Талаблар Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга ошириладиган автобусларда йўловчилар ташишга татбиқ этилмайди.

3. Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлиги бевосита йўналишларда:

автобуснинг ҳайдовчилари;

мулкчилик шаклларида қатъи назар, автобусларда йўловчилар ташишни амалга оширувчилар;

тасарруфида автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишмалари, паромлар, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техник воситалари бўлган йўллардан фойдаланиш, коммунал ва бошқа ташкилотлар (корхоналар);

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати (ЙХХДХ) бўлинмалари томонидан таъминланади.

4. Қуйидагилар мулкчилик шаклларида қатъи назар автобусларда йўловчилар ташишни амалга оширувчиларнинг хавфсизликни таъминлашдаги асосий вазифалари ҳисобланади:

автобусларни тегишли малакага эга бўлган ҳайдовчилар билан бутлаш;

Йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотларни белгиланган муддатларда ўтказиш ва ҳайдовчиларнинг касб маҳоратини ошириш;

ҳайдовчиларнинг ўз вақтида тиббий қайта текширишдан ва йўлга чиқишдан олдин мунтазам тиббий кўрикдан ўтиши устидан назоратни ташкил этиш;

ҳайдовчиларнинг стажировкаси ўз вақтида ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқ берилиши;

ҳайдовчиларни автобус йўналишлари схемалари, шунингдек йўналишдаги об-ҳаво шароитлари йўл ҳолатининг ўзгариши ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

ҳайдовчилар томонидан иш вақтининг йўл қўйиладиган муддатига риоя этилиши, шунингдек уларнинг дам олиши ва овқатланиши ташкил этилишини назорат қилиш;

автобусларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

йўловчилар ташишни оқилона ташкил этиш;

хавфсизлик таъминланишини, ҳайдовчилар меҳнати ва дам олишини ҳисобга олган ҳолда йўловчилар оқимини, ҳаракат тезликларини нормалаш ва ҳаракат жадвалини тузиш;

автобуслардан фойдаланиш, ҳайдовчилар томонидан йўналиш бўйича ҳаракат жадвалига ва Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

фойдаланишда бўлган ҳар бир автотранспорт воситасида лицензия карточкаси мавжуд бўлишини таъминлаш;

йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш.

5. Қуйидагилар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг (унинг ҳудудий бўлинмаларининг) автобусларда йўловчилар ташишда хавфсизликни таъминлашдаги асосий вазифалари ҳисобланади:

автомобилларда ташишни ташкил этиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

автомобилларда ташишни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган автомобиль транспорти соҳасидаги халқаро битимлар ва конвенцияларнинг асосий шартлари ва қоидаларига хорижий ва миллий ташувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилиш;

ташиш йўналишларини тендер асосида амалга ошириш механизмининг жорий этиш, тендер контрактларига риоя этилишини назорат қилиш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун фаолият кўрсатишнинг тенг шарт-шароитларини яратиш.

6. Қуйидагилар йўллардан фойдаланиш, коммунал, темир йўл ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар (корхоналар)нинг автобусларда йўловчилар ташишда хавфсизликни таъминлашдаги асосий вазифалари ҳисобланади:

ўзларининг тасарруфидаги автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишмалари, паромлар, йўл белгилари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа воситаларини тўсиқларсиз ва хавфсиз ҳаракатланишни таъминловчи техник соз ҳолатда сақлаш;

йўлларнинг хавfli участкаларини тезкорлик билан аниқлаш, хавф манбаларини белгиланган муддатларда бартараф этиш, бунинг имконияти бўлмаганда автобус йўналишини ёпиш чора-тадбирларини кўриш;

автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишмалари, паромларни жиҳозлаш ва сақлашга доир автобус йўналишларини текшириш комиссиялари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ўз вақтида бажариш.

7. Қуйидагилар автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашда ҳаракат қатнашчилари томонидан:

йўл ҳаракати қатнашчиларининг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини;

автобусларнинг ҳайдовчилари малакасини;

автобусларнинг техник ҳолатини;

автомобиль йўллари, кўчалар, йўл иншоотлари ва темир йўл кесишмаларини сақлашни;

йўл белгилари, йўл ҳаракатини тартибга солиш бошқа воситаларини ўрнатиш ва сақлаш тартибини;

автомобиль йўллари, кўчалардаги хавfli участкаларни тезкорлик билан аниқлаш ва уларни бартараф этиш тартибини;

йўл-транспорт ҳодисаларини аниқлаш ва уларни бартараф этишни тартибга солувчи нормативлар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш. Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Автобусларда йўловчилар ташишни тартибга солувчи кўрсатиб ўтилган нормативлар ва қоидалар бажарилмаган тақдирда, Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати томонидан уларни бартараф этиш, зарур ҳолларда автобус ҳаракатини тўхтатиш чора-тадбирлари кўрилади.

8. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, автобусларда йўловчилар ташишни амалга оширувчи ёки таъминловчи ташувчилар раҳбарлари мазкур талаблар бажарилмаганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавоб берадилар.

II. Автобуста йўловчилар ташишни ташкил этишда ҳайдовчиларга қўйиладиган талаблар

9. Йўловчилар ташишга мўлжалланган автобусларни бошқаришга тегишли тоифага (малакага) эга бўлган, 21 ёшга тўлган ва тиббий кўрикдан ўтган ҳайдовчилар қўйилади.

10. Шаҳарлараро, тоғ йўналишларига, шунингдек бир марталик буюртмалар бўйича сайёҳат-экскурсия ташишларига ва болаларни ташишга кейинги уч йилда автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган ҳайдовчилар қўйилади.

11. Халқаро йўналишларга кейинги уч йилда автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган ва халқаро автомобилларда йўловчилар ташиш соҳасида касб ваколоти тўғрисида гувоҳномага эга бўлган шахслар қўйилади.

12. Автобуснинг ҳайдовчиси DST 974/2000 Ўзбекистон Давлат стандартлари талабларига, Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

III. Автобусларнинг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш

13. Автобусларнинг техник ҳолати ва уларнинг жихозлари тегишли стандартлар талабларига, техник фойдаланиш қоидаларига, автомобиль транспорти ҳаракатдаги қисмига техник хизмат кўрсатиш ва уни тузатиш тўғрисидаги низомга, тайёрловчи корхоналарнинг йўриқномаларига ва бошқа норматив-техник ҳужжатларга жавоб бериши керак.

14. I-III тоифадаги автомобиль йўлларида барча тур ва русумдаги автобуслар ишлашига рухсат берилади.

IV-V тоифадаги автомобиль йўлларида ўқ нагрукаси 6 тоннагача бўлган автобуслар ишлашига рухсат берилади.

15. Тоғ йўналишларида ва уларга тенглаштирилган йўналишларда фойдаланидиган автобуслар олдинги туманга қарши чироқлар ва орқа чироқлар, филдиракнинг остига ташлаш учун камида 2 та таянчга эга бўлиши керак.

Саёҳат-экскурсияларга ажратилган автобусларнинг олд томонида «саёҳатчи» ва «экскурсия» деган кўрсаткич, бир марталик буюртмалар бўйича махсус ташишлар учун эса «буюртма» деган кўрсаткич ўрнатилади.

Болаларни ташийдиган барча автобусларда йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган танитиш белгиси ўрнатилиши керак.

Йўловчиларни шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро ташувчи автобуслар сервис устaxonаси пломбаси бўлган назорат приборлари (тахограф) билан жихозланган, халқаро ташишларда эса Ўзбекистон Республикасининг танитиш белгисига ҳам эга бўлишлари керак.

Техник базага эга бўлмаган, тижорат асосида йўловчилар ташувчи автобусларнинг эгалари бўлган жисмоний шахслар 1-2 техник кўрик ўтказиш учун, шунингдек автобусларни кунлик техник кўрикдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш учун автоҳўжаликлар билан шартномалар тузишлари шарт.

IV. Йўловчилар ташишни ташкил этиш

16. Автобусда йўловчилар ва багажни ташиш Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига ва бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

17. Йўловчиларни мунтазам (йўналишли) ташиш йўналишлари мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташувчилар ўртасида тендер асосида жойлаштирилади.

18. Йўловчиларни мунтазам (йўналишли) ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқига Йўловчилар ташишни ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссия ёхуд бошқа ваколатли орган билан тендер контракт тузган ташувчи эга бўлади.

Йўловчиларни мунтазам (йўналишли) ташиш йўналишларида тендер контракт тузмасдан ишлашга йўл қўйилмайди.

19. Автобусларда йўловчи ташиш ташкилотчилари (автокорхоналар раҳбарлари, якка тартибдаги тадбиркорлар) автомобилда ташишлари соҳасида касб ваколати тўғрисида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан белгиланган тартибда берилган тегишли гувоҳномага эга бўлишлари керак.

20. Шаҳарлараро—вилоятлараро ва халқаро йўналишлар ҳайдовчиларининг йўл қўйиладиган бошқариш, танаффуслар, ҳар кунлик ва ҳафталик дам олиш вақти халқаро нормаларга мувофиқ белгиланади.

21. Автобусларда йўловчилар ташиш жадвали автоташувчи томонидан йўналишларнинг айрим босқичларида норматив тезликлар асосида, ушбу тезликлар йўл

ҳаракати қоидаларида, йўл белгиларида рухсат берилган тезликка мувофиқ бўлиши шarti билан тузилиши керак.

22. Шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташишда автобусдаги йўловчилар сони автобусларнинг тўлиқ сифимидан ортиқ бўлмаслиги, шаҳарлараро, тоғ, саёҳат-экскурсия йўналишларида, болаларни ташишда ва бир марталик ташишларда эса — ўтириш учун белгиланган жойлар сонидан ортиқ бўлмаслиги керак.

23. Шаҳарлараро—вилоятлараро ва халқаро йўналишларда ишлаш учун фақат багаж бўлимлари мавжуд бўлган автобусларгина қўйилади.

Ҳайдовчининг автобусни бошқариш вақти 9 соатдан ортиқ бўлганда ёки йўналиш узoқлиги 400 км ва ундан ортиқни ташкил этганда автобусда йўловчилар ташишни ташкил этишда автомобилда ҳайдовчининг дам олиши учун жой жиҳозланиши ва қатновга икки ҳайдовчи юборилиши керак.

Шаҳарлараро—вилоятлараро ва халқаро йўналишларда 400 км ва ундан узoқ йўналишларда автобусда йўловчилар ташишни бир ҳайдовчи билан, шунингдек тунги қатновларни ташкил этиш тақиқланади, тендер контрактда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

24. Шаҳарлараро—вилоятлараро ва халқаро йўналишларда, саёҳат-экскурсия йўналишларида автобуслар ҳаракати жадвалида автобусни ҳар 1,5 соат бошқаришдан кейин ҳайдовчининг камида 15 минут ёхуд 4,5 соат бошқаришдан кейин 45 минут дам олиши мажбурий тартибда назарда тутилади.

25. Автобус ҳайдовчиси назорат пунктларида (автовокзаллар, автостанциялар, диспетчерлик пунктлари), ҳаракат жадвалида назарда тутилган ҳолларда, чипта-ҳисобга олиш варақасида келган ва жўнаб кетган вақти тўғрисида белги қўйдириши керак.

26. Автобусда ҳаракат хавфсизлигига хавф туғдирувчи носозликлар пайдо бўлганда, шунингдек ҳайдовчи ўзини ёмон ҳис этганда автобус ҳаракати дарҳол тўхтатилиши керак. Бу ҳақда энг яқин автовокзал (автостанция) диспетчерига ёхуд автобус ёки ҳайдовчини алмаштириши, ташишнинг бажарилишини таъминлаш чораларини кўриши мажбурий бўлган ташувчига хабар қилинади.

27. Йўналиш ҳужжатлари:

вилоят (шаҳар) ҳокимлигида ёки транспорт бўйича улар томонидан ваколат берилган орданда;

йўналиш ҳудуди орқали ўтадиган вилоятлар ЙХХДХ органларида;

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида (унинг ҳудудий бўлимида);

ташувчиларда бир нусхадан сақлаш учун етарли бўлган нусхаларда тузилади.

Мунтазам халқаро автобус йўналиши ҳужжатлари йўналиш ҳудудлари орқали ўтадиган давлат ваколатли органларида ҳамда ташувчиларда бир нусхадан сақлаш учун етарли бўлган нусхаларда тузилади.

28. Йўналиш ҳужжатлари заруриятга кўра, йўловчи оқимларини ўрганиш асосида, ҳаракат схемаси ва автобусларнинг техник тавсифи ўзгарганда қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

V. Саёҳат-экскурсия, махсус ташишлар ва бир марталик буюртмалар бўйича ташишлар

29. Саёҳат-экскурсия, махсус ёки бир марталик ташишлар учун ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларга автобуслар ажратишга шартномаларни ва бир марталик буюртмаларни расмийлаштириш автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж

ташиш қоидаларига, бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ташувчилар томонидан амалга оширилади.

Шартномалар ва буюртмалар буюртмачидан бориш жойи, бориш йўналиши, тўхташ жойи, ташилаётган йўловчилар сони, ташиш учун масъул шахс (гуруҳ раҳбари, экскурсовод) тўғрисидаги маълумотлар олингандан кейин расмийлаштирилади. Автобуснинг буюртмачида бўлиши муддати, ташиш учун масъул шахснинг фамилияси йўл варақасига киритилиши керак.

30. Ҳар бирига 30 кишидан ортиқ одам сифадиган икки ёки ундан ортиқ автобусларда, ҳар бирига 30 кишидан кам одам сифадиган йўловчилар ташилганда уларнинг ҳаракати колонна билан амалга оширилади. Ташувчи томонидан йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларига, автобуслардан фойдаланиш қоидаларига, бошқа норматив ҳужжатларга, ҳаракат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш учун масъул бўлган шахс белгиланади.

Колонналарни йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати транспорт воситалари билан кузатиб бориш ҳақидаги қарор ички ишлар бошқармалари раҳбарлари, ҳаракат хавфсизлиги хизмати автомобиллари билан кузатиб бориш ҳақидаги қарор эса — ташувчилар томонидан қабул қилинади.

31. Ташувчи автобуслари ҳаракатининг тасдиқланган йўналишларига мувофиқ келмайдиган махсус ташишлар (вахта, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш объектларига, қишлоқ хўжалиги ишларига ташиб бориш) ЙХХДХ ҳудудий органлари рухсати билан амалга оширилади.

Бир марталик ташишларга буюртмалар ташувчида мўлжалланаётган йўналишнинг йўл шароитлари ҳақида ахборот мавжуд бўлган ёки бундай ахборот буюртмачидан олингандан кейин қабул қилинади. Буюртмачи берилган маълумотларнинг ишончлилиги учун тўлиқ жавоб беради.

Агар йўналишдаги йўл шароитлари йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминламаса, автобуслар ажратилмайди.

32. Бир марталик буюртмалар бўйича саёҳат-экскурсия ташишларида буюртмачи ташкилот раҳбарлари:

гуруҳ раҳбарини танлаш, тайёрлаш ва ҳаракат хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқ берилишини;

сайёҳлар, болалар гуруҳлари билан йўлда ўзини тутиш ва автобусдан фойдаланиш қоидалари бўйича йўл-йўриқ берилишини;

гуруҳ раҳбарини йўловчиларнинг тасдиқланган рўйхати, ЙХХДХни болалар ташилиши тўғрисидаги билдиришнома нусхаси билан;

ҳайдовчиларни жой билан (гуруҳ хусусий секторда жойлаштирилганда алоҳида хона билан);

автобусни унинг сақланишини таъминловчи шароитларда тўхташ жойи билан таъминлашлари шарт.

Кўрсатиб ўтилган шартлар бажарилмаганда ташишларга рухсат берилмайди.

33. Вилоят (республика) ташқарисига саёҳат-экскурсияларга мунтазам олиб борилган ҳолларда буюртмачи ташкилот (ташувчи) автобуснинг сақланишини, орқага қайтишга тайёр эканлигини, бошқа вилоятлар (республикалар) ҳудудида автобусга техник хизмат кўрсатиш имкониятини назарда тутиши керак.

34. Гуруҳларнинг раҳбарлари автобус ҳаракати, унга чиқиш ва тушиш пайтида ҳамда бекатларда йўловчилар орасида, айниқса болалар орасида зарур тартибни таъминлашга мажбурдирлар.

35. Ташувчи:

ҳайдовчиларга йўналиш хусусиятлари тўғрисида йўл-йўриқ беришга, ҳаракат

хавфсизлигини таъминлашга, саёҳат-экскурсияга ташишга — шунингдек саёҳлар ва экскурсиячиларга хизмат кўрсатиш қоидалари, болаларни ташишда — бундай ташишларни амалга ошириш қоидалари тўғрисида йўл-йўриқ беришга, бу ҳақда йўл варақаси ҳамда ҳайдовчилар таркибига йўл-йўриқ бериш журналида қайд этишга;

автобуснинг корхонага қайтишининг назорат вақтини тайинлашга, назорат вақти тамом бўлгандан кейин икки соатдан сўнг автобус қаерда эканлигини аниқлаш чоратадбирларини кўришга мажбурдир.

36. Саёҳат экскурсияларга олиб борувчи ёки бир марталик буюртмалар бўйича ташишларни амалга оширувчи ҳайдовчилар, агар улар йўловчилар ташиш қоидаларига, йўл ҳаракати қоидаларига зид бўлмаса, йўналиш ўзгариши билан боғлиқ бўлмаса, ташиш учун масъулларнинг (гуруҳ раҳбарларининг) кўрсатмаларини бажаришга мажбурдир.

37. Махсус ташишларни ташкил этишда ташувчи:

йўналишни танлашга (имкони борича қаттиқ қопламали йўллар бўйича);

буюртмачи билан биргаликда ташиш учун автобус моделини танлашга, йўналиш масофасини белгилашга ва ҳаракат тезлигини нормаллаштиришга, хавфсизлик таъминланишини, ҳайдовчиларнинг меҳнати ва дам олиши белгиланган режимини ҳисобга олган ҳолда автобуслар ҳаракати жадвалини тузишга ва тасдиқлашга;

мазкур Талабларни ҳисобга олган ҳолда ташиш учун зарур бўлган автобуслар сонини аниқлашга;

буюртмачи билан биргаликда йўналиш ҳужжатларини тузишга, уларни давлат автомобиль назорати билан келишишга мажбурдир.

VI. Болаларни ташиш

38. Болаларни (16 ёшгача бўлган) ташишни ташкил этиш Автомобиль транспортда йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига ҳамда мазкур Талабларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

39. Болаларни автобусларда ташиш сутканинг ёруғ пайтида яқин масофани ёритадиган чироқлар ёқилган ҳолда амалга оширилиши керак. Ҳаракат тезлиги йўл, метеорология ва бошқа шароитларга кўра ҳайдовчи (кузатиб борилганда — унинг таъминланиши учун масъул бўлган шахс) томонидан танланади. Бунда барча ҳолларда ҳаракат тезлиги соатига 60 километрдан ошмаслиги керак.

40. Саёҳат-экскурсияларга олиб боришга ва болаларни ташишга бир марталик буюртмаларга шартномалар ташувчилар томонидан гуруҳга ўқитувчилар ёки махсус тайинланган катта ёшдаги кишилар ҳамкорлик қилиши шарти билан тузилади. Автобуслар колоннаси билан ташилаётган болаларга ҳамроҳлик қилиш учун тиббий ходимлар ажратиш тўғрисидаги масала жойларда соғлиқни сақлаш органлари томонидан қабул қилинади.

41. Мактаб ёшигача бўлган болаларни шаҳарлараро саёҳат-экскурсияларга олиб бориш тақиқланади.

42. Қишлоқ жойларда мунтазам равишда болаларни автобусларда ташишни ташкил этишда ташувчилар:

болаларни бориш жойига ўз вақтида етказишни таъминловчи махсус қатновларни назарда тутишга, ушбу қатновлар кўп бўлишига йўл қўймасликка мажбурдир. Бундай ташишлар бажарилишини, автомобиль йўллари ҳолатини, болаларни тушириш ва чиқариш пунктларини мунтазам назорат қилишга;

йўналишларда болаларни ташиётган автобусларнинг ўтиш вақти кўрсатилган махсус тўхташ белгилари ўрнатишга мажбурдир.

**VII. Автобус йўналишларидаги автомобиль йўллари, кўчалар,
сунъий иншоотлар, темир йўлдан ўтиш жойлари, паромлар, бекатлар
ва бошқа иншоотлар**

43. Автобус йўналишлари ўтадиган автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўлдан ўтиш жойлари, паром орқали ўтиш жойларининг техник ҳолати, уларнинг муҳандислик жиҳозланиши қурилиш нормалари ва қоидалари, автомобиль йўлларини тузатиш ва сақлашнинг техник қоидалари, бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган ҳаракат хавфсизлиги талабларини қаноатлантириши керак.

44. Вақтинчалик йўналишларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий комиссияси рухсати билан норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган йўллар бўйича автобус ҳаракатларини ташкил этишга истисно тариқасида йўл қўйилади. Бундай ҳолда тегишли ташувчилар, шунингдек тасарруфида йўллар бўлган йўл, коммунал ва бошқа ташкилотлар томонидан автобуслар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўрилиши керак (хавфли участкалар аниқланиши ва йўналишлар схемасига киритилиши; автобуслар тўхташ жойлари белгиланиши, ҳайдовчилар билан инструктаж ўтказилиши, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тезликлар белгиланиши; хавфли жойларда тўсиқлар ва йўл белгилари ўрнатилиши ва бошқалар). Агар норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқлик мавсумий тусга ва об-ҳаво-иқлим омиллари таъсирига боғлиқ бўлса, унда истисно тариқасида автобуслар ҳаракати фақат йилнинг қатнов қулай пайтида қатнаш мумкин бўлган маршрутларда ташкил этилиши мумкин.

45. Йўл, коммунал ташкилотлари, бошқа ташкилотлар транспорт ҳаракатини қийинлаштирувчи автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар ва бошқаларни қуриш, реконструкция қилиш ва тузатиш бўйича режали тадбирларни ўтказишда:

бу ҳақда 10 кундан кечикмай тегишли давлат автомобиль назорати органларини хабардор қилишга, уларга тузатиш-қурилиш ишларини бажариш даврида айланиб ўтишнинг келишилган вариантларини тақдим этишга;

айланиб ўтиш йўлини йўл ҳаракатини ташкил этишнинг зарур техник воситалари билан жиҳозлаб, уларни хавфсиз ҳаракат учун яроқли ҳолга келтиришга мажбурдир.

46. Автобус йўналишлари ўтадиган автомобиль йўлларини ёпиш билан боғлиқ тузатиш ишлари ва ишларнинг бошқа турларини бажаришга рухсатномалар ҳокимликлар томонидан берилади. Рухсатнома бундай ишларни бажариш жойи, вақти, ҳаракатни тартибга солишнинг вақтинчалик техник воситаларини жойлаштириш давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан келишилган схемаси мавжуд бўлган тақдирда берилади.

47. Автобуслар мунтазам ҳаракат қиладиган автомобиль йўллари, кўчаларни тузатиш ва сақлаш йўл, коммунал ташкилотлар ва ушбу йўллар тасарруфида бўлган бошқа ташкилотлар томонидан автомобиль йўлларини тузатиш ва сақлашнинг техник қоидаларига, йўллардан фойдаланиш қоидаларига, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг норматив ҳужжатларига, шунингдек ҳокимликлар томонидан белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилади.

Автомобиль йўллари, кўчаларни қишда сақлаш (уларни қордан тозалаш, яхма-лакка қарши кураш) тартибга солувчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

48. Автомобиль йўлларининг қиш давридаги ҳолати ва қатновга яроқлилиги тўғрисида ушбу йўллар тасарруфида бўлган йўл ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар йўл ҳаракати қатнашчиларини тегишли йўл белгилари ўрнатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилишга мажбурдирлар.

49. Йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш йўллар тасарруфида бўлган тегишли йўл ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек ички ишлар органларининг ихтисослаштирилган монтаж-фойдаланиш бўлинмалари (шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида) томонидан амалга оширилади. Бошқа ҳолларда бундай иш ички ишлар органларининг кўрсатиб ўтилган бўлинмалари томонидан ушбу йўллар балансида бўлган ташкилотлар ва идораларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Тартибга солишнинг техник воситаларини ўрнатиш йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ёзма кўрсатмаси ёки рухсатномасига кўра давлат стандартлари талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

50. Ташувчилар, вокзаллар ва автостанциялар, автобусларнинг ҳайдовчилари йўл, коммунал органлари ва бошқа органларга тасарруфида автомобиль йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари, паром билан ўтиш жойларининг ҳолатидаги, муҳандислик ускуналаридаги ҳаракат хавфсизлигига хавф солувчи камчиликлар тўғрисида тасарруфида улар бўлган органларга ҳамда давлат автомобиль назоратларига дарҳол маълум қилишлари керак.

Автобусларда йўловчилар ташишни амалга оширувчи ташувчиларда ҳайдовчиларнинг йўл шароитларини, йўналишдаги ҳаракатни ташкил этиш тизимини яхшилашга оид таклифларини рўйхатдан ўтказиш учун махсус журналлар юритилиши керак.

Автобус бекатлари

51. Автобус бекатларининг жойлашишини танлаш қурилиш нормалари ва қоидалари талабларидан келиб чиқиб ташиш буюртмачиси ва йўл ташкилотлари тегишли хизматлари томонидан амалга оширилади. Бунда йўловчиларга энг кўп қулайликни таъминлаш, автобус бекатлари кўриниб туриши зарурлиги ҳамда уларнинг ҳудудида транспорт воситалари ҳаракати ва пиёдалар хавфсизлиги шартларига риоя этилиши керак. Автобус бекатлари жойлашган жой шаҳар (туман) бош меъмори, йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати билан, темир йўлдан ўтиш жойлари ҳудудида эса — темир йўл бўлинмалари билан келишилади ва ҳокимликлар томонидан тасдиқланади.

Шаҳарларда автобус бекатларини ободонлаштириш ҳокимликлар томонидан, автомобиль йўлларида йўл ташкилотлари томонидан норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

52. Ҳокимликлар ва йўл органлари қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ шаҳарларда ва аҳоли пунктларида сутканинг қоронғи вақтида автобус бекатлари ҳамда уларнинг атрофи ёритилишини ташкил этишни таъминлаши керак.

53. Автобус бекатларини сақлаш ва тозалаш тартиби ҳокимликлар, шунингдек ушбу ишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар томонидан белгиланади.

Тўхташ павильонлари ва чиқиш майдонларини, ўтиш-тезлик полосаларини қордан тозалаш шарт.

Темир йўлдан кесиб ўтиш

54. Автобус йўналишларини белгилашда йўлнинг темир йўлни кесиб ўтишини истисно этувчи ечимлар қидирилиши керак.

Бундай ечимга келиш имкони бўлмаган истисно ҳолларда шлагбаумли ва шлагбаумсиз амалдаги ўтиш жойларида автобус ҳаракатини (доимий ёки вақтинча) очишга

ҳар бир алоҳида ҳолатда йўл бўлими бошлиғининг ёки ўтиш жойи бўйсунисида бўлган бошқа ташкилотнинг рухсати билан йўл қўйилади. Бунда шлагбаумсиз ўтиш жойларида автобус ҳаракатига улар автоматик светофор сигнализацияси билан жиҳозлангандан кейин рухсат берилади. Шлагбаумсиз, автоматик светофор сигнализацияси ўрнатилмаган ўтиш жойлари бўйича автобус йўналишларини жорий этиш тақиқланади.

55. Темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари кесиб ўтиш жойларини қуриш ва уларга хизмат кўрсатиш йўриқномасига қатъий мувофиқ ҳолда сақланади ва жиҳозланади.

56. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси темир йўллари умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари билан кесишган кесиб ўтиш йўллари умумий фойдаланиладиган кесиб ўтиш йўллари ҳисобланади ва компания маблағлари ҳисобига сақланади.

Идоравий кесиб ўтиш темир йўллари умумий фойдаланиладиган йўллар ёки алоҳида корхоналарнинг йўллари билан кесиб ўтиш йўллари кесиб ўтиш темир йўллари қарашли бўлган ташкилотлар ҳисобига ёхуд улардан фойдаланувчи ташкилотлар ҳисобига сақланади.

57. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг бўлинмалари, тасарруфида темир йўллар бўлган вазирликлар ва идоралар автобусда йўловчилар ташишни амалга оширувчи бошқа вазирликларни, шунингдек давлат автомобиль назоратини автобусда йўловчилар ташиш йўналишларида транспорт воситалари ўтиши қоидалари бузилаётган ёки қийинлашаётган темир йўлни кесиб ўтиш йўллари ёки йўлларни реконструкция ва тузатиш бўйича режали тадбирлар тўғрисида 5 кун олдин хабардор қилишлари керак.

58. Темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари орқали ёки уларда транспорт воситалари ўтиши бузилганда ёки қийинлашганда тузатиш ишларини бажариш вақтида уларни айланиб ўтишдаги ҳаракат тартиби тузатишни амалга оширувчи ташкилотлар, давлат автомобиль назорати билан ўтиш жойининг пиёдалар юрадиган қисмини тузатишда эса тегишли йўл ташкилотлари билан келишилади. Темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари орқали автобуслар ҳаракати Йўл ҳаракати қоидалари талабларини қатъий бажарган ҳолда алоҳида эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши керак.

59. Темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари ҳудудида тўхташ пунктлари энг яқин темир йўл рельсидан камида 100 м масофада жойлаштирилиши, уларнинг техник ечими эса автобус тўхтаган тақдирда транспортнинг асосий ҳаракат йўли бўйлаб тўсиқсиз ҳаракатини таъминлаши керак.

Кўприклар, кесишган йўл устидан ўтказилган кўндаланг йўллар, эстакадалар ва бошқа сунъий иншоотлар

60. Автобус йўналишларидаги кўприклар, кесишган йўл устидан ўтказилган кўндаланг йўллар, эстакадалар ва бошқа сунъий иншоотлар қурилиш нормалари ва қоидалари ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

VIII. Йўлларни текшириш

61. Янги очилган автобус йўналишларининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, «Ўзавтойўл» концерни, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланадиган манфаатдор ташкилотлар (транспорт, йўл, комму-

нал ва бошқа), шунингдек давлат автомобиль назорати вакилларида иборат комиссия томонидан амалга оширилади.

Йўналишларни текшириш улар очилишидан олдин, кейинчалик эса 1 йилда камида бир марта ўтказилади.

Комиссия аъзолари ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлаб турган ва янгидан очилаётган автобус йўналишларининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун шахсан жавоб берадилар.

62. Йўналишларнинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги:

транспорт ташкилоти ёки йўловчилар ташишни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган йўналиш тўғрисидаги ахборот;

йўл, коммунал ташкилотлар ҳамда ихтиёрида йўллар, сунъий иншоотлар, темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари ва бошқалар бўлган бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган йўналишдаги йўл шароитлари ҳақидаги маълумотлар (йўл четлари ўтиш жойлари параметрлари ва уларнинг ҳолати, йўл режаси ва профили элементлари, ҳаракат тизимлиги ва таркиби, сунъий иншоотлар, темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари, паром ва музликлар орқали ўтиш йўллари ва уларнинг ҳолати, ҳаракатни ташкил этиш воситалари мавжудлиги ва бошқалар);

давлат автомобиль назоратининг йўл-транспорт ҳодисалари кўп бўладиган жойлар, уларнинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлари;

йўналишда ишловчи ҳайдовчилардан сўраб-суриштириш;

йўналишни бевосита текшириш асосида баҳоланади.

Тегишли ташкилот раҳбарлари кўрсатиб ўтилган ахборотни комиссияларга ўз вақтида тақдим этишга мажбурдир.

63. Текшириш давомида ҳаракат шароитларига кўра йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатлар талабларини қониқтирмайдиган участкаларни аниқлашда ҳаракат учун хавф туғдирувчи аниқ йўл омиллари аниқланади, йўлнинг параметрлари, унинг техник тоифаси аниқланиши керак, йўналишнинг ва унинг айрим боқичларининг узунлиги ўлчанади.

64. Текшириш натижалари далолатномада акс эттириладиган автобус йўналишининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида комиссиянинг хулосаси берилади. Далолатномага шунингдек ҳаракат шароитларини яхшилашга ва йўналишда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги тадбирларни ўтказиш бўйича комиссиянинг хулосалари ҳам киритилади. Текшириш далолатномаси йўналиш ҳужжатлари билан биргаликда ташувчида сақланади.

65. Текшириш далолатномалари йўналишни очиш ёки йўналишдан фойдаланишни давом эттириш масаласини ҳал этиш, йўловчилар ташишни такомиллаштириш ва уларнинг хавфсизлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш, автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар ҳолатидаги асбоб-ускуналаридаги ва сақланишидаги камчиликларни бартараф этиш устидан назоратни ташкил этиш учун тегишли ҳокимликларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига (унинг ҳудудий бўлинмасига), «Ўзавтойўл» концерни бўлинмалари ва ЙХХДХга берилади.

66. Далолатнома нусхалари камчиликларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш ва ишларни режалаштиришда ҳисобга олиш йўл, коммунал ташкилотларга ҳамда ихтиёрида автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар, темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари мавжуд бўлган бошқа ташкилотларга юборилади. Далолатномалар нусхалари шунингдек ҳаракатланадиган таркибининг йўл шароитларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳайдовчиларга йўл-йўриқ бе-

ришда фойдаланиш, автобуслар ҳаракати тезлигини нормалаш учун автокорхонага ҳамда назорат учун ЙХХДХга берилади.

67. Зиммаларига далолатномада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юкланган ташкилотлар раҳбарлари йўналишни очиш ёки ундан фойдаланишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилган органларга мўлжалланган ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни мунтазам тақдим этишлари керак.

IX. Умумий фойдаланиладиган автобус йўналишларини очиш ва ёпиш

68. Янги автобус йўналишларини очишда йўл ҳаракати хавфсизлиги мақсадида темир йўлдан кесиб ўтишни инкор қилувчи ечим изланиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаган тақдирда автобусларнинг темир йўл кесишмаси орқали ҳаракатланишига йўналишни текширувчи комиссия тақдимномасига кўра, темир йўл бошлиғи ёки темир йўлларни кесиб ўтиш йўллари тасарруфида бўлган ташкилот раҳбарининг рухсати билан йўл қўйилади.

69. Вақтинчалик (мавсумий) автобус маршрутлари агар:

паст қопламали йўллар бўйлаб автобус ҳаракатини очиш талаб этилса;

автобусларнинг оғирлик параметрлари ва ҳажмларининг автомобиль йўллари ҳақиқий тоифаларига мувофиқлигини таъминлаш имконияти бўлмаса;

автомобиль йўллари, кўчалар участкалари бўйлаб, сунъий иншоот, темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари ва паром орқали ўтиш бўйича уларнинг техник ҳолати, муҳандислик ускуналари, сақлаш даражаси норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқилганда автобус ҳаракатини очиш зарур бўлганда ташкил этилиши мумкин.

70. Вақтинчалик (мавсумий) автобус йўналишини очишда йўналишнинг амал қилиш муддати (даври), шунингдек автобуслар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташувчилар, йўл, коммунал ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар комплекси аниқ кўрсатилиши керак.

71. Автобус йўналишини ёпиш унинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига ёхуд фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

72. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда (табiiй ҳодисалар сабабли йўллар, йўл иншоотлари бузилиши, йўл ёки метеорология шароитларининг ҳаракат хавфсизлиги таъминланмайдиган даражагача ёмонлашиши, иссиқлик, газ, электр коммуникацияларида ва бошқа коммуникациялардаги авариялар) ташувчилар, йўл, коммунал ташкилотлар ЙХХДХ бўлинмалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ёки улар томонидан махсус ваколат берилган йўловчи транспортини бошқариш органлари автобус ҳаракатини дарҳол тўхтатиш ҳуқуқига эгадирлар, аynи пайтда бу ҳақда тегишли ташувчилар, йўл, коммунал ташкилотларига, ЙХХДХ бўлинмаларига хабар берилади.

Автобуслар ҳаракатини вақтинча тўхтатиш тартиби йўналишларни очиш ва ёпиш ваколатлари берилган органлар томонидан белгиланади.

73. Йўл, коммунал ташкилотлар, автокорхоналар, давлат автомобиль назоратлари, гидрометеорология хизматлари, ЙХХДХ бўлинмалари, йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари ҳаракат учун хавфли бўлган табiiй офатлар тўғрисидаги огоҳлантириш олинганлиги тўғрисида дарҳол бир-бирларига хабар қиладилар.

Довуллар тўғрисида огоҳлантириш олингач ташувчилар, автовокзаллар, автостанциялар табiiй офат минтақасида автобусларда йўловчилар ташишни амалга оширувчи барча автокорхоналарни, хусусий шахсларни ҳаракатнинг вақтинча тўхтатилганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

74. Янги автобус йўналишларининг очилганлиги, ишлаб турганлари ёпилганлиги, уларнинг ўзгартирилганлиги, автобуслар ҳаракати вақтинча тўхтатиб турилиши тўғрисида ташувчилар, автовокзаллар, автостанциялар аҳолини, манфаатдор ташкилотларни хабардор қилади.

75. Автобус йўналишларини текшириш бўйича комиссия таркиби йўналишни очиш (ёпиш) ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарори билан тасдиқланади. Қоидага кўра ушбу органнинг вакили бошчилик қиладиган комиссия таркибига Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (унинг ҳудудий бўлинмалари), ташувчилар, ЙХХДХ бўлинмалари, йўл, коммунал ташкилотлар, темир йўл ва темир йўллар тасарруфида бўлган бошқа тузилмалар вакиллари киради.

Халқаро автобус йўналишини очишга тайёргарлик кўриш ишлари ҳудудидан йўналиш ўтиши мўлжалланаётган давлатлар ваколатли органларининг шундай вакилларида иборат таркибда тузиладиган комиссия томонидан бажарилади. Комиссияга Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи бошчилик қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

205 Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакиллариининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос мухташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Ўмид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳолат ва камчиликларнинг сабаблари аввало матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастлиги, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри сушт шаклланаётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим

бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-«Халқаро» телеканаллини махсус «Спорт» телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Спорт» телеканаллини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича «Ўзтелерадио» компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Спорт» телеканаллини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни «Ўзтелерадио» компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги «Спорт» телеканаллини техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боғлиқ масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» 1997 йил 25 августдаги 412-сон қарорида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги «Спорт» телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудига эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. «Ўзтелерадио» компаниясига:

«Спорт» телеканали кўрсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмда;

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб кунига 8 соат ҳажмда ишга туширишга;

Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтиришга;

ижодий жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар билан муайян ишларни бажариш учун муддатли шартномалар тузиш ҳамда келишилган баҳоларда тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

6. «Спорт» телеканаллининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини изчил равишда олиб бориш;

Ўзбекистон спорт ҳаётини, миллий спорт турларини, халқ ўйинларини, мамлакатимиз вакилларининг халқаро спорт майдонларидаги иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш;

халқаро спорт федерациялари ва клублари, спорт турлари ва машҳур спортчилар тўғрисида кўрсатувлар, теле-радиоочерклар, видеороликлар, клиплар тайёрлаш ва намойиш қилиш;

халқаро ва хорижий мамлакатлар спорт матбуоти, телерадио каналлари билан ҳамкорликда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардан бевосита кўрсатув ва репортажлар тайёрлаш.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасарруфидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда йиллик мукофотлар таъсис этсин:

1-мукофот — энг кам иш ҳақининг 20 баробари;

2-мукофот — энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3-мукофот — энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги низом бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь — «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида эълон қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетида истиқболли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклансин.

2003/2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида «Спорт журналистикаси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» компанияси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академияга инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Азизхўжаев ва Р. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 4 ноябрь,
484-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

206 Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 12-модда; 2003 й., 4-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 5 ноябрь,
485-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 5 ноябрдаги 485-сон қарорига
ИЛОВА

Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банддаги ва 8-банднинг биринчи хатбошидаги «вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари» сўзлари «вилоятлар, Тошкент шаҳар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 10-банддаги «ҳокимлик» сўзи «статистика» сўзи билан алмаштирилсин.

3. 12-банд биринчи хатбошидаги «вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари» сўзлари «вилоятлар, Тошкент шаҳар» сўзлари билан алмаштирилсин, «ўз таъсис шартномалари ва уставларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади» сўзларидан кейин эса қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган тақдирда адлия органлари адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларига аниқлаган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатма киритишга ҳақлидир».

4. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари адлия органларига статистика ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда тақдим этадилар».

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

5. 15-бандда:

иккинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиялар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда — адлия органлари) томонидан берилади»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Лицензиялар лицензия талабгори яшайдиган жойдаги адлия органлари томонидан берилади».

6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Лицензия талабгори лицензия олиш учун малака имтиҳони топширган кундан бошлаб ўн кун мобайнида фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, лицензияланадиган фаолият турини кўрсатган ҳолда лицензия бериш тўғрисида аризани бевосита ёхуд почта алоқа воситаси орқали адлия органига тақдим этади. Аризага малака комиссиясининг қарори илова қилинади.

Лицензия олиш учун адлия органига тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади) ва адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди».

7. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Адлия органи қуйидаги ҳолларда лицензия беришни рад этиш ҳуқуқига эгадир:

лицензия талабгори томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда;

лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва бузилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

лицензия талабгори лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлмаганда, шу жумладан белгиланган тартибда унинг лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб эътироф этилган тақдирда, шунингдек судланганлиги қайтариб олинмаган ёки олиб ташланмаган тақдирда.

Бошқа сабаблар, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли лицензия беришни рад этишга рухсат берилмайди.

Лицензия талабгори адлия органининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек адлия органининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига 3 кун мобайнида рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш адлия органи томонидан лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

8. 19-банд биринчи хатбошидан олдин қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«19. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришномада лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда амалга оширилади.

Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида адлия органига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса адлия органи кўрсатилган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир»;

биринчи — учинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. 28-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари лицензия берувчи органлар сифатида адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши, шу жумладан адвокатлик фаолиятини белгилловчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя этилишини, шунингдек адвокатларнинг касб тайёргарлигини назорат қиладилар».

10. 29-банд «тўхтатиш» сўзидан кейин «ёки тўхтатиб туриш» сўзлари билан тўлдирилсин.

11. 30—34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш мазкур Низомнинг 31-бандида назарда тутилган ҳолат мавжуд бўлган даврда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақиқланишини англатади.

31. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда адлия органи қарорига кўра тўхтатиб турилиши мумкин:

адвокат жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда у айбдор сифатида жавобгарликка тортилган пайтдан бошлаб ва суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд оқловчи асосларга кўра уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача;

адвокатлик фаолиятини амалга оширувчи шахснинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганда лицензияни қайта расмийлаштириш муддатига;

адвокат томонидан унинг аниқланган қонун бузилишларини бартараф этишни талаб этувчи адлия органининг қарори бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилиши адлия органи томонидан адвокатнинг қонун ҳужжатларини, адвокатлик этикаси қоидаларини бузганлиги аниқланган тақдирда интизомий жазо чораси сифатида малака комиссиясининг қарори асосида ҳам тухтатиб турилиши мумкин.

Адлия органи лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар адвокат томонидан бартараф этиш учун муддат белгилайди. Кўрсатилган муддат 6 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак, адвокат жиноий жавобгарликка тортилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар адвокат томонидан бартараф этилганда адлия органи кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлигининг тасдиғи олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

32. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши мазкур Низомнинг 33-бандида назарда тутилган ҳолатлар бошланиши билан боғлиқ бўлганда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланишини англатади.

33. Лицензиянинг амал қилиши адлия органи томонидан қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда, бироқ илгари қабул қилинган топшириқ бажарилгандан кейин, агар миждоз ўз сўзида туриб олса;

белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқати чекланган ёки адвокат ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилганда;

адлия органи белгилаган муддатда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар адвокат томонидан бартараф этилмаганда;

адлия органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонуний эканлиги аниқланганда;

адвокатга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда; адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда.

Лицензиянинг амал қилиши адлия органи томонидан лицензия талаблари ва шартлари адвокат томонидан мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузилган тақдирда интизомий жазо чораси сифатида малака комиссиясининг қарори асосида ҳам тўхтатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига кўра ҳам тўхтатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади.

34. Лицензиянинг бекор қилиниши мазкур бандда назарда тутилган асослар бўйича лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги эълон қилиниши билан боғлиқ бўлганда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланишини англатади.

Адлия органи томонидан лицензия қуйидаги асосларда бекор қилинади:

адвокатнинг аризасига кўра;

адвокат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида адлия органига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган тақдирда;

қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда лицензия олиш ҳолати аниқланган тақдирда.

Лицензия суднинг қарорига кўра ҳам бекор қилиниши мумкин.

Лицензиянинг бекор қилиш тўғрисидаги қарор, қарор берилган санадан бошлаб амал қилади.

Лицензиянинг бекор қилиниши адвокатнинг касбий фаолиятини бажаришда унинг ҳаракатлари ноқонунийлигини эътироф этмайди».

12. 35-банднинг биринчи хатбоши, 36 ва 37-бандларнинг «Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши» сўзлари «Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши, тўхтатилиши» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«38. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги ахборот адлия органи томонидан лицензиясининг амал қилиши тўхтатилган ёки лицензияси бекор қилинган шахсларнинг кўриб чиқиладиган ишларда қатнашишига йўл қўймаслик мақсадида суд-тергов органларига маълумот учун юборилади».

14. 39-банднинг «ва амал қилиши тўхтатилган» сўзлари «ва амал қилиши тўхтатиб турилган, тўхтатилган» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. 4-илованинг 4-устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги, тўхтатилганлиги ёки унинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

207 Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда қишлоқда ижара муносабатларини кенг ривожлантириш ва ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни ислох қилиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси 1-қисмининг янги таҳририга мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар ширкат хўжаликларига эллик йилгача муддатга, бироқ камида ўттиз йилга товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юритиш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда ижарага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари 2003-2004 йилларда барча қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказилишини таъминласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2003-2004 йилларда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини узоқ муддатли ижара шаклига қайта расмийлаштириш жадвали 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасидан фойдаланганлиги учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича ва муддатларда ягона ер солиғи шаклида ундирилади.

4. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг намунавий шартномаси 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий устави 3-иловага мувофиқ;

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган ижара шартномаларини қайта расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш билан бир вақтда фермер хўжаликларининг ижара шартномалари ўзлари ҳудудида жойлашган туманлар ҳокимлари билан қайта тузилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда:

ушбу қарорга 1 ва 4-иловаларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари

* 1-илова берилмайди.

(ширкат хўжаликлари)нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи ижара шаклига қайта расмийлаштирилишини ҳамда фермер хўжаликлари билан ижара шартномалари белгиланган Жадвал ва Низомга мувофиқ қайта тузилишини;

ижара шартномалари тузилгандан кейин (қайта тузилгандан кейин) қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликларининг қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкасига бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш, фермер хўжаликлари билан ижара шартномасини қайта тузиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) қайта рўйхатдан ўтказиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва фермер хўжалигининг аризаси етарли ҳисобланади. Бошқа талаблар ва шартлар белгиланишига, шунингдек бирон-бир қўшимча тўловлар ва йиғимлар ундирилишига йўл қўйилмайди.

Туманлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда ва қатъий равишда ушбу қарорга мувофиқ амалга оширилиши учун шахсан жавоб берадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда вазирликлар ва идоралар бўйича тажриба, ўқув-тажриба, ёрдамчи хўжаликлардаги ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб чиқсинлар.

Ўрганиб чиқиш яқунлари бўйича хўжалик юретишнинг янги шароитларида улар фаолиятини такомиллаштириш, ер участкаларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда эса — уларни олиб қўйиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритилсин.

7. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 5 ноябрь,
486-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан
ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

200__ йил «___» _____
(шартнома тузилган жой)
_____ ВИЛОЯТИ _____ тумани ҳокимлиги
(номи) (номи)
ҳоқим _____ орқали, кейинги ўринларда «Ижарага
(фамилияси, исми, отасининг исми)
берувчи» деб аталади, бир томондан ва _____
(қишлоқ хўжалиги кооперативи)
_____ ширкат хўжалигининг номи)
_____ (ширкат хўжалиги раисининг фамилияси, исми, отасининг исми)

орқали, кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» деб аталади, иккинчи томондан
200__ йил «___» _____ даги _____-сон қарор асосида ушбу Шартномани қуйида-
гилар тўғрисида тузишди:

I. Шартноманинг мавзуси

1. Ижарага берувчи 200__ йил «___» _____ дан _____ йил
муддатга _____ да жойлашган
_____ гектар ер участкасини ижарага топширади, Ижарага олувчи эса қабул
қилиб олади.

Ижарага олувчининг ер участкаси чегаралари мазкур Шартноманинг ажрал-
мас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган харитада кўрсатилган.

2. Ер участкаси _____ қишлоқ хўжалиги
(ихтисослашуви)

ишлаб чиқаришини юритиш учун берилади.

3. Кўрсатилган ер участкасида қуйидаги қишлоқ хўжалиги ерлари жойлашган:
суғориладиган ҳайдаладиган ерлар — _____ га;

лалмикор ҳайдаладиган ерлар — _____ га;

боғлар — _____ га;

узумзорлар — _____ га;

тутзорлар — _____ га;

бошқа кўп йиллик дарахтлар — _____ га;

пичанзорлар ва яйловлар — _____ га;

бўз ерлар — _____ га;

Ерларнинг таркиби ва майдони тўғрисидаги батафсил маълумотлар ушбу Шарт-
номанинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ерларнинг илова қилинаётган изоҳлари-
да келтирилган.

4. Ижарага бериладиган суғориладиган ерларнинг тавсифи:

сув билан таъминланганлиги — _____ %;

- суғориб келинаётган муддати — _____;
- маданийлаштирилганлиги — _____;
- эрозияга учраганлик даражаси — _____;
- тошлоқлик даражаси — _____;
- шўрланиш даражаси — _____;
- сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги — _____м;
- тупроқ бонитетининг ўртача ўлчанган бали — _____.
5. Ер участкасининг кучсизланганлиги — _____;
6. Сервитутлар _____.

II. Ижара ҳақи

7. Ер учун ижара ҳақи ягона ер солиғи тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича ва муддатларда тўланади.

8. Ягона ер солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III. Ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш шартлари

9. Ер участкасидан ушбу Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган мақсадларда, белгиланган алмашлаб экишларга мувофиқ фойдаланилиши керак.

10. Ички хўжалик объектлари қуришда ва кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишда Ижарага олувчи томонидан бузилган ер участкалари Ижарага олувчининг кучи билан ва унинг маблағлари ҳисобига қайта маданийлаштирилади.

11. Ер участкаси бериш ва ундан фойдаланишнинг бошқа шартлари

IV. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Ижарага берувчи белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага олувчи томонидан Шартнома шартлари бузилганда ёхуд ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилиш;

ер участкасининг кучсизланганлиги даражасини аниқлаш.

Ижарага берувчининг бошқа ҳуқуқлари _____

13. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасининг белгиланган муддатларда, Шартнома шартларига мувофиқ ҳолатда берилишини таъминлаш;

ерлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда Ижарага олувчининг кўрган зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдасини тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш.

Ижарага берувчининг бошқа мажбуриятлари _____

V. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига ҳамда хўжалик уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахт кўчатларига, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ва уни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасида мавжуд бўлган кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

суғориш, ерларнинг захини қочириш, техник ва бошқа мелиоратив ишларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини, дарахтларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

ички хўжалик мақсадлари учун ишлаб чиқариш ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни белгиланган тартибда барпо этиш;

ерлар олиб қўйилган тақдирда ўзига етказилган зарарларни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлатиш.

Ижарага олувчи «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

15. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

ер участкасининг ихтисослашувини мазкур Шартноманинг 2-бандига мувофиқ сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот етиштирилишини ташкил этиш (ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда);

ердан унинг белгиланган мақсадига қатъий мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

ишлаётган ирригация ва мелиоратив тармоқларни, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

ягона ер солиғини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ерни ижарага олувчилар ва ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

белгиланган шакллардаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ерни ижарага олувчиларга ва ер участкалари мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги (уч йил мобайнидаги ўртача йиллик ҳисобда) ерларнинг нормативдаги кадастр баҳосидан паст бўлмаган даражада бўлишини таъминлаш;

архитектура-шаҳарсозлик нормалари ва талабларига риоя этиш, шу жумладан қурилишга рухсат олиш ва лойиҳани архитектура органлари билан келишиш.

Ижарага олувчи «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эгадир.

VI. Ер участкасини ижарага бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

16. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига кўра, томонларнинг келишувини

га эришилмаган тақдирда эса — суд қарорига қўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

17. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда:
ширкат хўжалиги тугатилганда;
ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;
ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, самарасиз фойдаланилганда, яъни Ижарага олувчининг айби билан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) нормативдаги кадастр баҳосидан кам миқдорда ҳосил олинганда;
ерларнинг экологик ҳолати Ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда;
ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда.
Шартнома амалдаги қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

VII. Томонларнинг жавобгарлиги

18. Томонлардан бири ушбу Шартноманинг шартларини бажармаганда ёки қонун ҳужжатларини мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

19. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай қонун бузилиши Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

20. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни Шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

VIII. Низоларни ҳал этиш

21. Ушбу Шартномани амалга оширишда пайдо бўладиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

IX. Шартноманинг алоҳида шартлари*

X. Яқуний қоидалар

Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган, улардан биринчиси Ижарага олувчига _____ берилади, иккинчиси _____
(ширкат хўжалигининг номи) (туманининг номи)

туманининг ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади.

Шартнома ер участкаси жойлашган жойдаги ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга киради.

* Изоҳ: IX «Шартноманинг алоҳида шартлари» бўлимида мазкур Намунавий шартномада назарда тутилмаган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар кўрсатилади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:

Ижарага олувчи:

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи-

_____ тумани ҳокими

Ижарага олувчи –

Имзо _____

М.Ў.

Имзо _____

М.Ў.

Шартнома 200__ йил «___» _____ да ___-сон тартиб рақами билан
 _____ вилояти _____ тумани ер ресурслари бўйича туман
 (номи) (номи)

хизматида рўйхатдан ўтказилган.

М.Ў. _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарорига
 3-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг
 НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

I. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) (кейинги ўринларда «ширкат хўжалиги» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ширкат хўжалиги таъсис йиғилишининг қарори асосида ташкил этилади.

2. Ширкат хўжалиги ўзи негизида ташкил этилаётган хўжаликнинг шартнома ва мажбуриятлари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Ширкат хўжалиги давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, ўз Уставига амал қилади.

Ширкат хўжалиги мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб рақамларига, номи ёзилган муҳрга ва штампга эга бўлади, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай битишувларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

4. Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади, фаолиятининг натижалари ва мажбуриятлар бажарилиши юзасидан жавоб беради. Ширкат хўжалиги давлатнинг ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан, давлат эса ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

5. Ширкат хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва унинг давлат органлари томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Уставда ширкат хўжалигининг номи, жойлашган жойи, шунингдек ихтисослашуви кўрсатилади.

II. Ширкат хўжалигининг мақсади, фаолияти соҳаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш асосида даромад (фойда) олиш ва ширкат хўжалиги аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш ширкат хўжалиги фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

8. Қуйидагилар ширкат хўжалиги фаолиятининг соҳаси ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, озик-овқат ва ноозик-овқат товарларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, шу жумладан ўз савдо шохобчалари орқали сотиш;

ишлаб чиқариш, уй-жой, маданий-маиший, ижтимоий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш ва таъмирлаш ишлари;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда аҳолига транспорт-фойдаланиш хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

маркетинг тадқиқотлари ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш;

ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун махсус рухсатномалар олиш талаб этилса, у ҳолда фаолиятнинг бундай тури тегишли лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

9. Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ширкат хўжалиги Уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва тузилган шартномаларга мувофиқ ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

маҳсулотларга нархларни шартнома асосида мустақил белгилаш ва маҳсулотларни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, тузилган шартномалар асосида ўз хоҳишига кўра сотиш;

акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;

ернинг унумдорлигини ошириш;

моддий-техника ресурслари сотиб олиш;

инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш;

уюшмалар, иттифоқлар ва бошқа бирлашмаларга кириш;

бошқа юридик ва жисмоний шахслардан асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш;

ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга уч йилгача муддатга субижарага бериш;

ўз мол-мулкини сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва бошқа усул билан ўзгага бериш;

боғлар ва узумзорларни ижарага бериш;
кредитлар олиш.

10. Ширкат хўжалигининг мажбуриятлари:

ер ва сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;
ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;

экология талабларига ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя қилиш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ички хўжалик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш;

экинларни навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

сув ресурсларидан ва бошқа моддий-техника ресурсларидан тежаб фойдаланиш учун хўжалик ички пудратчилари ва ижарачиларни иқтисодий рағбатлантириш;

сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиш;

янги агротехнологияларни жорий этиш;

сувни тежаш тадбирларини амалга ошириш;

хўжалик ички гидромелиорация тизимини ўз вақтида таъмирлаш ва шўрланган ерларни ювиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш;

қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш;

меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ширкат хўжалиги аъзолари ва унда меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш, уларга хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш.

Ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бўйича ўзга ҳуқуқларга эгадир ва улар бўйича жавоб беради.

III. Ер участкаси ва ундан фойдаланиш

11. Ширкат хўжалигига ер участкаси эллик йилгача муддатга, узоқ муддатли ижарага берилади. Ижарага берилган ер участкаси давлат мулки ҳисобланади ва у хусусийлаштирилиши, олди-сотди, айирбошлаш, гаров, ҳада қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

Ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланувчи ширкат хўжалиги ер участкаларини кўшимча равишда ижарага олиши мумкин.

Ер участкасининг ижара шартномаси томонларнинг келишувига кўра, томонлар келишувга эришмаган тақдирда эса — суд томонидан ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

12. Ширкат хўжалигига берилган ерлар жамоат фойдаланишидаги ерлардан ва деҳқон хўжалигини юритиш учун бериб қўйилган ерлардан иборатдир.

13. Ширкат хўжалиги ердан оқилона ва самарали фойдаланишни, унинг унумдорлигини пасайтирмасликни ва экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўйилмасликни таъминлаши шарт.

14. Ширкат хўжалигининг қишлоқ хўжалиги экин майдони, қоида тариқасида, оилаларга (жамоаларга) оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида қонун ҳужжатларида ва умумий йиғилиш томонидан белгиланган тартибда беш йил муддатга вақтинча фойдаланиш учун берилади.

Ер участкасидан фойдаланиш муддати тамом бўлгандан кейин оилалар (жамоалар) оила (жамоа) пудрати шартномасини янги муддатга узайтириш (чўзиш) ҳуқуқига эгадир.

Оила (жамоа) пудратчиларига ер участкасини бериш далолатнома билан тасдиқланади.

15. Ширкат хўжалиги аъзолари оилаларига, шунингдек ширкат хўжалиги ҳудудида доимий яшаётган ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжаликларини юритиш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг илтимосномаси асосида туман ҳокимининг қарорига кўра ажратиб берилади.

16. Ширкат хўжалигининг ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ернинг унумдорлигини ошириш, шунингдек бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтзорлар қиймати билан боғлиқ харажатлар, етказилган бошқа зарарлар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда қопланади.

17. Ширкат хўжалиги тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага берувчига қайтарилади.

18. Ширкат хўжалигига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар ва муддатлар бўйича ягона ер солиғи тариқасида ундирилади.

IV. Ширкат хўжалиги мол-мулкни шакллантириш тартиби

19. Асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек ширкат хўжалигининг мустақил балансида акс этириладиган бошқа бойликлар ширкат хўжалигининг мулки ҳисобланади.

20. Қуйидагилар ширкат хўжалиги мол-мулкни шакллантириш манбалари ҳисобланади:

асосий фондлар ва бошқа фондлар қиймати;

етиштирилган маҳсулотлар;

маҳсулотларни сотишдан ва кўрсатилган хизматлардан тушган даромад (фойда);

ширкат хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий бадаллари;

банк кредитлари;

қимматли қоғозлар;

бюртмачилардан олинган аванслар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

21. Ширкат хўжалиги мол-мулки ширкат хўжалиги балансида акс этирилган узоқ муддатли ва айланма активлардан иборат.

22. Ширкат хўжалиги мол-мулкни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида ўзларининг пул бадаллари ва моддий ресурслари билан иштирок этишлари мумкин.

23. Ширкат хўжалиги томонидан ташкил этиладиган шўъба корхоналарнинг мол-мулки, шунингдек унинг хўжаликлараро ташкилотлар мулкидаги улуши ширкат хўжалигининг мулки ҳисобланади.

24. Ширкат хўжалиги мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ўз хохишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Ширкат хўжалиги мол-мулки ҳар йили хатловдан ўтказилади ва унинг натижалари ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

V. Устав фонди ва уни тақсимлаш

25. Ширкат хўжалиги фаолиятини таъминлаш учун пай жамғармаси ва бўлинмас фонддан иборат устав фонди ташкил этилади. Устав фонди миқдори ширкат хўжалиги умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

26. Уставда ширкат хўжалиги устав фонди ва бўлинмас фонд миқдори кўрсатилади.

Бўлинмас фондни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби ширкат хўжалиги умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Бўлинмас фондни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

27. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайларига тақсимланади.

28. Аъзоларнинг ширкат хўжалиги ташкил этилган пайтда аниқланган мулкӣ пайлари уларнинг бошланғич мулкӣ пайи ҳисобланиб, унинг миқдори таъсис йиғилишида тасдиқланади.

29. Устав фонди миқдори ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг қарорига асосан тақсимланмаган фойдадан ажратма ва бошқа манбалар ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Бу ҳолда ширкат хўжалиги устави қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

30. Ширкат хўжалиги ўз аъзоларининг маблағларини қўшимча бадаллар сифатида жалб қилиши мумкин. Қўшимча бадаллар пай жамғармасига киритилади. Ширкат хўжалиги аъзолари пай жамғармасига киритилган қўшимча бадаллар бўйича ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда дивидендлар оладилар.

VI. Ширкат хўжалигининг аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. Ўн олти ёшга тўлган, ширкат хўжалиги уставини эътироф этадиган ва унинг талабларига риоя этадиган, ширкат хўжалиги фаолиятида ва (ёки) унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар ширкат хўжалиги аъзолари бўлишлари мумкин.

Ширкат хўжалигига аъзолик ундан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

хақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаганда;

давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;

ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан бошқа ширкат хўжаликларига, хўжаликлараро ва бошқа ташкилотларга белгиланган муддатга ишга йўлланганда.

Ширкат хўжалигининг қарилик ёки ногиронлик бўйича ишни тўхтатган аъзолари ўзларининг ширкат хўжалигига аъзоликларини унинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган асос ва шартларда сақлаб қоладилар.

Юридик шахслар ширкат хўжалигига аъзо бўлишлари мумкин. Ширкат хўжалигига аъзо бўлган юридик шахсларнинг ширкат хўжалиги билан ўзаро муносабатлари улар ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади.

32. Ширкат хўжалигини ташкил этишда таъсис йиғилишида тасдиқланган аъзолар таркиби рўйхати ва уларнинг бошланғич мулкый пайларининг миқдори Уставга илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

33. Ширкат хўжалиги аъзолари сонини кўпайтириш умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига қиради. Ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилиш шахснинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги аъзолари билан меҳнат муносабатлари ширкат хўжалиги раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномаси ва бошқарувнинг қарори буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Ширкат хўжалиги раисининг буйруғи ширкат хўжалиги аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида тасдиқланади.

Бунда ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида бошқарув қарори ариза берилган пайтдан бошлаб бир ой муддатда қабул қилиниши керак.

Ширкат хўжалиги аъзолигига махсус билимларга ва иш тажрибасига эга бўлган шахсларни қабул қилиш зарур бўлганда хўжалик бошқаруви уч ойгача бўлган синов муддати белгилаши мумкин.

Ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилинаётган шахс умумий йиғилиш томонидан белгиланган миқдорда ширкат хўжалиги пай жамғармасига улуш қўшиши ёхуд чиқиб кетган аъзонинг пайини сотиб олиши керак.

34. Ширкат хўжалиги аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ширкат хўжалигини бошқаришда иштирок этиш;

ширкат хўжалиги бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

ширкат хўжалиги фаолияти тўғрисида маълумот олиш, унинг ҳужжатлари билан танишиш;

ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;

мулкый пайлар бўйича дивидендлар олиш;

ширкат хўжалиги тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қоладиган мол-мулкдан ўз улушини ёки унинг қийматини олиш;

ширкат хўжалигининг маҳсулотлари ва хизматларидан устувор тартибда фойдаланиш;

ширкат хўжалиги аъзолигидан ўз хоҳишига кўра чиқиш, ўзининг мулкый пайини қонун ҳужжатлари ва Уставга мувофиқ васият қилиб қолдириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

35. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мажбуриятлари:

қонун ҳужжатлари, ширкат хўжалигининг таъсис ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, унинг бошқарув органлари қарорларини бажариш;

ширкат хўжалиги фаолиятига тааллуқли сир тутиладиган ахборотни ва тижорат ахборотини ошкор қилмаслик;

ширкат хўжалиги мол-мулкни эҳтиёт қилиш, ишлаб чиқариш воситаларидан тежаб ва самарали фойдаланиш;

ширкат хўжалигида меҳнат қилиш ва ўз меҳнати натижалари учун жавоб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, меҳнатни ва табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш.

36. Ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари, Устав ҳамда ширкат хўжалиги бошқарув органларининг қарорлари асосида тартибга солинади.

37. Ширкат хўжалиги ўз аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ва оила (жамоа) пудрати шартномасига мувофиқ мустақил равишда белгилайди. Ҳар бир аъзонинг даромади унинг меҳнати улушига ҳамда йил якуни бўйича ширкат хўжалиги фаолиятининг пировард натижасига боғлиқ бўлади. Ширкат хўжалиги ҳар бир аъзосининг ойлик даромади белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Унинг юқори чегараси белгиланмайди.

38. Ширкат хўжалигига аъзолик:

ширкат хўжалиги аъзолигидан ихтиёрий равишда чиқилганда;

ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқарилганда;

ширкат хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда тўхтатилади.

Умумий йиғилиш томонидан ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқариш:

ширкат хўжалиги фаолиятида меҳнат иштироки тўхтатилганда, унинг Уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ширкат хўжалиги Уставида белгиланган бошқа ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқариш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзоси ширкат хўжалиги таркибидан ўз ташаббуси билан чиқиш тўғрисида ширкат хўжалиги бошқарувини ўзининг мўлжалланаётган чиқиши санасидан камида икки ҳафта олдин ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Ширкат бошқаруви ширкат хўжалиги аъзосининг ширкатдан чиқиш тўғрисидаги аризаси асосида аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ва уни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга киритади.

Ширкат хўжалиги аъзолари билан, шунингдек ёлланган ходимлар билан меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари ва уларнинг ҳисоби

39. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдори умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга биноан белгиланади.

40. Пай жамғармаси ва тегишли равишда ширкат хўжалиги аъзолари мулкӣ пайлари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) умумий йиғилиш қарори билан амалга оширилади.

41. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайи номи ёзилган далолатнома билан расмийлаштирилиб, рўйхатга олиш рақамига эга бўлади ва у қимматли қоғозлар тоифасига кирмайди.

42. Ҳар бир аъзо учун ширкат хўжалиги молия-ҳисоб-китоб марказида шахсий ҳисоб рақами очилади ва унда унинг бошланғич мулкӣ пайи ва қўшимча пай бадаллари, шунингдек тўланган дивидендлар акс эттириб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисоб рақамларидаги мулкӣ пайларининг йиғиндиси ширкат хўжалигининг пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши керак. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдори улар томонидан киритилган қўшимча бадаллар миқдорига ошади.

VIII. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

43. Тижорат фаолиятдан олинган даромад (фойда) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг бутунлай ширкат хўжалиги тасарруфида бўлади ва уни ширкат хўжалиги мустақил равишда тасарруф этади.

44. Ширкат хўжалигининг зарарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

45. Ширкат хўжалигининг даромади (фойдаси) умумий йиғилишнинг қарори билан аъзоларга дивидендлар тўлаш ва устав фонди миқдорини кўпайтириш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа мақсадлар учун тақсимланади.

46. Ҳар бир аъзонинг мулкӣ пайлари бўйича дивидендлар миқдорини аниқлаш ва тақсимлаш Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга биноан амалга оширилади.

47. Ширкат хўжалиги даромади (фойдаси)нинг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра мулкӣ пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади ва тўланади.

IX. Пайларни ажратиб бериш ва мерос қилиб қолдириш

48. Ширкат хўжалигидан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги ширкат хўжалиги ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкӣ пайлар 15 кун муддатдан кечикмай пул шаклида тўланади.

49. Ширкат хўжалиги аъзосининг мулкӣ пайини мерос қилиб қолдириш фақат унинг қийматдаги ифодасида амалга оширилади.

50. Пайга мулкчилик ҳуқуқларининг меросхўрларга ўтиши ширкат хўжалиги бошқарувида рўйхатдан ўтказиш йўли билан Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

X. Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари

51. Ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши), бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчи) ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ҳисобланади. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ширкат хўжалиги бошқарувининг юқори органи ҳисобланади. Умумий йиғилиш молия йили тугагандан кейин ўтказилади. Умумий йиғилиш ширкат хўжалиги бошқарувининг (раисининг) қарорига биноан ёки ширкат хўжалиги аъзолари камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

52. Умумий йиғилиш:

ширкат хўжалигининг Уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ширкат хўжалигининг раиси, ширкат хўжалигининг бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва фаолиятига баҳо беради;

ширкат хўжалиги аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди;

оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги низомни ва бошқа хўжалик ички норматив ҳужжатларни қабул қилади;

ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдорини белгилайди;

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, ширкат хўжалигининг бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

ердан фойдаланиш, ер тузиш масалаларини ҳал этади, шунингдек Ширкат хўжалиги аъзолари оилаларига, шунингдек ширкат хўжалиги ҳудудда доимий яшаётган ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжаликларини юриштиш учун ер участкалари бериш тўғрисида туман ҳокимига илтимоснома киритади; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун оилаларга (жамоаларга) пудрат шартларида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини ижарага бериш тўғрисида туман ҳокимига илтимоснома киритади;

ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади.

53. Аъзоларининг сони беш юз кишидан ортиқ бўлган йирик ширкат хўжаликларига умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин.

Вакиллар оилавий (жамоавий) пудратчиларнинг ва ширкат хўжалиги бошқа бўлинмаларининг йиғилишларида ширкат хўжалиги аъзолари орасидан умумий йиғилиш томонидан белгиланган муддатга сайланадилар. Вакилларнинг вакиллик нормалари ширкат хўжалиги аъзоларини ширкат хўжалигини бошқаришга энг кўп даражада жалб этишни ҳисобга олган ҳолда ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан белгиланади. Ширкат хўжалиги раиси, бошқарув аъзолари, ширкат хўжалиги тафтиш комиссияси аъзолари вакиллар йиғилиши ишида мажбурий тартибда қатнашадилар.

Ширкат хўжалиги раисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш масалалари бўйича қарорлар фақат умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

54. Ширкат хўжалиги аъзолари ёки уларнинг вакилларининг умумий мажлиси ширкат барча аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган (ёки уларнинг вакиллари қатнашган) тақдирдагина масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлади. Умумий йиғилиш қатнашчиларининг сони юз кишидан ортиқ бўлса, шунингдек яширин овоз бериладиган ҳолларда санок комиссияси сайланади.

55. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) қарорлари очиқ ёки яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Уставга ўзгартиришлар киритиш, устав фонди миқдорини ўзгартириш, ширкат хўжалигини қайта ташкил қилиш ва тугатиш масалалари бўйича қарорлар умумий йиғилиш иштирокчиларининг ёки улар вакилларининг тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши керак. Ширкат хўжалиги аъзоси бўлмаган ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

56. Ширкат хўжалиги бошқаруви умумий йиғилиш чақирилиши ҳақида аъзоларни йиғилиш ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин хабардор қилиши шарт.

57. Мулккий улуши микдоридан қатъи назар, ширкат аъзоси бир овозга эга бўлади.

58. Ширкат хўжалиги аъзолари умумий йиғилишида сайланадиган бошқарув ижро этувчи орган ҳисобланади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви қуйидаги ваколатларга эга:

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва умумий йиғилиш (вакиллар йиғилиши) тасдиғига киритиш;

ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишини (вакиллар йиғилишини) чақириш ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш;

ширкат хўжалигига янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий йиғилиш (вакиллар йиғилиши) тасдиғига киритиш;

ширкат хўжалиги мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш ҳамда етказилган зарарнинг ўрни қопланишига доир чораларни кўриш;

зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этиш;

ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер участкалари ажратиш бўйича таклифларни умумий йиғилишнинг кўриб чиқиши учун киритиш;

сув хўжалиги хизматини ва бошқа инфратузилмани ташкил этиш;

жорий хўжалик масалаларини ҳал этиш;

ширкат хўжалиги Уставида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

59. Ширкат хўжалиги бошқаруви ишига ширкат хўжалиги раиси раҳбарлик қилади. Қоидага кўра, бошқарув раис лавозимига номзодни тавсия этади. Ширкат хўжалиги раиси умумий йиғилишда ширкат хўжалиги аъзоларидан очиқ овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида уч йил муддатга сайланади.

Раис:

Уставга мувофиқ ширкат хўжалиги номидан ишончномасиз иш олиб боради; оила бошлиқлари (жамоанинг ваколатли вакиллари) билан оила (жамоа) пудрати шартномалари тузади;

ширкат хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол-мулкни тасарруф этади, шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, уларнинг бажарилишини таъминлайди, ишончномалар беради, банкда ҳисоб рақамлари очади ва ширкат хўжалиги Уставига мувофиқ бошқа ишларни амалга оширади;

ширкат хўжалиги умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) ва бошқарув қарорларнинг ижросини назорат қилади;

ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

ўз ваколати доирасида буйруқ ва фармойишлар чиқаради, пул ва ҳисобот ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди;

ходимлар меҳнатини ташкил этади, қонун ҳужжатларида ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган меҳнат шарт-шароитларини яратади, барча ходимларга меҳнат дафтарчалари юритилишини таъминлайди;

умумий йиғилиш ва бошқарув олдида ҳисобот беради.

Ширкатнинг умумий йиғилиши айрим вазифаларни тезликда ҳал этиш учун раисга бошқа функцияларни ҳам юклаши мумкин.

Ширкат хўжалиги бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан ширкат хўжалигининг Уставига мувофиқ ширкат хўжалиги раисининг ўринбосарини ва бошқарув котибини сайлашлари мумкин.

60. Умумий йиғилиш томонидан муайян муддатга сайланган тафтиш комиссия-

си (тафтишчи) ширкат хўжалигининг назорат органи бўлиб, у ширкат хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятини текширади. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) бир йилда бир марта ширкат хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади. Йил давомида заруратга қараб ўтказилган текшириш натижалари ҳамда бир йиллик тафтиш натижаси тўғрисида бошқарувга маълум қилади ва умумий йиғилиш олдида ҳисобот беради.

Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) ширкат хўжалигининг ижро этувчи органи таркибига кириши мумкин эмас. Умумий йиғилиш ширкат хўжалигининг ва унинг бошқарувининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

61. Ширкат хўжалиги бошқарув аппарати штатларини мустақил белгилайди.

XI. Ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот бериш, ширкат хўжалиги фаолиятини текшириш тартиби

62. Ширкат хўжалиги ўз фаолияти натижалари ҳисоб-китоби ишларини амалга оширади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини юритади.

63. Ширкат хўжалиги фаолияти:

тафтиш комиссияси (тафтишчи);

умумий йиғилиш қарорига кўра мустақил аудиторлик ташкилотлари;

қонун ҳужжатларида ушбу мажбурият юкланган солиқ органлари ва бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида текширилади.

Ширкат хўжалиги текшириш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжат кўрсатилишини талаб этиш, текширувчилар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармасликка ҳамда текширув соҳасига боғлиқ бўлмаган маълумотлар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

XII. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

64. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва ширкат хўжалиги Уставида белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

65. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсларга ўтади.

66. Ширкат хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан ширкат хўжалигининг фаолияти тўхтатилиши унинг тугатилиши ҳисобланади.

Ширкат хўжалиги:

умумий йиғилиш қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

67. Ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш бу ҳақда ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма равишда хабар бериши шарт, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ширкат хўжалиги тугатиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритади.

Ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда ту-

гатиш комиссиясини (тугатувчини) тайинлайди ҳамда қонунга ва ширкат Уставига мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи) тайинланган пайтдан бошлаб ширкат хўжалиги ишларини бошқариш соҳасидаги барча ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган ширкат хўжалиги номидан судда иштирок этади.

68. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) матбуот органларида ширкат хўжалигининг тугатилиши, унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақидаги хабарни жойлаштиради. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи) кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кредиторларни ширкат хўжалиги тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

69. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси (тугатувчи) оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган ширкат хўжалиги мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Оралиқ тугатиш баланси ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш ёки суд томонидан тасдиқланади.

70. Агар тугатилаётган ширкат хўжалиги ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси (тугатувчи) ширкат хўжалигининг мол-мулкини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошқора савдоларда сотади.

71. Тугатилаётган ширкат хўжалиги кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси (тугатувчи) томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган навбат тартибда, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатиш балансини тузади. Тугатиш баланси ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш ёки суд томонидан тасдиқланади.

72. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қоладиган бўлинмас фонднинг қисми ва пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзолари ёки уларнинг меросхўрлари ўртасида мулкый пайлар қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

73. Ширкат хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари деҳқон хўжалигини юритиш мақсадида ўзларига бириктирилган ер участкаларига меросга қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

74. Ширкат хўжалигининг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг ширкат хўжалигини тугатиш тамомланган, ширкат хўжалигининг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ҳамда қишлоқ хўжалиги
кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан фермер
хўжаликлари ўртасида тузилган ижара шартномаларини қайта
расмийлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон, «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси асосида ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) (кейинги ўринларда ширкат хўжалиги деб юритилади) ҳамда фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини ва ижара шартномаларини қайта расмийлаштириш тартибини белгилайди.

**I. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер
участкаларига бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш**

1. Ер участкалари ширкат хўжалиklarига эллик йилгача, бироқ камида ўттиз йил муддатга узоқ муддати ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатлари-га мувофиқ белгиланади.

2. Ширкат хўжалиklarини ер участкаларига бўлган ҳуқуқини ижара шаклига ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари тегишли фармойишлар чиқарадилар.

3. Ширкат хўжалиklarининг ер участкаларини ижарага беришни қайта расмийлаштириш бўйича материалларини тайёрлаш ва расмийлаштириш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобига бажарилади.

4. Ширкат хўжаликлари ер ресурслари бўйича туман хизматига ерларни ижарага бериш муддати кўрсатилган аризани ва ер участкаларига ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни тақдим этади.

5. Ер ресурслари бўйича туман хизмати ер-кадастр ҳужжатлари маълумотлари бўйича ширкат хўжалиги ерларининг миқдори ва сифати ҳолатини аниқлайди.

Ширкат хўжалиги ер-кадастр ҳужжатлари маълумотларига рози бўлмаган тақдирда ер участкаси ер ресурслари бўйича туман хизмати ҳамда ширкат хўжалиги вакиллари томонидан натура бўйича текшириб чиқилади, текшириш натижалари бўйича ер участкасини текшириш далолатномаси тузилади.

6. Маълумотлар аниқлангандан ва уларга тузатишлар киритилгандан кейин ер участкасининг харитаси ва намунавий шаклга мувофиқ ижара шартномаси тузилади.

Ер участкасининг тегишли масштабдаги харитаси хўжалиklarаро ер тузиш, ерларни хатлаш материалларидан ва кейинги йиллардаги бошқа текширишлар материалларидан фойдаланган ҳолда мавжуд харита- картография материали асосида тайёрланади. Ер участкаси харитасида қабул қилинган белгиларга мувофиқ: ширкат хўжалигининг чегаралари, барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, экин майдонлари, аҳоли яшаш жойлари, контурларнинг тартиб рақам-

лари), сервитут ва тупроғи кучсизланган участкалар, шунингдек ширкат хўжалиги худудига киритилган ер участкаларининг (чет ерларнинг) чегаралари ва номлари тўлиқ кўрсатилади.

Ижара шартномасида ер участкасининг, шу жумладан ерларнинг турлари бўйича умумий майдони, ерларнинг сифати, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади, ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал этиш ва шартномани бекор қилиш шартлари кўрсатилади. Алоҳида шартлар сифатида ер участкасининг амалдаги кучсизлантирилиши, унумдорлик ҳолати ва сервитутлар, сувдан фойдаланиш шарт-шароитлари ҳамда томонларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар қайд этилади.

Ерларнинг сифати тупроқни ва геоботаник текшириш материаллари, тупроқ бонитети, ерларни хатловдан ўтказиш ва ерлар сифатини тавсифловчи бошқа материаллар бўйича белгиланади.

7. Ер участкаси харитаси ва ижара шартномаси, ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолда эса — ер участкасини текшириш далолатномаси ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тақдим этилади.

8. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси материалларни ва ширкат хўжалиги аризасини кўриб чиқади, тегишли хулоса тайёрлайди.

9. Туман ҳокими ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси хулосаси асосида ширкат хўжалиги билан тузилган ер участкасини ижарага бериш шартномасини имзолайди, ижарага олувчи номидан эса шартномани ширкат хўжалиги раиси имзолайди.

Шартномага ер ресурслари бўйича туман хизмати бошлиғи ва ширкат хўжалиги раиси томонидан имзоланган ер участкаси харитаси ва йил бошидаги ер баланси маълумотлари бўйича қабул қилинадиган ерларнинг экспликацияси илова қилинади.

Ер участкаси харитаси ва ширкат хўжалиги ерларининг экспликацияси ижара шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ер участкасини ижарага бериш шартномаси икки нусхада расмийлаштирилади, биттаси ижарачига берилади, иккинчиси ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади.

10. Ижара шартномаси ширкат хўжалигининг ер участкасини ижарага олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ва у ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

11. Ҳар бир ширкат хўжалиги бўйича ер тузиш йиғмажилди шакллантирилади, унда қуйидаги ҳужжатлар бўлади:

туман ҳокимлигининг ширкат хўжалигига ер участкасини ижарага бериш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

ширкат хўжалиги ерларининг ҳажми ва сифатини солиштириш материаллари; ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ширкат хўжалигига ер участкаларини қайта расмийлаштириш ва ижарага бериш тўғрисидаги хулосаси;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси, унга ер участкаси харитаси илова қилинади.

Ер тузиш йиғмажилди икки нусхада шакллантирилади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси ширкат хўжалигида сақланади.

12. Туман ҳокими билан ширкат хўжалиги ўртасида тузиладиган ижара шартномасини расмийлаштиришда ширкат хўжалигининг аризаси асосида ширкат хўжа-

лиги қайта рўйхатдан ўтказилади, бунда қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмайди ҳамда тўлов ва йиғимлар ундирилмайди.

II. Фермер хўжалиги билан ширкат хўжалиги ўртасида тузилган ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини қайта расмийлаштириш

13. Фермер хўжаликлари билан ширкат хўжаликлари ўртасида тузилган ер участкаларини ижарага бериш шартномалари қайта расмийлаштирилади.

14. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини ижарага бериш шартномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарор туман ҳокими томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

15. Ер ресурслари бўйича туман хизмати ҳокимнинг қарори бўйича фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузиладиган ер участкасини ижарага бериш шартномасини тайёрлайди, у туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

16. Ҳоким билан фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини ижарага бериш шартномаси икки нусхада тузилади, биттаси фермер хўжалигига берилади, иккинчиси эса ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади ва ер ресурслари бўйича туман хизматида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

17. Илгари фермер хўжаликларига берилган ер участкалари ширкат хўжалиги балансидан чиқарилади.

18. Туман ҳокими билан ширкат хўжалиги ўртасида тузиладиган ижара шартномасини қайта расмийлаштиришда фермер хўжалиги бошлиғининг аризаси асосида фермер хўжалиги қайта рўйхатдан ўтказилади, бунда қўшимча ҳужжатлар ёхуд бошқа талаблар ва шартлар талаб қилинмайди, шунингдек тўлов ва йиғимлар ундирилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 15 июлдаги 299-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбоши ва 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда (қарорга 5-илова):

9-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

11-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзолари томонидан қўшимча бадал-

лар киритилганда ёки умумий йиғилиш қарорига кўра тақсимланмаган фойда ҳисобига кўпаяди.»;

17-банддаги «йиллик» сўзи чиқариб ташлансин.

в) Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда (қарорга 6-илова):

5-банддаги «тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин» сўзлари «ўзгартирилиши мумкин» сўзлари билан алмаштирилсин.

6-банддаги «ширкат хўжалиги аъзоларининг» сўзларидан олдин «тафтиш комиссияси (тафтишчи) ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

г) Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)да пай жамғармасини шакллантириш, мулкый пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда (қарорга 7-илова):

1-банддаги «ер участкаларининг қиймат баҳосини ва» сўзлари ва иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

16-банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Мулкый пай миқдори фақат умумий йиғилишнинг қарорига кўра тақсимланмаган фойда ва ширкат аъзоларининг қўшимча пай бадаллари ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ширкат хўжалигининг уставига устав жамғармасини кўпайтириш тўғрисида ўзгартиришлар киритилади»;

17-банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Ширкат хўжалигининг молия-ҳисоб-китоб марказида ҳар бир аъзо учун шахсий ҳисоб варақ очилади, унда пайчи—аъзонинг бошланғич мулкый пайи, мулкый пайнинг кўпайган суммаси ҳамда тўланган дивидендлар ҳисобга олиб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисоб варағидаги мулкый пайлари суммаси ширкат хўжалиги пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши шарт»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

18-банддаги «мулкый пайлар» сўзларидан кейин «умумий йиғилишнинг қарорига кўра пул ёки натура шаклида» сўзлари билан тўлдирилсин.

19-банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Мулкый пайни қайтариш тартиби ва муддатлари умумий йиғилиш томонидан белгиланади.»;

20-банддаги «мумкин» сўзи «лозим» сўзи билан алмаштирилсин.

21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

26-банддаги «24» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;

д) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги намунавий низомда (қарорга 8-илова)да:

3-банд кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ижарачиларга ерлар 5 йилга берилади»;

14-банднинг иккинчи хатбошидаги «ғалла» сўзи чиқариб ташлансин.

16-банддаги:

учинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«агар пудратчи оила (жамоа) пудрати шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, оила (жамоа) пудрати шартномасини бекор қилишни ва етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга»;

тўртинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш вақтида уларнинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, пудратчига камчиликларни йўқотиш учун одилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган

тақдирда бу ишларни пудратчи ҳисобидан бажаришни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли»;

17-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳар бир пудратчига ойлик миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлаши»;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва хизматлар кўрсатиш учун оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги Намунавий шартномада:

3-банднинг бешинчи хатбошидаги «ва ғалла» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳар бир пудратчига ойлик миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлаши»;

8-банддаги «бозор нархида» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 15 июлдаги 300-сон қарорининг 2-бандидаги иккинчи, учинчи, тўртинчи хатбоши ва қарорга 1,2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

208 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматбаҳо металлларни харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 31 октябрдаги ПФ–3346-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2004 йил 1 январдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат қимматбаҳо металллар қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 13 мартдаги 129-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси таркибидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти масалалари тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 566-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 5 ноябрь,
487-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

209 Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш комиссияси:

икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ лицензияланадиган фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар рўйхатини белгиласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Р. Юнусов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 6 ноябрь,
489-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 6 ноябрдаги 489-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомга мувофиқ ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятнинг қуйидаги турлари лицензияланиши керак:

ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлиш, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналарни, радиациядан муҳофазаланиш воситала-

* 2-илова берилмайди.

рини яратиш ва тайёрлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиш.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

«Ўзсаноатконтехназорат» агентлиги (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

3. Ишчи орган лицензия бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисидаги аризаларни тегишли ҳужжатлар билан қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосаси, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида Комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, лицензияларни расмийлаштиради ва қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензия реестрларини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензияларнинг амал қилинишини тўхтатиб кўяди ва тиклайди.

4. Фақат юридик шахслар лицензия талабгори бўлиши мумкин.

5. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

6. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилди. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиатлар томонидан радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, табиатни муҳофаза қилиш қоидалари, санитария нормалари, радиациявий хавфсизлик қоидалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мажбурий риоя қилиниши;

лицензия талабгорида унга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, тегишли белгиланган талабларга жавоб берувчи фаолиятнинг лицензияланадиган турини бажариш учун мўлжалланган бинолар (ишлаб чиқариш хоналари, омборлар ва бошқалар) мавжудлиги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини бажариш учун зарур моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситалар мавжудлиги;

радиациявий хавфсизлик хизмати мавжудлиги;

иш жойларида, хоналарда, ишлаб чиқариш ҳудудларида, санитария-муҳофаза зоналарида ва кузатув зоналарида, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбалари чиқарилиши, ташланиши ва улар кўмилган жойларда радиациявий ҳолат устидан ишлаб чиқариш назорати амалга оширилиши;

қўлланилмайдиган ионлаштирувчи нурланиш манбалари кўмиб ташланишини таъминлаш;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари ҳисобланган маҳсулотлар, материаллар ва моддалар, технологик жараёнларнинг радиациявий хавфсизлигини асослаш ва баҳолаш ишлари олиб борилиши;

радиациявий авария юз берганда радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлиги;

лицензияланадиган фаолият бўйича ишларни бевосита бажарувчи ходимларда тегишли олий ёки ўрта махсус маълумот мавжудлиги;

сурункали руҳий касалликлар, гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм юзасидан ҳисобда турувчи ходимлар, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаласи соҳасида қасддан жиноят содир этганлиги учун муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган ходимлар йўқлиги;

ишлаб чиқариш раҳбарлари, ишлаб чиқариш назорати хизмати ходимлари, мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш;

фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан боғлиқ ишларни бевосита бажарувчи ходимларнинг мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиши;

ходимлар нурланишининг яқка тартибдаги дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш;

ходимларни иш жойларидаги ионлаштирувчи нурланиш даражалари ва улар томонидан олинган яқка тартибдаги нурланиш дозаси миқдори тўғрисида мунтазам хабардор қилиш;

юридик шахс штатида фаолиятнинг лицензияланадиган тури бўйича камида 3 йил иш стажига эга бўлган камида уч мутахассис мавжудлиги.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан келиб чиқувчи аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг (унинг бир қисмининг) юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияланадиган фаолият ишлари билан бевосита шуғулланадиган ходимлар рўйхати, унда уларнинг маълумоти бўйича мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, лицензияланадиган фаолият тури бўйича иш стажы кўрсатилади;

лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларнинг бажариш имкониятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

10. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар ишчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд

уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар ишчи гуруҳ масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан йиғим ундирилади.

Лицензиатнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

14. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Ишчи орган лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун кўрсатиб ўтилган муддат доирасида:

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шарт-шароитларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколин тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

15. Ишчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда куйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи органнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ишчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

33. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади. реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахслар-

нинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ишчи органдан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


IX. Давлат божини тўлаш тартиби

35. Лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

36. Лицензия берганлик учун давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаллада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаллада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

210 Тиббиёт техникаси ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва тиббиёт мақсадидаги буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва улар билан даволаш-профилактика муассасаларини, ихтисослаштирилган тиббий марказларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфарманоат» давлат-акциядорлик концернининг ва «Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси муассисларининг «Ўзтибтехника» акциядорлик компаниясини «Ўзфарманоат» давлат концерни таркибидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзтибтехника» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ҳисоблансин:

тиббиёт муассасалари ва аҳолининг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва технологияларига бўлган эҳтиёжини чуқур ўрганиб чиқиш ва ушбу эҳтиёжларни қондириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва тиббиёт мақсадидаги буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва улар билан даволаш-профилактика муассасаларини, ихтисослаштирилган тиббий марказларни таъминлаш;

монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини, тиббиёт асбоб-ускуналарининг техник сервисини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш муассасаларини техник жиҳозлаш бўйича лойиҳаларини ва техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиш;

тиббиёт асбоб-ускуналарига техник хизмат кўрсатиш муҳандис-техник ходимлар тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

3. «Ўзтибтехника» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2004—2006 йилларда республика тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ва унга техник сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «Ўзтибтехника» акциядорлик компаниясининг устав фонди ва эмиссия проспектини хатловдан ва қайта рўйхатдан ўтказсин;

давлатга тегишли активларни бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакили тайинланишини таъминласин;

«Ўзтибтехника» акциядорлик компаниясининг давлат активларини ишончли бошқариш тўғрисидаги шартнома қоидалари ижроси устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

6. Тиббиёт техникаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Тиббиёт техникаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* 3-илова берилмайди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 14 августдаги 283-сон қарорининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 6 ноябрь,
490-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 6 ноябрдаги 490-сон қарорига
1-ИЛОВА

«Ўзтибтехника» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 6 ноябрдаги 490-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси ижро этувчи
аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 6 ноябрдаги 490-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Тиббиёт техникаси бўйича мувофиқлаштирувчи
кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Тиббиёт техникаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини тартибга солади.

1.2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш тиббиёт техникаси ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш, улар билан соғлиқни сақлаш муассасаларини, аҳолини таъминлаш ва техник сервис бўйича юқори мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

1.3. Тиббиёт техникаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари-га, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа қарорлари-га, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

II. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари

2.1. Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолининг замонавий тиббиёт асбоб-ускуна-лари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

даволаш муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва технология-лари ҳамда тиббиёт буюмлари билан техник жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

илғор тиббиёт асбоб-ускуналари ва техникаси, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқа-риш ва улар билан соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолини таъминлашни му-вофиқлаштириш;

даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт аппаратураси ва касалхона асбоб-ускуналарини монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш, техник сервис кўрса-тиш ишлари ташкил этилишини таъминлаш;

илғор тиббиёт асбоб-ускуналари билан техник жиҳозлаш учун мамлакатимиз инвестицияларини ва хорижий инвестицияларни, ҳомийлик маблағлари ва грант-ларни жалб этиш ишларини ташкил этиш;

тиббиёт техникаси, тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, улар билан даволаш-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган тиббий марказларни таъминлаш-ни яхшилаш, шунингдек тиббиёт техникасига техник ва сервис хизмати кўрсатиш даражасини ошириш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритиш.

III. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ваколатлари

3.1. Ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ Мувофиқлаштирувчи кенгаш: мавжуд тиббиёт асбоб-ускуналарининг жорий таъминоти, уларни таъмирлаш, профилактика ишлари, улардан самарали фойдаланишнинг, даволаш муассасалари-нинг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича техник-иқтисо-дий асослаш ишланмаларининг йиллик дастурини тасдиқлайди;

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган масала-ларни ўрганиб чиқиш ва тайёрлаш, Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етак-чи мутахассисларидан, Вазирлик таркибига кирувчи ташкилотларнинг масъул хо-димларидан бўлган экспертлар таркибини тасдиқлайди;

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иш тартиби ва регламентини белгилайди.

3.2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эгадир: масалалар сифатли ва мустақил тайёрланишини таъминлаш талабларидан ке-либ чиқиб экспертлар таркибига хорижий мутахассисларни жалб этиш;

соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантиришнинг тасдиқланган дастурига мувофиқ даволаш муассасаларини жиҳозлаш учун импорт бўйича тиббиёт асбоб-ускуналари харид қилишнинг техник-иқтисодий асосланишини тасдиқлашга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш; ўз ваколатлари доирасида барча соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш.

IV. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишини ташкил этиш

4.1. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4.2. Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири бошчилик қилади ва унинг раиси ҳисобланади.

4.3. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг раиси Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолиятига раҳбарлик қилади ва унга юкланган вазифалар бажарилиши учун жавоб беради.

4.4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси бўлмаганда унинг функцияларини ўринбосар бажаради.

4.5. Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқлилик ва коллегиялик принципларига асосланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлислари ўз ваколатига кирувчи масалалар тайёрланиши давомида, бироқ йил чорагида камида бир марта ўтказилади.

4.6. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарорлари мажлисда иштирок этган Кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

211 Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган (четдан келтириладиган) тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркалари учун ҳисоб-китобларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг

ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 ноябрь,
496-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 11 ноябрдаги 496-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиришлар

1. 8-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар томонидан акциз маркаларининг номинал қиймати бўйича сотиб олиш учун пул маблағлари «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Босма фабрикасининг тегишли банк ҳисоб рақамига ўтказилади»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ишлаб чиқариладиган акциз товарларини маркаланинг ва акциз солиғининг бюджетга келиб тушишининг Принципиал схемасида:

«Госзнак» сўзи «Давлат белгиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

I-босқичнинг «Ишлаб чиқарувчи» позициясидаги «бюджет даромадига» сўзлари «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Босма фабрикасининг банкдаги ҳисоб рақамига маблағлар ўтказиш йўли билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Импорт қилинадиган акциз товарларини маркаланинг ва бюджетга акциз солиғи келиб тушишининг Принципиал схемасида:

«Бош божхона бошқармаси» сўзлари «Давлат божхона қўмитаси» сўзлари билан ҳамда «Госзнак» сўзи «Давлат белгиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

I-босқичнинг «Импортчи» позицияси «Давлат белгиси» Босма фабрикасининг банкдаги ҳисоб рақамига маблағлар ўтказган ҳолда акциз маркаларнинг номинал қийматини тўлайди» сўзлари билан тўлдирилсин;

II-босқичнинг «Минтақавий божхона хизмати» позицияси «бюджет ҳисобига» сўзлари чиқариб ташлансин, «келиб тушгандан» сўзларидан кейин «ва импортчи томонидан акциз маркаларининг номинал қиймати тўлангандан» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

212 Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси:

икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда мазкур қарор кучга киргунга қадар берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин, лицензия битимларининг ушбу қарор билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 8 августдаги 346-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 8-сон, 29-модда) 8-бандининг биринчи хат бошидаги «туризм соҳасида лицензия бериш бўйича» сўзлари «туризм фаолиятини лицензиялаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 ноябрь,
497-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарорига
1-ИЛОВА

Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом туризм фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Туризм фаолиятига саёҳатлар, экскурсиялар ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этишга доир фаолият (туристик агентликлар, туроператорлар, сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа яшаш жойлари, туризмга ихтисослашган бошқа ташкилотлар) тегишли бўлади.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхта-

* 2-илова берилмайди.

тиш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади

«Ўзбектуризм» миллий компанияси Комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) функциясини бажаради.

4. Фақат юридик шахслар лицензия талабгорлари бўлиши мумкин.

5. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия берилади.

6. Туризм фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Куйидагилар туризм фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, туризм соҳасидаги халқаро стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси стандартларига мажбурий тарзда риоя қилиш;
юридик шахс штатида туризм соҳасида махсус маълумотга ёки туризм соҳасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган камида бир нафар ходим бўлиши;

юридик шахснинг бевосита саёҳатлар, экскурсияларни ташкил этиш ва улар билан боғлиқ хизматлар билан хизматлар кўрсатувчи ходимларининг камида 3 йилда бир марта малака оширишлари;

тегишли тарзда жиҳозланган ўз мулки бўлган ёки ижарага олинган хизмат бинолари мавжуд бўлиши;

энг кам ойлик иш ҳақининг камида 400 баравари миқдорида шакллантирилган устав фондига эга бўлиши;

кўрсатиладиган туризм хизматларига мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиши;

мижоз билан фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ шартнома (контракт) тузилгандан кейин туризм хизмати кўрсатиш;

чет элга чиқиш, келиш ва у ерда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари, туристик саёҳат вақтида ўзини тутиш хусусиятлари ҳамда ҳар бири аниқ мамлакатда бўлишнинг бошқа қоидалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ҳар бир туристга белгиланган тартибда етказиш;

мижозга лицензиат иш режими, унинг юридик манзили, лицензия, мажбурий тарзда сертификатланадиган хизматларга сертификатларнинг мавжудлиги, туризм фаолиятининг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумот бериш;

туристлар хавфсизлигини таъминлаш, жароҳат олганда, касалланиб қолганда ва бошқа ҳолларда тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг мавжуд бўлиши.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури

хамда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолдаги лицензия бериш тўғрисида ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан бинодан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек бинони моддий-техник жиҳатдан жиҳозлашнинг лицензияланадиган фаолият тури талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ишчи орган вакиллари томонидан текшириш далолатномаси;

шакллантирилган устав фонди миқдори тўғрисида банк маълумотномаси;

туризм соҳасида махсус маълумотга ёки иш стажига эга бўлган мутахассислар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки меҳнат дафтарчаси нусхаси, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ);

фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, паспорт маълумотлари, уй манзили, маълумоти, телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда раҳбар тўғрисидаги маълумотлар.

9. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади, йиғим ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

12. Туризм фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга киритади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

13. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

14. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

15. Туризм фаолиятига лицензиялар белгиланган шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак. Лицензиялар бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босма-хона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун ишчи орган раҳбари шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензияда Халқаро туризм ташкилотининг Туризмда фаолият турлари халқаро классификацияси стандартига мувофиқ рухсат берилган фаолият тури кўрсатилади.

16. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга киритади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари тақдоран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар лицензиат томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдо­рида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

24. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун масала киритиш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорда жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорда жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

31. Ишчи орган туризм фаолияти лицензиялари реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон ва факс рақамлари;
раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;
лицензиянинг амал қилиш муддати;
лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
дубликат бериш асослари ва санаси.

32. Туризм фаолияти лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида ишчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридида тўлов ундирилади, тўлов ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.


IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи

34. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридида давлат божи ундирилади.

35. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Туризм фаолиятини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

213 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарга концерт хизмати кўрсатишни ҳамда грампластинкалар, аудио-видеокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган низомлар кучга киргунгача берилган лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати ўтгунгача ҳақиқий ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада-қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 272-сон ва «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видеокассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 11 ноябрь,
498-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида
гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей
ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни
лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни (кейинги ўринларда концерт-томоша фаолияти турлари деб юритилади) лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Концерт-томоша фаолияти турларини лицензиялаш «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Концерт-томоша фаолияти турлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

4. Концерт-томоша фаолияти турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

5. Концерт-томоша фаолияти турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

6. Лицензия концерт-томоша фаолиятининг қуйидаги турларига берилади:

а) Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш:

якка ижрочи концерти (битта ижрочининг концерт дастури);

битта жанрнинг икки ёки ундан кўп ижрочиси иштирокидаги концерт дастури;
турли жанр йўналишларининг бир нечта ижрочилари иштирокидаги концерт дастури;

б) тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш (ресторанлар, хусусий уйлар, қаҳвахоналар ва барларда тўй, юбилей ва бошқа тантаналарга концерт хизмати кўрсатиш), шу жумладан кўнгилочар муассасаларда (клублар, дискотекалар, ресторанлар, барлар ва қаҳвахоналарда) концерт хизмати кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисидаги гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш ҳуқуқини ҳам беради.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар концерт-томоша фаолияти турларини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

рейтинг гуруҳларидан бири ижрочиларининг лицензияловчи орган томонидан тасдиқланадиган мезонларга ва малака талабларига мувофиқлиги;

лицензияловчи органга ўтказилган концерт-томоша тадбирлари сони тўғрисида лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакл бўйича ҳар чораклик ҳисоботлар тақдим этиш.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори — юридик шахс лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:
юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами; лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ва мазкур фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгори аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) ижрочида мусиқа маълумоти мавжудлигини, унинг давлат мукофотлари, мукофотлар, совринлар ва шу кабиларни олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳномалар, аттестатлар, дипломлар)нинг тасдиқланган нусхалари. Истисно ҳолларда (алоҳида иқтидор, талант яққол мавжуд бўлганда) Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи қарорига кўра лицензия олишга ҳужжатлар мусиқа маълумоти мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини тақдим қилмасдан қабул қилиниши мумкин.

д) лицензия талабгори томонидан тузилган ижрочилар репертуари тўғрисидаги маълумотнома;

е) лицензия талабгорининг малакаси тўғрисида янада яққолроқ тасаввурни шакллантириш мақсадида лицензия талабгори қўшимча равишда мустақил тақдим этишни хоҳлайдиган бошқа ҳужжатлар.

9. Лицензия талабгори — жисмоний шахс лицензия олиш учун лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:
фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга доир маълумотлар;

лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ва мазкур фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

б) лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгори аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) 4х6 катталиқдаги 2 дона фотосурат;

г) ижрочида мусиқа маълумоти мавжудлигини, унинг давлат мукофотлари, мукофотлар, совринлар ва шу кабиларни олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳномалар, аттестатлар, дипломлар)нинг нотариал тасдиқланган нусхалари. Истисно ҳолларда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи қарорига кўра

лицензия олишга ҳужжатлар мусиқа маълумоти мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини тақдим қилмасдан қабул қилиниши мумкин.

д) лицензия талабгори томонидан тузилган ижрочилар репертуари тўғрисидаги маълумотнома;

е) лицензия талабгорининг малакаси тўғрисида янада яққолроқ тасаввурни шакллантириш мақсадида лицензия талабгори қўшимча равишда мустақил тақдим этишни хоҳлайдиган бошқа ҳужжатлар.

10. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризаچига юборилади (топширилади).

12. Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиққанлик учун йиғим суммаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузурида ташкил этилган Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

14. Концерт-томоша фаолияти турларини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

15. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

16. Лицензиялар бериш (муддатини узайтириш) тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар бўйича хулосалар тайёрлаш Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи томонидан амалга оширилади. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи мажлислари ўн беш кунда камида бир марта ўтказилади.

Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси улар қабул қилиб олинган кунда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳига кўриб чиқиш учун киритилади.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи тақдим этилган ҳужжатларни ўн кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани тайёрлайди. Хулоса Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи мажлиси протоколи билан тасдиқланади.

17. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи лицензия талабгорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида ижрочиларнинг малака (касб) сифатларини баҳолайди ва уларни лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган мезонларга ва малака талабларига мувофиқ муайян (биринчидан тўртинчигача) рейтинг гуруҳларига киритади.

Рейтингнинг тўртинчи гуруҳи берилган тақдирда ижрочи фаолиятининг биринчи йилида бошланғич ставка бўйича давлат божи тўланади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан ариза берилган тақдирда илгари рейтингнинг тўртинчи гуруҳини олган ижрочи Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи томонидан белгиланган тартибда ё рейтингнинг учинчи гуруҳи берилиши, ёхуд тегишли давлат божи тўлатилган ҳолда рейтингнинг тўртинчи гуруҳи тасдиқланиши, ёхуд у малака талабларига мувофиқ бўлмаганда унинг бундан буён концерт-томоша фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқи рад этилиши мумкин.

18. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи томонидан вокалчи-солистга ва унинг ансамбли аъзоларига ҳар бирининг малакаси ва касб маҳорати даражасига қараб рейтингнинг турли гуруҳлари берилиши мумкин.

Академик ва халқ бадийи жамоалари томонидан концерт-томоша фаолияти турлари амалга оширилганда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи томонидан умуман жамоа ва солист учун рейтинг гуруҳи берилиши, шунингдек лицензия бериш учун давлат божи ставкалари алоҳида кўриб чиқиши мумкин.

19. Лицензияловчи орган беш кун муддатда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи ҳулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилинган тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади (тақдим этилади).

20. Лицензияловчи орган билан лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битимида қуйдагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган концерт-томоша фаолияти тури (турлари)нинг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

21. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкаси намунаси лицензияловчи орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензияловчи орган раҳбари лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

22. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

23. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (харакатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

24. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

25. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда такроран кўриб чиқилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳига кўриб чиқиш учун улар қабул қилиб олинган кунда тақдим этилади.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ошмайдиган муддатда қайта кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган тўрт кун муддатда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

26. Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

27. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий

вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки турар жойи ўзгарган тақдирда лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза бериши шарт.

28. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолият илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

29. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

30. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

31. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

32. Лицензиат томонидан лицензия шартлари ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш лицензияловчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

34. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

35. Лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд томонидан лицензияловчи органнинг қарори асоссиз деб эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унинг кўрган зарари миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

36. Лицензияловчи орган концерт-томоша фаолиятининг ҳар бир турига алоҳида лицензиялар реестри юритади.

Лицензиялар реестрида лицензиатлар тўғрисида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

юридик шахслар учун — юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахслар учун — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспортига оид маълумотлар, уй манзили, телефони;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

37. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ҳақ тўлаган ҳолда муайян лицензиатлар тўғрисидаги маълумотларни лицензияловчи органда лицензиялар реестридан кўчирма тарзида олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридаги тўлов Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлашти-

риш кенгаши ҳузурида ташкил этилган Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текин берилади.

**IX. Давлат божи тўлаш тартиби. Лицензиялашдан тушган
маблағлардан фойдаланиш тартиби**

38. Лицензия бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун давлат божи ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун давлат божи миқдори ҳар қайси лицензия талабгори учун у амалга оширадиган концерт-томоша фаолияти турига ва унга берилган рейтинг гуруҳига қараб белгиланади.

39. Давлат божи лицензия талабгори томонидан Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг депозит ҳисоб рақамига тўланади.

Давлат божи лицензия берилган муддат мобайнида бир йўла ва чораклар бўйича тўланиши мумкин.

40. Лицензия талабгорлари ва лицензиатлар аризаларини кўриб чиқишдан тушган маблағлар лицензияловчи орган томонидан лицензиялашни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

41. Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан:

эстрада фаолиятини ривожлантиришда;

ёш ижрочиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда;


муסיқа танловлари, фестиваллар ўтказишда ва уларнинг ғолибларига мукофотлар беришда;

умумдавлат тадбирлари ва бошқа байрам тадбирларини ўтказишда;

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни
ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш
фаолиятини лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳарининг грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш комиссиялари (кейинги ўринларда Комиссиялар деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Комиссияларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари бошчилик қилади. Комиссиялар таркиблари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Комиссияларнинг ишчи органи функциясини Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармалари (кейинги ўринларда ишчи органлар деб юритилади) бажарадилар.

3. Ишчи орган лицензиялар бериш (уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисидаги аризани тегишли ҳужжатлар билан бирга қабул қилади, улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензияларни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришни амалга оширади, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди.

4. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

5. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилиши мумкин.

6. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия камида 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш,

ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолияти турларини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қўйидагилар киради:

а) грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва ёзиш бўйича:

қонун ҳужжатларига, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларнинг техник сифатига қўйиладиган норматив-техник талабларга мажбурий риоя қилиш;

грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш ва ёзиш учун зарур бўлган тегишли моддий-техник базанинг, асбоб-ускуналарнинг ва бошқа техник воситаларнинг мавжудлиги;

б) грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни кўпайтириш бўйича:

қонун ҳужжатларига, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларнинг техник сифатига қўйиладиган норматив-техник талабларга, шунингдек уларни безаш талабларига мажбурий риоя қилиш;

лицензиатнинг ёхуд буюртмачининг грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни кўпайтиришга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг, импорт аудиомаҳсулотларни кўпайтиришда эса, шунингдек уларни импорт қилиш учун белгиланган тартибда олинган рухсатномаларнинг мавжудлиги;

лицензиат томонидан маҳсулотлар номи, мазкур маҳсулот таркибига кирган асарлар номини, тайёрланган нусхалар сонини кўрсатган ҳолда грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларнинг тайёрланган нусхалари ҳисоби, шунингдек лицензиат ёхуд кўпайтириш буюрмачисининг кўпайтиришга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисоби юритилиши;

лицензиат томонидан ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, улар тўғрисида лицензияловчи органга ахборот тақдим этган ҳолда, бинолар ва хоналарда грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни кўпайтириш бўйича ишлаб чиқариш фаолияти амалга оширилиши;

лицензиат томонидан стандартлар талабларига мувофиқ бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни кўпайтириш бўйича ишлаб чиқариш фаолияти амалга оширилиши;

в) грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни сотиш бўйича:

қонун ҳужжатларига, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларнинг техник сифатига қўйиладиган норматив-техник талабларга мажбурий риоя қилиш;

лицензиат томонидан ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган бинолар ва хоналарда грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни сотиш фаолияти амалга оширилиши;

грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланган ҳолда турғун савдо шохобчалари орқали чакана сотиш;

импорт аудиомаҳсулотларни, уларни импорт қилишга белгиланган тартибда олинган рухсатномалар мавжуд бўлганда сотиш.

8. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 7-бандида қайд этилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:
юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасидаги ҳисоб рақами – юридик шахс учун;
фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва мазкур фаолият тури амалга ошириладиган муддат;
- б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- в) ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Лицензия талабгори томонидан ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидагилар тақдим этилади:

а) грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш ва ёзиш фаолиятини амалга ошириш учун мавжуд моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа техник воситалар тўғрисидаги маълумотлар;

б) грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни кўпайтириш фаолиятини амалга ошириш учун:

лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган бино ва хоналарга мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат;

ёнгин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бино ва хоналарнинг ёнгин хавфсизлиги ҳамда санитария ва гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар тўғрисидаги маълумотлар;

в) грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни сотиш фаолиятини амалга ошириш учун:

лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган бино ва хоналарга мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат;

ёнгин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бино ва хоналарнинг ёнгин хавфсизлиги ҳамда санитария ва гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

касса апаратининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат — грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни нақд пулга чакана сотишни мўлжаллаётган лицензия талабгорлари учун.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи органнинг маъсул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон

Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиққанлик учун йиғим суммаси ишчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

14. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензияни бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб беш кундан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин ўн кундан ошмайдиган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия қабул қилинган қарор протоколини комиссия (унинг ўринбосари) тасдиқлайди. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

15. Ишчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади (тақдим этилади).

Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият аниқ турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишининг ишчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тас-

диқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда такроран кўриб чиқилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин тўрт кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин олти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия қабул қилган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Ишчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия шартлари ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш ишчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолият лицензиясиз амалга оширилишининг аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш учун солиқ органларига белгиланган тартибда юбориш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

30. Лицензияловчи орган томонидан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензия амал қилишининг тўхтатиб турилиши суд томонидан асоссиз деб эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида унинг кўрган зарари миқдоридан жавоб беради.

31. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилишлари аниқланган ҳолларда Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш кенгаши лицензияловчи органларга лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

VIII. Лицензиялар реестри

32. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони; лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами; лицензияларнинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

33. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ҳақ тўлаган ҳолда муайян лицензиатлар тўғрисидаги маълумотларни ишчи органда лицензиялар реестридан кўчирма тарзида олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридан тўлов ишчи органнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби


34. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга оширишга лицензиялар бериш ва уларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун тўлов кунда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан давлат божи ундирилади.

Лицензиялар бериш учун давлат божи маблағлари республика бюджети даромадига ўтказилади.

Ишчи орган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига лицензиатлар реестрини ҳамда йиғимлар ва давлат божи ундиришдан маблағлар тушиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чоракда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай тақдим этади.

Грампластинкалар, аудиокассета­лар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Грампластинкалар, аудиокассета­лар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Эстрада-қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш
тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 272-сон ва «Гастроль-концерт
фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видеокассеталарни
тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада-қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 272-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 32-модда):

1. 4-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензияловчи орган ҳисобланади»;

иккинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

2. 6-банднинг иккинчи хатбошидаги иккинчи гап қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур гуруҳ хулосаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан лицензиялар берилиши учун асос ҳисобланади».

3. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисидаги низомнинг (қарорга 2-илова) 5.6-бандидаги «тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарда бадиий хизмат кўрсатиш (концерт қўйиш)» сўзлари «тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тўғрисидаги низомда (қарорга 4-илова):

2.2-банднинг еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарга концерт хизмати кўрсатиш ҳуқуқи учун Ижодий қўмаклашиш вакиллари гуруҳи хулосалари асосида лицензиялар бериш»;

3.1-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензиялашни амалга оширади».

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видеокассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 36-модда):

1. 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «гастроль-концерт» сўзлари «концерт-томоша» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3 ва 4-бандлар, шунингдек 1 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорига
2-ИЛОВА

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи ставкалари

Т/р	Фаолият турлари	Жисмоний ва юридик шахслар учун (бир жисмоний шахс ҳисобига) йиллик бож миқдори, энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидагича баравари миқдорида рейтинг гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
		1.	Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш: якка ижрочи концерти (битта ижрочининг концерт дастури); битта жанрнинг икки ёки ундан кўп ижрочиси иштирокидаги концерт дастури;	150	75
2.	Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш: ресторанлар, қаҳвахоналар, барлар ва хусусий уйларда юбилей тантаналарига хизмат кўрсатиш; ресторанлар, хусусий уйлар, қаҳвахоналар ва барларда, тўйларда (никоҳни қайд этиш, ош бериш, кечқурунги никоҳ тўйи, «келин салом», «чарлар», «суннат тўйи» тадбирларига) хизмат кўрсатиш; хордиқ чиқариш муассасалари, клублар, дискотекалар, ресторанлар, барлар ва қаҳвахоналарда хизмат кўрсатиш.	100	50	25	15

Изоҳ. Рейтингни IV гуруҳига киритилган, фаолиятини бошлаётган ижодий жамоалар ва ижрочилар томонидан гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда бож улар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб биринчи йилда бошланғич ставка бўйича тўланади.

Давлат божи миқдорлари (чораклар бўйича бўлиб-бўлиб тўланганда — давлат божининг тегишли қисми) тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

214 Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 12 ноябрь,
503-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 ноябрдаги 503-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхта-тиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

* 2-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги қимматбаҳо металллар агентлиги Комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) функциясини бажаради.

3. Ишчи орган тегишли ҳужжатлар билан лицензия бериш (амал қилиш муддати узайтириш) тўғрисидаги аризаларни қабул қилади, улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензияларни расмийлаштиради ва қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди.

4. Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

5. Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилади.

6. Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, қимматбаҳо металллар ва тошларнинг, таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмларнинг муомалада бўлишига оид норматив-техник ва бошқа талабларга мажбурий тарзда риоя қилиш;

қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлашни тартибга солишга доир норматив-техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур ва белгиланган талабларга мувофиқ бўлган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши;

белгиланган талабларга мувофиқ хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни, қимматбаҳо металллар ва тошлар чиқиндилари ҳамда парчаларини ҳисобга олиш ва уларни сақлашнинг таъминланиши;

юридик шахс штатида қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш соҳасида махсус маълумотга ёки ушбу соҳада камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган камида бир нафар ходим бўлиши;

жисмоний шахснинг қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш соҳасида махсус маълумотга ёки ушбу соҳада камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операцияларни амалга оширишга берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг мавжуд бўлиши.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандда кўрсатиб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан аниқ талаблар ва шартлар назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга оид маълумотлар;

лицензияланадиган фаолият тури ва кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

б) қуйидагилар:

юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

жисмоний шахс учун — яққа тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия талабгори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

д) лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган бинолар ва хоналарга мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат;

е) мавжуд бино ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги қодалари, санитария-гигиена ва экология нормаларига мувофиқлиги тўғрисида ёнғиндан сақлаш ва санитария-эпидемиология органлари ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг хулосалари.

10. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида тўлов кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорда йиғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

13. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга киритади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

14. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун ишчи орган раҳбари белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

17. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи

ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун Комиссияга киритади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин тўрт кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари тақдоран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ўзгарган тақдирда лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

22. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

23. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

24. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

25. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолият лицензиясиз амалга оширилишининг аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш учун солиқ органларига белгиланган тартибда юбориш.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турла-

рини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

32. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда куйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, телефон рақами;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

33. Туризм фаолияти лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида ишчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

34. Лицензиялар реестридан маълумот бериш муддати тегишли ариза берил-

ган кундан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак (маълумот берилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этилган тақдирда).


IX. Давлат божини тўлаш тартиби

35. Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида тўлов кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Лицензия берилганлиги учун давлат божи маблағлари республика бюджети даромадига ўтказилади.

Кимматбао металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Кимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

215 Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги икки ҳафта муддатда Лицензиялар бериш тўғрисида хулосалар тайёрлаш бўйича эксперт комиссия таркибини ва Комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 12 ноябрь,
504-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 12 ноябрдаги 504-сон қарорига
ИЛОВА

Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Лицензиялар умуман энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказишга ёхуд уларнинг қуйидаги:

ёқилғи (суюқ, қаттиқ ва газсимон ёқилғи)дан фойдаланишнинг энергия самардорлигини баҳолаш;

иссиқлик энергиясидан фойдаланишнинг энергия самардорлигини баҳолаш;

электр энергиясидан фойдаланишнинг энергия самардорлигини баҳолаш;

ишлаётган, янги ишга туширилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларда энергия таъминоти лойиҳалари ва схемаларининг, энергия ишлаб чиқарувчи ва энергия истеъмол қилувчи асбоб-ускуналарнинг хавфсизлиги ва энергия самардорлиги соҳасидаги энергетика экспертизаси қисмларига берилади.

2. Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Юридик шахслар лицензия талабгори бўлиши мумкин.

4. Юридик шахсларнинг энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилади.

5. Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қуйидагилар энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказишдаги лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиат томонидан қонун ҳужжатларига, шу жумладан техника хавфсизлиги ва ёнғиндан сақлаш хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, электр, иссиқлик энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларига, электр, иссиқлик энергияси ва газни ҳисобга олиш қоидаларига ҳамда энергетика соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мажбурий риоя этилиши;

зарур норматив-техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

фаолиятнинг ушбу турини амалга ошириш учун махсус билимларга эга бўлган етарлича малакали кадрларнинг мавжудлиги;

«Ўзстандарт» агентлиги органларида аттестациядан ўтказилган, аниқликнинг тегишли классдаги ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус ўлчов приборлари билан жиҳозланганлиги;

текшириладиган объектнинг энергия-технология оқимини ҳисобга олган ҳолда тузилган техник топшириқлар талабларига ҳамда фаолиятнинг талабгор бўлинаётган қисми бўйича энергетика текширувларини ўтказиш бўйича методикага риоя этиш;

энергетика ва техника хавфсизлиги соҳасидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда тузилган текшириладиган объектларнинг энергетика кўрсаткичларини асбоблар билан баҳолаш методикасига риоя этиш.

7. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 6-бандида санаб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами; юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг қисми) ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгори аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгорининг методика, кадрлар, прибор билан таъминланганлигини, ходимларнинг лицензия олишга қўйиладиган малака бўйича талаблар ва шартларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ушбу Низомга 2-илова).

9. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бевосита ёхуд почта алоқаси воситаси орқали етказилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи орган масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

11. Лицензия талабгори нотўғри ёки сохта маълумотлар тақдим этилгани учун қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан йиғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечганда тўланган йиғим қайтарилмайди.

13. Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор унинг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

14. Лицензия бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар юзасидан эксперт хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссия ташкил этилади. Эксперт комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Бунда эксперт комиссия таркибига мажбурий тарзда тегишли ихтисослик мутахассислари киритилади.

Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризаси улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссия хулосаси асосида беш кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун лицензияловчи орган эксперт комиссия илтимосномасига кўра ўз маблағлари ҳисобига:

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия талабгоридан мавжуд шартларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

15. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган фаолият турининг (унинг бир қисмининг) номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

лицензиат ва лицензияловчи органнинг мажбуриятлари;

лицензияловчи органга бериладиган материаллар, ҳужжатлар рўйхати ва уларни тақдим этиш муддатлари.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкалари намунаси лицензияловчи орган томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмахона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун лицензияловчи орган раҳбари шахсан жавоб беради.

Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин икки кун муддатда берилади.

16. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган

сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда қайта тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.

Эксперт комиссия олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни қайта кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт комиссия хулосаси асосида тўрт кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришно-мада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

19. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

20. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

21. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

22. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

23. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

24. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

25. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

27. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ва тўхтатилиши, унинг бекор қилиниши асосиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

28. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда қуйидагилар кўрсатилади:

юрidik шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақамлари;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиянинг умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

29. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади ҳамда уч кун муддатда аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида ёзма сўровга ва сўров учун ҳақ тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат тақдим этилишига кўра бериллади.

Лицензиялар реестридан бир лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин бериллади.


IX. Лицензия берилганлиги учун давлат божи

30. Лицензия берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

31. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ

т/р	Методик ҳужжатнинг, амал қилинувчи норматив ҳужжатлар номи, лицензия талабгори тасарруфидаги фаолиятнинг тегишли тури учун қоида ва нормалар	Ҳужжатнинг қўлланиш соҳаси	Методик ҳужжатни тайёрловчи	Методик ҳужжатни тасдиқлаган органнинг номи
1	2	3	4	5

МАЛАКА БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Лавозими	Маълумоти	Ўқув юрти	Дипломнинг тартиб рақами ва берилган санаси	Ихтисоси	Асосий ихтисослашув бўйича иш стажи
1	2	3	4	5	6	7	8

МАХСУС ПРИБОРЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАНЛИК

т/р	Приборнинг номи ва маркаси	Нима мақсадда ишлатилиши	Аниқлик классификацияси	Ишлаб чиқарган фирма	«Ўзстандарт» агентлигида охириги текширув санаси	Ўзиники	Ижарага олинган
1	2	3	4	5	6	7	8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

216 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Меҳнат миграцияси масалалари бўйича давлатлараро ҳамкорликнинг ўсиб бораётган кўламларини, Ўзбекистон фуқароларини ишга жойлаштириш учун иш ўринлари бериш хоҳишини билдирган мамлакатлар ва чет эл компаниялари сони кўпайганлигини ҳисобга олиб, шунингдек республика фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизимини ва унинг механизмни тартибга солиш, фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш Ҳукумат қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ходимларнинг умумий чекланган сони 39 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 28 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга ишга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиш бўйича Идоралараро комиссиянинг янгиланган таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент, Фарғона, Қарши ва Нукус шаҳарларида Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар ташкил этилсин.

Белгилансинки, Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган давлат корхоналари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бевосита бўйсунди.

Қуйидагилар минтақавий Бюроларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элларда ишга жойлашишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

чет элларга ишга жўнатиш учун хорижий иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлаш;

чет элларда ишга жойлашишни расмийлаштириш учун зарур бўлган чиқиш

* 4-илова берилмайди.

хужжатларини расмийлаштиришда, шу жумладан виза олишда ва бошқа хужжатларни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам бериш.

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклансин.

3. Қуйидагилар:

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюронинг намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюро тўғрисидаги намунавий низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳузурида хўжалик ҳисобидаги Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар билан тузилган шартномалар бўйича фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш;

чет элларга ишга кетаётган фуқароларга бориладиган мамлакатнинг асосий қонун ҳужжатлари, анъаналари ва ҳулқ-атвор нормалари тўғрисида маълумот бериш;

бориладиган мамлакат тилини муомала қилиш ва меҳнат функцияларини бажариш, контракт бўйича ишга жойлашадиган ишлаб чиқаришларда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини билиш даражасида ўқитиш;

чет элларга ишлаш учун жўнатилаётган фуқароларнинг соғлиги ҳолатини хорижий иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли тиббий муассасаларини жалб этиб комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратсин;

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар ишининг пухта ташкил этилишини таъминласин, улар фаолияти устидан назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда меҳнат миграцияси соҳасида давлатлараро ва идоралараро битимлар лойиҳаларини тайёрлаш, фуқароларнинг устун даражада иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишга жойлашиши кўламларини кенгайтириш ишларини фаоллаштирсин;

йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашиши ва ташқи меҳнат миграциясини ривожлантириш бўйича ахборот берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган республика фуқаролари учун чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларга кўмаклашсин;

* 4-илова берилмайди.

жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда фуқароларнинг чет эллардаги яширин меҳнат миграциясига оид профилактика ва олдини олиш ишларини кучайтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари ва консулликлари меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга келган фуқароларни мажбурий равишда консулик ҳисобига қўйсин, шунингдек уларга ҳар томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатсин ва уларни ҳимоя қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин, шунингдек уларнинг баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 12 ноябрь,
505-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига татбиқ этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Фуқароларнинг хусусий контрактлар бўйича чет элларда меҳнат фаолияти-

ни амалга ошириш билан боғлиқ чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белгиланган шаклга мувофиқ бериладиган рухсатномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан рухсатнома берилгандан кейин фуқаролар чиқишни расмийлаштириш учун яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг келиш, кетиш ва фуқаролик бошқармаси бўлинмасига ариза берадилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг хусусий меҳнат контрактига эга бўлган фуқаролари чет элларда ижтимоий муҳофазаланишни таъминлаш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этадилар:

ариза;

хорижий фирмдан (иш берувчидан) олинган давлат тилига таржима қилинган, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кўрсатилган, шунингдек меҳнат визаси (EMPLOYMENT VIZA) билан таъминлаш борасида иш берувчининг мажбурияти назарда тутилган ҳолда нотариал тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан легализация қилинган контракт нусхаси;

иш берувчи тўғрисидаги қисқа маълумотлар;

маълумотнома-холиснома;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли шаклдаги соғлигининг ҳолати тўғрисида маълумотнома.

5. Рухсатнома бланкасида рухсатномани берган органнинг номи, унинг юридик манзили, рўйхатдан ўтказиш рақами, рухсатнома берилган мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг фуқаролиги, фаолият тури, рухсатнома амал қиладиган ҳудуд, амал қилиш муддати, узайтириш вақти кўрсатилади. Рухсатнома Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ваколатли раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

6. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг рухсатномаси билан меҳнат контракт асосида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ишга жойлашиш мамлакатида Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида ҳисобда туриши шарт. Республиканинг вакиллик органлари бўлмаган тақдирда ўзбекистонлик фуқаролар МДХ мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан вакил қилинган консуллик органларида рўйхатдан ўтиши керак.

7. Фуқароларга чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга ишга жўнатиш учун номзодларни танлаш бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорлари асосида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилади.

8. Чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома берилишининг асосли рад этилиши ариза берувчига рухсатнома бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда ёзма равишда юборилади.

9. Рухсатнома меҳнат контракт муқаддасига берилади. Ариза берувчининг илтимосига кўра мазкур контракт узайтирилган тақдирда рухсатноманинг амал қилиш муддати белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиши мумкин.

10. Рухсатнома берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун белгиланган тартибда тўлов ундирилади. Мазкур тўлов рухсатнома бериш

бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга сарфланади.

11. Рухсатнома олишнинг мазкур Низомда белгиланган мажбурий тартиби Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига нисбатан қўлланилмайди:

а) Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ва консуллик муассасалари ходимлари;


б) олий касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳукуматларо дастурлари доирасида таътил даврида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар;

в) Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мухбирлари ва журналистлари;

г) хорижий олий касб-ҳунар таълими муассасаларида маърузалар курси ўқиш ва бошқа ишлар учун таклиф этилган лекторлар ва инструкторлар;

д) Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан тузган давлатлараро битимларида ишга жойлашишнинг улар учун ўзгача тартиби белгиланган шахслар, шунингдек Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар томонидан хорижий ташкилотлар билан тузилган идоралараро шартномалар (битимлар) бўйича ишга кетаётган шахслар.

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони 39 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари 28 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга асосланган меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиб боришга доир фаолиятни республиканинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруқларига ҳамда ҳайъати қарорларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Агентлик мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, валюта ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат ва инглиз тилларида ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Агентликнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

4. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ишга жойлаштириш, чет элларда ишга жойлаштиришга номзодлар билан дастлабки кўникув тадбирларини ўтказиш йўли билан уларга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳужалик ҳисобидаги минтақавий бюролар, шунингдек Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўникитириш ва ўқитиш маркази фаолиятини мувофиқлаштириш;

хорижий ишчи кучларини ёлловчи чет эл фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиши бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорларига мувофиқ рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш);

юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари таклифларига мувофиқ ҳамда ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари таҳлилини, аҳоли меҳнат миграциясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли ва ўртача муддатли прогнозларини ҳисобга олган ҳолда хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудда меҳнат фаолиятига тасдиқномалар бериш.

5. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш масаласи бўйича ўз ваколати доирасида музокаралар олиб боради, хорижий ҳамкорлар билан тузиладиган шартномалар, битимлар ва протоколлар лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни имзолайди;

тегишли қарорларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан Ўзбекистон фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномалари, битимлари ва протоколларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда белгиланган тартибда берилган рухсатномалар (тасдиқномалар) асосида ишлаётган хорижий фуқароларни ҳисобга олади;

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти ҳуқуқини берувчи тасдиқномага эга бўлган хорижий фуқаролар томонидан республика ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ чет элга ишлаш учун жўнаб кетаётган фуқароларни ишга жойлашиладиган мамлакатда бўлиш хусусиятлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида хабардор қилади, уларнинг малака оширишига ва ҳўжалик ҳисоби асосида хорижий тилни ўрганишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали, белгиланган тартибда чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолияти мониторингини амалга оширади;

чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлайди;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органлари билан биргаликда чет элларга ишга юборилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанга қайтгандан кейин ишга жойлаштирилишини ташкил этади;

чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради;

хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганади, хорижий иш берувчиларни қидиради ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш тўғрисида битимлар тузади;

чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотларни хорижий иш берувчилар ўртасида, шу жумладан «Интернет» тармоқлари орқали тарқатади.

6. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тузилган контрактларга мувофиқ чет элда ишлаш учун кадрларни танлаш, уларни касб бўйича лаёқатликни аниқлаш учун тест синовидан ўтказиш, уларга бориладиган мамлакатларнинг асосий қонунларини ўргатиш;

меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида хорижий ҳамкорлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ чет элга ишлашга жўнатиладиган номзодлар тўғрисида маълумотлар олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва ваколатли органларга мурожаат қилиш;

дастлабки танловдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан хорижий ҳамкорлар билан тузилган битимлар (шартномалар)ни ҳисобга олган ҳолда уларни чет элларда ишга жойлаштириш юзасидан хизматлар кўрсатишга шартномалар тузиш;

мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу юридик шахслар билан тузилган меҳнат шартнома (контракт)лари бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хорижий фуқаролар тўғрисида маълумотлар олиш;

хорижий ишчи кучларини ёлловчи ва бундай ёллашга кўмаклашувчи хорижий компаниялар (фирмалар) билан ўз ваколати доирасида бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарурат бўлганда, ушбу Низомда назарда тутилган айрим функцияларни амалга ошириш учун ўқитувчиларни, вазирликлар ва идораларнинг мутахассисларини ва бошқа фуқароларни шартномалар (контрактлар) бўйича жалб этиш;

кам таъминланган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга боришга тайёргарлик кўриши ва уларнинг жўнатилиши билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш, ушбу харажатлар кейинчалик қайтарилади;

молия-хўжалик фаолиятдан олинган фойданинг 15 фоизини ажратиш ҳисобига Агентликни ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этиш.

III. Агентликнинг мол-мулки

7. Агентликнинг мол-мулки асосий фондлардан ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати мустақил балансда акс этирилган бошқа бойликлардан иборат бўлади.

8. Агентликнинг мол-мулки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ унга тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи билан тегишли бўлади.

IV. Агентликка раҳбарлик қилиш

9. Агентликни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳо-

фаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Агентлик бошлиғи бошқаради.

Агентлик бошлиғи:

Агентликнинг жорий фаолиятини ташкил қилади ва юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

Агентлик ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар олдида Агентлик манфаатларини ифодалайди;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда штат жадвалини, Агентлик аппарати таъминоти харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар ҳамда юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишга жойлашиш учун хорижий фуқароларнинг меҳнат фаолиятига тасдиқномалар беради (уларнинг амал қилиш муддатини узайтиради).

Агентликка юкланган вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

10. Агентлик бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосари бўлади.

11. Агентлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари Агентлик бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Агентликнинг хўжалик фаолияти

12. Солиқлар ҳамда давлат бюджетига, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойда (даромад) Агентлик молиявий фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади ҳамда ундан Агентликни ривожлантиришда фойдаланилади.

13. Қуйидагилар Агентликнинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан олинган фойда (даромад);

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятига рухсатномалар расмийлаштирилганлиги, юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар берилганлиги (амал қилиш муддати узайтирилганлиги), шунингдек хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда ишга жойлашиш учун меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилганлиги (амал қилиш муддати узайтирилганлиги) учун тўлов ҳисобига олинган маблағлар;

хусусий контрактлар бўйича чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов ундиришдан олинган даромад;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Агентлик пул маблағларини сақлаш ҳамда республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаган барча турдаги ҳисоб-китоб ва касса операцияларини амалга ошириш учун

тижорат банкларида ҳисоб рақамлари, валюта ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамларини очиш ҳуқуқига эгадир.

14. Агентлик вазифалар ва функцияларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

15. Хўжалик фаолиятдан олинган валюта тушуми қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланади, Агентликнинг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади ва ундан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда фойдаланилади.

16. Агентлик ўз ишларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи юритади.

VI. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш

17. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. Агентликнинг юридик манзили

18. Агентлик қуйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 31-уй.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорига
6-ИЛОВА

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюро тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюро (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли давлат корхонаси ҳисобланади.

Бюро Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга асосланган фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш жараёнларини тартибга солиб боришга доир фаолиятни республиканинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

2. Бюро ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруқларига ҳамда хайъати қарорларига, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг қарорларига, шунингдек ушбу Намунавий низомга амал қилади.

3. Бюро мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, валюта ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат ва инглиз тилларида ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Бюронинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

4. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда ишга жойлашишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

хорижий ишчи кучларини ёлловчи хорижий иш берувчилар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

хорижий иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ишчи кучини экспорт қилишга ажратиладиган квоталарни олиш ва реализация қилиш;

чет элда ишга жўнатиш учун хорижий иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлаш;

чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шу жумладан виза ва чет элда ишга жойлашишни расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни олишда ёрдам бериш.

5. Бюро ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

тегишли қарорларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан Ўзбекистон фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномалари, битимлари ва протоколлари ва бошқа ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини амалга оширади;

фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш масаласи бўйича ўз ваколати доирасида музокаралар олиб боради ва хорижий ҳамкорлар билан идоралараро шартномалар, битимлар ва протоколлар тузади;

ишлаш учун чет элга бораётган фуқароларни меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик дастурлари ва тузилган шартномалар, ишга жойлашиладиган мамлакатда бўлиш шарт-шароитлари ва хусусиятлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида хабардор қилади;

чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлайди;

чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи минтақа фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига зарур маълумотлар ва материалларни тақдим этади;

чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотларни хорижий иш берувчилар ўртасида, шу жумладан «Интернет» тармоқлари орқали тарқатади.

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органлари билан биргаликда чет элларга ишга юборилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанга қайтгандан кейин ишга жойлаштирилишини ташкил этади.

6. Бюро қуйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида хорижий ҳамкорлар би-

лан тузилган шартномаларга мувофиқ чет элга ишлашга жўнатиладиган номзодлар тўғрисида маълумотлар олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва ваколатли органларга мурожаат қилиш;

тузилган шартномаларга мувофиқ белгиланган талаблар ва қоидаларга биноан чет элда ишлаш учун фуқароларни танлаш;

дастлабки танловдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан хорижий ҳамкорлар билан тузилган битимлар (шартномалар)ни ҳисобга олган ҳолда уларни чет элларда ишга жойлаштириш юзасидан хизматлар кўрсатишга шартномалар тузиш;

хорижий ишчи кучларини ёлловчи ва бундай ёллашга кўмаклашувчи хорижий компаниялар (фирмалар) билан ўз ваколати доирасида бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарурат бўлганда, ушбу Намунавий низомда назарда тутилган айрим функцияларни амалга ошириш учун мутахассисларини ва бошқа фуқароларни шартномалар (контрактлар) бўйича жалб этиш;

кам таъминланган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга боришга тайёргарлик кўриши ва уларнинг жўнатилиши билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш, ушбу харажатлар кейинчалик қайтарилади.

III. Бюронинг мол-мулки

7. Бюронинг мол-мулки асосий фондлардан ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати мустақил балансда акс эттирилган бошқа бойликлардан иборат бўлади.

8. Бюронинг мол-мулки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ унга тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи билан тегишли бўлади.

IV. Бюрога раҳбарлик қилиш

9. Бюрога Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошчилик қилади.

Бюро директори:

Бюронинг жорий фаолиятини ташкил қилади ва Бюрога юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

Бюро ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар олдида Бюро манфаатларини ифодалайди;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда штат жадвалини, Бюро аппарати таъминоти харажатлари сметасини тасдиқлайди;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ буйруқлар беради ва фармойишлар чиқаради.

10. Бюро бошлигининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосари бўлади.

11. Таркибий бўлинмалари раҳбарлари Бюро директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бюронинг хўжалик фаолияти

12. Солиқлар ҳамда давлат бюджетига, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойда (даромад) Бюро молиявий фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади ҳамда ундан Бюрони ривожлантиришда фойдаланилади.

13. Қуйидагилар Бюронинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан олинган фойда (даромад);

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга боришга тайёрлашда фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов ундиришдан олинган даромад;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Бюро пул маблағларини сақлаш ҳамда республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаган барча турдаги ҳисоб-китоб ва касса операцияларини амалга ошириш учун тижорат банкларида ҳисоб рақамлари, валюта ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамларини очиш ҳуқуқига эгадир.

14. Бюро вазифалар ва функцияларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

15. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Бюронинг валюта ҳисоб рақамига ўтказилган валюта тушумидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда фойдаланилади.

16. Бюро ўз ишларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи юритади.

VI. Бюрони қайта ташкил этиш ва тугатиш

17. Бюрони қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилаётган, шунингдек ўз кучини йўқотаётган қарорлари рўйхати**I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги касб фаолияти тўғрисида» 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда; 2000 й., 10-сон, 68-модда; 2001 й., 4-сон, 21-модда):

а) қарорнинг номида ва 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «касб» сўзи «меҳнат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

«2. Белгилаб қўйилсинки, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятига рухсатномалар расмийлаштирилганлиги, юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар берилганлиги (амал қилиш муддати узайтирилганлиги), шунингдек хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда ишга жойлашиш учун меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилганлиги (амал қилиш муддати узайтирилганлиги) учун тўлов ундирилади»;

в) Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда (2-илова):

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилишга рухсатномалар бериш (узайтириш), шунингдек хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) шартлари ва тартибини белгилайди»;

3, 4, 15-бандлардаги ва Низомга 1-иловадаги «касб» сўзи «меҳнат» сўзи билан алмаштирилсин;

6-бандга «Рухсатнома» сўзидан кейин «(тасдиқнома)» сўзи қўшилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 январдаги 42-ф-сон фармойиши.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 11-модда) 5-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 4-илова.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

217 Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда амалдаги идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 13 ноябрь,
506-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарорига
ИЛОВА

Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

1. Ушбу Низом қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Юридик шахслар — матбаа корхоналари ёки матбаа ишлаб чиқаришига эга бўлган корхоналар лицензия талабгорлари бўлиши мумкин.

4. Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

5. Қуйидагилар қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиат томонидан қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқариш бўйича қонун ҳужжатларига мажбурий риоя этиш;

шунингдек қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши:

қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришнинг тугалланган цикли;

қимматбаҳо қоғозлар бланкалари тайёрлаш, шу жумладан намуналар тайёрлаш, босиш шакллари, уларга тартиб рақами қўйиш ва ишлов беришнинг махсус технологик жараёни;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини қалбакилаштиришдан юқори даражада ҳимояланганлигини амалга ошириш имкониятини таъминловчи махсус асбоб-ускуналар ва технологиялар;

матбаа асбоб-ускуналарида ишлаш бўйича махсус билим ва тажрибага эга бўлган камида иккита мутахассиснинг бўлиши;

қимматбаҳо қоғозлар бланкаларининг ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлаш бўйича асосий талабларга, шунингдек лицензия талабгорига қўйиладиган режим талабларига мувофиқ бўлган ҳисобга олиш ва сақлаш тизими (1 ва 2-иловалар);

қимматбаҳо қоғозлар бланкаларининг техник параметрларига қўйиладиган талабларнинг бажарилишини таъминловчи шарт-шароитлар (3-илова).

6. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган фаолиятнинг лицензияланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгори аризасини лицензияловчи орган кўриб чиққани учун йиғимнинг лицензия талабгори томонидан тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

матбаа корхонасининг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

матбаа корхонасининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида ҳудудий ички ишлар органларининг маълумотномаси;

лицензия талабгорида касб бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган ходимларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

лицензия талабгорида, ўзининг ёки бошқа қонуний асосда, лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун (ишлаб чиқариш, оմборхона, ёрдамчи ва бошқалар) бинолари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

лицензияланаётган фаолият амалга ошириладиган асбоб-ускуналар тўғрисидаги маълумотлар;

ҳудудий ички ишлар органларининг лицензия талабгорининг ишлаб чиқариш биноларидаги бойликларни сақлаш режимининг аҳволи тўғрисидаги хулосаси.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Лицензия талабгорининг аризасини лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия бериш ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

8. Лицензияловчи орган тегишли хулосаларни тайёрлаш учун зарурат бўлганда шартномавий асосда экспертларни жалб этишга ҳақлидир.

9. Лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур орган томонидан тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма равишда хабардор қилишга мажбур.

Лицензиялар лицензия талабгори давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин берилади.

10. Лицензия битимида қўйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилиши учун лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензия талабгорига қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

томонларнинг лицензия битими талаблари ва шартларини бузганлик учун жавобгарлиги;

лицензия талабгорининг лицензия битими талаблари ва шартларини бажаришини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун биттадан нусхада тузилади.

11. Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач у лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунгача икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12. Лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш лицензияловчи орган томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

13. Лицензияловчи орган қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар реестрини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритади.

Лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилиш асослари ва санаси.

Лицензиялар реестридан маълумотлар тақдим этганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади.

Лицензияловчи орган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига лицензиялар реестридан маълумотларни бепул тақдим этишга мажбур.

Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари
ишлаб чиқаришни лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларининг ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлаш бўйича асосий талаблар

1. Матбаа корхоналарида қимматбаҳо қоғозлар бланкаларининг сақланишини таъминлаш мақсадида қоғозлар, ярим тайёр маҳсулотлар, матбаа ва шакл буюмларини тайёрлаш, қабул қилиш, сақлаш, ишлов бериш, топшириш, бериш, транспортда ташишнинг ягона тартиби амалга оширилади.

2. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари қоғозлари, ярим тайёр маҳсулотлари, қимматбаҳо қоғозларнинг тайёр матбаа ва шаклли буюмларини тезкорлик билан ҳисобга олишнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида ва уларни сақлаш жойларида ушбу ҳисобга олиш ишлари учун бош бухгалтер жавоб беради.

3. Бухгалтерия цехларда, омборхоналарда, сақлаш жойларида тайёрланаётган буюмларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиб борилишини ҳар қуни назорат қилиб боради.

4. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари қоғозлари, ярим тайёр маҳсулотлари, тайёр матбаа ва шаклли буюмлари ҳисобга олиб бориладиган барча дафтарлар, карточкалар рақамланади, ип ўтказиб боғланади, пломбланади, бош бухгалтер (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилгандан кейин тилхат билан берилади.

5. Қоғозлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга бериш ҳамда ишлаб чиқарилгандан кейин қабул қилиб олиш фақат бажарувчининг назорати остида биттадан қайта санаб амалга оширилади ва ҳисобга олиш дафтарида тилхат бўйича расмийлаштирилади.

6. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари қоғозлари, ярим тайёр маҳсулотлари, буюмларини маҳсулотнинг сақланиши учун жавобгар бўлган бажарувчининг алмашиниши билан боғлиқ ҳолда цех ичида битта операциядан иккинчи операцияга (ёки цехдан цехга) бериш фақат тегишли омборчилар орқали расмийлаштирилади.

7. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари буюмларини тайёрлаш, қабул қилиб олиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ бўлган моддий жавобгар шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий жавобгарлик тўғрисида мажбурий шартнома тузган ҳолда лицензиат раҳбарининг буйруғи билан тайинланади.

8. Ярим тайёр маҳсулотлар ва буюмлар сақлаш учун махсус жиҳозланган омборхоналарда, сақлаш жойларида, стеллажларда уларнинг ўғирланишдан, йўқотишдан ва яроқсизланишдан тўлиқ сақланишини таъминлайдиган шароитларга риоя этилган ҳолда сақланиши керак. Шу билан бирга, қимматбаҳо қоғозлар бланкаларининг ярим тайёр маҳсулотлари ва буюмларини стеллажларда сақлаш ёпиқ контейнерларда ёки ёпиқ сеткаларда ва ушбу қоғозларнинг ўғирланишига йўл қўймайдиган бошқа усулларда амалга оширилади.

Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларининг бошқа буюмлар билан биргаликда бири-бирдан тўсилмаган битта омборхонада, шкафда сақланиши тақиқланади.

9. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари қоғозлари, чала тайёр маҳсулотлари ва буюмлари тушлик танаффуслар вақтида ҳамда иш сменаси тугагач санаган ҳолда, омборчининг Ҳисоблаш дафтаридаги тилхати бўйича омборхонага сақлаш учун топширилади.

Тушлик танаффуслар вақтида қимматбаҳо қоғозлар бланкалари қоғозлари, ярим тайёр маҳсулотлари ва буюмларини иш жойларида қолдиришга фақат:

жамоанинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномасини имзолаган бригада ходимларидан бирортаси қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини кузатиб туриш учун иш жойида қолган;

бажарувчилар айнан бир вақтда чиқиб кетадиган ва кейинчалик айнан бир вақтда кириб келадиган шароитда буюмлар маҳкам беркитилган участкаларда қолдирилганда, бунда участка қулфланадиган ва пломбланадиган ҳолларда йўл қўйилади.

10. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари буюмларининг камайиб қолганлиги аниқланганда далолатнома тузилади, у тегишли чора-тадбирлар кўриш учун лицензиат раҳбарига берилади ва етишмаётган буюмларни қидириб топиш чора-тадбирлари кўрилади.

11. Лицензиат бажарилган ҳар қайси буюртмадан биттадан архив нусхаси қолдириши керак, унга «тўланган» ёзувли штамп қўйиши ва уни махфий ҳужжат сифатида сақлаши лозим. Ҳар бир архив нусхасига инвентар тартиб рақами берилади. Архив нусхасини сақлаш муддати: депозит сертификатлар учун — 4 йил, векселлар учун — 3 йил, акция ва облигациялар учун — 50 йил, давлат мажбуриятлари учун — уларни тўлаш муддатигача. Лицензиат — тайёрловчининг фаолияти тўхтатилган тақдирда архив нусхаси далолатнома бўйича буюртмачига (эмитентга) берилади.

Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари
ишлаб чиқаришни лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Лицензия талабгорига қўйиладиган режим талаблари

1. Ташкилотларнинг ишлаб чиқариш биноларига ва хўжалик ҳовлилари ҳудудига кириш қўриқлаш пости орқали, рухсатномалар бўйича ёки ташкилот раҳбариятининг рухсати билан амалга оширилади.

2. Ишлаётган ёки асбоб-ускуналар, нусха кўпайтириш техникаси, шрифтлар, матрицалар мавжуд бўлган қурилаётган матбаа ташкилотлари ҳудуди ўралди ва қўриқланади.

Матбаа ташкилотларининг, нусха кўпайтириш участкаларининг бинолари қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш бўйича огоҳлантириш воситалари билан жиҳозланади, уларнинг дераза ва эшикларига (қўриқлаш), шипларига (ёнғиндан сақлаш) датчиклар сигналлар қўриқлаш постига ёки ички ишлар органларининг марказлаштирилган қўриқлаш пультага етадиган қилиб ўрнатилади.

3. Биринчи қаватдаги деразаларга ичкаридан очиладиган, табақали (сурилма) панжаралар ўрнатилади. Ёнғиндан сақлаш нарвонлари, соявонлар ёки туташ бинолар томлари мавжуд бўлганда панжаралар улар яқинидаги деразаларга ўрнатилади (дераза панжаралари диаметри камида 12 мм бўлган пўлат симлардан ясалади, улар кўпи билан 150x150 мм катакли қилиб ҳар қайси бостирмага маҳкамланади.

4. Алоҳида ҳолларда «шаклли» панжаралар тайёрлашга йўл қўйилади, лекин бу ҳолда улар ишлаб чиқариш биноларига киришга мутлақо имкон бермайдиган бўлиши керак.

5. Матбаа ташкилотларининг кириш эшиклари, шунингдек ҳарф териш, босма цехлари эшиклари (камида 40 мм қалинликдаги) бир хил тахталардан ясалган, мустаҳкам ва ишончли тамбалар (камида иккита ички қулфлар) ёки шифрли қулфлар ўрнатиш, икки томони четлари эшиклар ёнига қайириб қўйилган рухланган, асбестли тунукалар билан қопланган бўлиши керак. Эшикларга бегона кишиларнинг киришини тақиқловчи трафаретлар ўрнатилади.

6. Ҳарф териш, босма цехлари (участкалари), шунингдек нашр қилишга (қўпайтиришга) буюртмалар қабул қилиш ва тайёр материалларни бериш бўйича иш жойлари оловга чидамлилиги 2-даражадан паст бўлмаган, бошқа ёрдамчи ва хизмат биноларидан тўсилган, ёнғиндан сақлаш деворлари ва уларга киришга йўл қўймайдиган бостирмалар билан бўлинган биноларда жойлаштирилиши керак.

7. Иш тугагач бинолар қулфланади, пломбланади (муҳрланади), уларнинг калитлари эса махсус дафтарда сана ва вақт кўрсатилган ҳолда имзо қўйдирилиб қўриқлаш учун масъул бўлган шахсга берилади. Калитларни беришда вақт кўрсатилади, уларни олувчи ўз фамилиясини ёзиб имзо қўяди.

8. Матбаа ташкилоти маъмуриятининг ва таҳририятнинг, таҳририят-нашриёт бўлимининг бинолари ишлаб чиқариш ва омборхона биноларидан ажратилган бўлиши керак.

9. Маъмуриятга, таҳририятга ва таҳририят-нашриёт бўлимига келувчиларнинг ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари орқали ўтишига йўл қўйилмайди.

10. Шакллар ясаш, ҳарф териш, шрифтлар қўйиш ва босма цехлари (участкалари) ишлаб чиқариш биноларида цех (участка) бошлиғи ёки ташкилот раҳбари тайинлаган масъул шахс бўлмаган вақтда айрим ходимларнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

11. Янги очилган ва ишлаётган матбаа ташкилотлари ҳудудида уй-жойларни ва ушбу ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган ҳар хил хизматларни жойлаштиришга, шунингдек матбаа ташкилоти ҳудудида ташкилот раҳбарининг махсус рухсатисиз бошқа ташкилотлар транспорт воситаларининг юришига рухсат этилмайди.

12. Матбаа асбоб-ускуналари ўрнатилган ишлаб чиқариш хоналарини супуриш-сидириш ишлари иш вақтида, у ерда ишловчининг иштирокида амалга оширилади.

Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари
ишлаб чиқаришни лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Қимматбаҳо қоғоз бланкасининг техник параметрларига қўйиладиган талаблар

Ташкилот буюртмачига бажарилган буюртма билан бирга қимматбаҳо қоғоз бланкасининг (намунавий нусхага мувофиқ) техник параметрлари ёзилган ҳужжатни беришга мажбур, унда қуйидаги маълумотлар бўлади:

- а) дизайннинг тўлиқ тавсифи;
- б) бадий безаш элементларини полиграфик бажариш усуллари;
- в) қалбакилаштиришдан график ҳимоя қилиш элементлари;
- г) қалбакилаштиришдан кимёвий ҳимоя қилиш элементлари;
- д) ҳақиқийлигини назорат қилиш усуллари ва бундай назоратни техник жиҳатдан амалга ошириш;
- е) қоғознинг тўлиқ тавсифи (тола бўйича таркиби, қалинлиги, бир квадрат метрининг оғирлиги, қоғознинг механик жиҳатдан пишиқлигини белгиловчи икки марта букланган жойлари сони, узилиш узунлиги, ялтироқ толалар мавжудлиги, конфетти мавжудлиги).

Қимматбаҳо қоғоз бланкасининг техник параметрлари ёзилган ҳужжат икки нусхада тўлдирилади, улардан биттаси маҳсулотни қабул қилиш — бериш далолатномаси бўйича буюртмачига берилади. Иккинчи нусхаси қимматбаҳо қоғоз бланкасининг архив нусхаси билан бирга лицензиат — тайёрловчида сақланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

218 Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Геодезия ва картография тўғрисида» ва «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш комиссияси икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилансинки, топография-геодезия ва картография ишларини амалга ошириш ҳуқуқига мазкур қарор кучга киргунга қадар берилган лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 1-илованинг 7-бандидаги «ва муҳандислик-геодезия» сўзлари «(муҳандислик-геодезия ишларидан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 14 ноябрь,
510-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарорига
1-ИЛОВА

Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган геодезия ва картография ишлари турлари лицензияланиши керак.

3. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш

* 2-илова берилмайди.

тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси (кейинги ўринларда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси деб юритилади) Комиссиянинг ҳужжатларни қабул қилишни, лицензиялар беришни, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни, лицензия битими тузишни ва унинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи ишчи органи ҳисобланади.

4. Юридик шахслар лицензия талабгори бўлишлари мумкин.

5. Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилди.

6. Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилди. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

7. Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига (айрим иш турларига) берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Қуйидагилар геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиат томонидан геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан геодезия ва картография ишларини амалга ошириш бўйича норматив-техник ҳужжатларга риоя этилиши;

лицензиат штатида лицензияда кўрсатилган фаолият турлари бўйича маълумоти тўғрисидаги ҳужжатга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган камида бир ходим бўлиши;

белгиланган талабларга мувофиқ бўлган моддий-техник базанинг, геодезия ва картография асбоб-ускуналарининг, бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши;

геодезия ва картография ишларини амалга оширишни тартибга солувчи зарур норматив-техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

лицензиат томонидан давлат сирини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда режим органининг мавжуд бўлиши.

9. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 8-бандида санаб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

10. Геодезия ёки картография фаолиятининг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларга талаблар «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси томонидан белгиланади ва Комиссия томонидан тасдиқланади.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

11. Лицензия олиш учун лицензия талабгори «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик

шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; фаолиятнинг лицензияланаётган тури (ёхуд унинг қисми) ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензияланадиган иш турларини бажарадиган мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар (сони, маълумоти, мутахассислик бўйича иш стажи);

техника билан жиҳозланганлик ва лицензияланадиган ишларни амалга оширишга доир норматив-техник ҳужжатлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

геодезия, картография приборлари ва асбоб-усқуналарининг метрология жиҳатидан таъминланганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхалари;

лицензияланадиган ишларни назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олишнинг ташкил этилиши тўғрисидаги маълумотлар.

12. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

13. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказилади.

14. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилиб олинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

15. Лицензия бериш ҳақидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун конун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари микдорида йиғим ундирилади.

16. Лицензия бериш тўғрисидаги ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

17. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

IV. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

18. Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ариза ва лицензия олишга барча зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб ўттиз кунни ташкил этади.

19. «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги тегишли қарор протоколи лойиҳасини тасдиқлаш учун Комиссияга тақдим этади.

Комиссия «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Зарур ҳолларда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси жойларга бориб лицензия талабгори томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши имкониятини ўрганиш ҳуқуқига эгадир.

20. «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

21. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи лицензия битими «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилиши учун лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи органнинг назорат қилиши тартиби;

геодезия ва картография фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига тегишли бўлган бошқа шартлар.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси учун бир нусхадан тузилади.

22. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва химояланиш даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмаҳона усулида тайёрланади. «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси раҳбари лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

Лицензиялар «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

23. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

24. Агар лицензиат лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

25. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги қарор, шу-

нингдек «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг мансабдор шахси хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

26. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида, рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

27. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

Бунда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи билан тасдиқлаш учун Комиссияга киритади.

Комиссия «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг таклифи олингандан кейин етти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди.

Лицензия талабгорларининг аризалари қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

28. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза беришга мажбур.

29. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

30. «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси томонидан лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

31. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

32. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Дубликатлар беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

33. «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда:

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензиатдан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текшириш натижалари асосида лицензия талаблари ва шартлари бузилишининг аниқ ҳолларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузади;

лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритади.

Давлат назорат ва текшириш органлари, шунингдек давлат ҳокимиятининг бошқа органлари лицензия талаблари ва шартларининг бузилишлари аниқланган тақдирда, ўз ваколатлари доирасида, аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида лицензияловчи органга маълум қилишлари шарт.

34. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

35. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

«Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

36. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

37. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

38. «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

39. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш санаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган сана ва унинг тартиб рақами), почта манзили, телефон ва факс рақамлари, электрон почта манзиллини ўз ичига олувчи лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

лицензиат томонидан бажариладиган ишлар кўрсатилган ҳолда фаолиятнинг лицензияланадиган тури;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилиш асослари ва санаси.

40. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва ёзма сўровга кўра ҳамда сўров ҳақи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат кўрсатилганда муайян лицензиатлар тўғрисида реестрдан кўчирма тарзида уч кун муддатда берилади.

41. Лицензиялар реестридан бир лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига лицензиялар реестридан маълумотлар текин берилади.

42. Реестрдан маълумот берилганлиги учун йиғим суммаси «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

IX. Лицензия берганлик учун давлат божи

43. Лицензия берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

44. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.


Геодезия ва картография фаолиятини
лицензиялаш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Геодезия ва картография ишларининг лицензияланадиган турлари рўйхати

1. Давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар:
 - а) геодезия ишлари:
 - гравиметрик аниқлашлар;
 - давлат геодезик режа ва баландлик шохобчаларини яратиш, ривожлантириш ва иш ҳолатида сақлаш;
 - ерни масофадан текшириш;
 - геодинамик тадқиқотлар чоғида геодезик аниқлашлар;
 - 1:10000, 1:25000 масштабларда топографик ва махсус суратга олишлар.
 - б) картография ишлари:
 - график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда 1:10000, 1:25000, 1:50000, 1:100000, 1:200000, 1:500000, 1:1000000 масштаби топография режалари ва хариталарини тузиш ва нашр этиш;
 - график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумотнома хариталари ҳамда тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган бошқа мавзули хариталар ва атласлар, ўқув картография қўлланмалари тузиш ва нашр этиш;
 - давлат аҳамиятига эга бўлган географик ахборот тизимларини яратиш ва юриштиш.
2. Махсус аҳамиятга эга бўлган ишлар:
 - а) геодезия ишлари:
 - махсус аҳамиятга эга бўлган геодезик режа ва баландлик шохобчаларини яратиш;
 - 1:500, 1:1000, 1:2000, 1:5000 масштаби топографик ва махсус суратга олишлар;
 - хар хил иншоотларни куриш ва улардан фойдаланишда муҳандислик-геодезия ишлари;
 - ерларни чегаралашда, давлат кадастрларини юриштишда, геология, маркшейдер ишлари ва бошқа ишларда геодезия ва топография ишлари;
 - муҳандислик изланишлари ва бошқа изланишларда геодезия ва топография ишлари.
 - б) картография ишлари:
 - график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда 1:200, 1:500, 1:1000, 1:2000, 1:5000 масштаби топографик ва махсус режалар ҳамда хариталар тузиш ва нашр этиш;
 - график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда махсус аҳамиятга эга бўлган мавзули хариталар ва атласлар тузиш ва нашр этиш;
 - махсус аҳамиятга эга бўлган географик ахборот тизимларини яратиш ва юриштиш.

Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги қонуннинг 2-ИЛОВА

Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш фаолиятини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

219 Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни, шу жумладан сотиб олинadиган давлат активлари ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи шартномалар бўйича тушадиган маблағларни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан ҳар ойда, қонун ҳужжатларида белгиланган нисбатларда амалга оширилади;

хусусийлаштирилаётган корхоналар ихтиёрида қолдириладиган маблағларни ўтказиш ушбу корхоналар томонидан махсус депозит ҳисоб рақамининг банк реқвизитлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилган ёзма сўровлар асосида амалга оширилади. Корхона томонидан сўров сотилаётган давлат активлари учун якуний ҳисобкитоблар қилинган вақтдан бошлаб бир ой ўтгунгача тақдим этилмаган тақдирда кўрсатиб ўтилган маблағлар давлат бюджетига ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 14 ноябрь,
512-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 14 ноябрдаги 512 -сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибида:

а) 3-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни, шу жумладан сотиб олинаётган давлат активлари ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи шартномалар бўйича тушадиган маблағларни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан ҳар ойда қуйидаги нисбатда амалга оширилади:

40 фоизи — бюджет дефицитини қоплаш манбаи сифатида давлат бюджетига;
15 фоизи — Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фондига («Бизнес-фонди»);

15 фоизи — ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш, бозор инфратузилмаси ташкилотларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларига;

3 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Хусусийлаштириш, инвестиция ва бозор тузилмаларини яратиш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича харажатларига;

2 фоизи — идора қилиш ва бошқарув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказилади;

25 фоизи — маблағлардан фақат техника билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришда мақсадли фойдаланиш учун хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг ёки мол-мулкнинг хусусийлаштирилаётган қисми балансида бўлган давлат корхоналари ихтиёрида қолдирилади. Корхоналар мулкӣ комплекслар тарзида тўлиқ сотилганда, шунингдек улар бўйича давлат улушини сақлаш назарда тутилмаган корхоналарнинг устав фондларидаги давлат активларини сотишда кўрсатиб ўтилган маблағлар давлат бюджетига ўтказилади».

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан хорижий валютада тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилади, кейинчалик улар белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда Марказий банкка мажбурий равишда сотилади. Миллий валютада олинган тушумни тақсимлаш ушбу Тартибнинг 3-бандига мувофиқ амалга оширилади»;

в) VI бўлимга қуйидаги мазмундаги 28-1-банд қўшилсин:

«28-1. Хусусийлаштирилаётган корхоналар ёки мол-мулкнинг хусусийлаштирилаётган қисми балансида бўлган давлат корхоналари ихтиёрида қолдириладиган маблағларни ўтказиш ушбу корхоналар томонидан тақдим этилган махсус депозит ҳисоб рақамининг банк реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги сўровнома — хатлар асосида амалга оширилади. Сотилган давлат активлари учун якуний ҳисоб-китоблар қилинган вақтдан бошлаб бир ой ўтгунгача корхоналар томонидан сўровнома-хат тақдим этилмаган тақдирда кўрсатиб ўтилган маблағлар давлат бюджетига ўтказилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорларини бажариш юзасидан жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 20 майдаги 258-сон қарорининг 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) 2-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошидаги «кейинчалик харажатларни объектларни (акцияларни) сотиш тушумларидан қоплаган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин.

